

83.3(54)
К 25

ҲАКИМЖОН
КАРИМОВ



Д
АВР
ВА
ИНСОН



ҲАКИМЖОН КАРИМОВ

**ДАВР
ВА ИНСОН**

ЎзРФА «ФАН» нашриёти
ТОШКЕНТ — 1992
«НУР» ИИЧБ

**Мазкур рисолада ўзбек адабиётшунослигимизнинг муҳим жиҳати—
насрда ритм, ахлоқ, хаёт ва конфликт, давр ва инсон, шунингдек,
йиҷчи образининг шаклланиши, ривожи хусусида фикр юритилади.
Бу мавзудаги назарий фикрлар умумлаштирилди ва уларга муносаб
оғл бидирилган ҳолда асосий диққат ёзувчи маҳоратига қаратилди.**

Научное издание

Хакимжон Каримов

ЭПОХА И ЧЕЛОВЕК

Н а у з б е к с к о м я з ы к е

ЎзФА «Фан» нашриёти,
Тошкент. Чердашев қўчаси, 21.

ИБ № 6211

«НУР» — 1992. 700113, Ташкент, Катартал, 60

Кичик мухаррир Ш. Аминова
Тех. мухаррир С. Собирова
Мусаххих М. Назирова

Теришга берилди. 20. 05. 92. Босинига руҳсат этилди 15. 09. 92. Йогоз
бичими 84×208¹. Школьная гарнитурада югори босма усулида босилди.
Шартли босма табоқ 6,72. Нашр табоқ 8,1. Адади 500. Буюртма № 2458.

К 4702620201
М 355 (04)—92

ISBN 5-648-01901-7

С ЎзРФА «ФАН» нашриёти, 1992
С «НУР» ИИЧБ, Тошкент, 1992

*Олти етимни якка ўзлари бо-
қиб вояга етказган мұхтарама
волидам Мавлон қизи Ҳабибага
бағишилайман.*

Муаллиф

БУНЁДКОР ИНСОН — ДАВР ҚҰЗГУСИ

Социалистик жамияттнинг ярим асрдан ортиқ тарихий фаолияти бевосита меңнат кишиси — инқилобчи, янги жамият яратувчи инсон, яъни ишчилар синфи билан бөглиқ. Ҳақиқатан тарихга назар солсак, инсонияттнинг бир умр орзуси ҳисобланған, яъни кишиларга баҳт ато этувчи жамияттнинг юзага келишига инилишидан тортиб бүгунги кунда ўзгариш юзага келишигача, социалистик тузумнинг иллатларига қарши курашда ҳам ишчиларнинг ўрни катталигини ҳис қилиш қийин эмас.

Адабиёт ҳаёт билан чамбарчас бөглиқ. Ҳаёттнинг ривожи адабиёттнинг ривожини ҳам белгилайди. Ҳаёт ва жамият ривожида ишчи синфининг аҳамияти катта әкан, демак адабиёттнинг мазкур мавзуга мурожаати давр талаби ҳамдир. Сабаби шуки, ишчи образини яратиш ўз навбатида ўтмиш тарихини ёритиш ҳам демакдир. Негаки, тарихнинг тадрижий ривожи бунёдкор инсоннинг ривожланиш жараёни билан чамбарчас бөглиқдир.

Бизга маълумки, бадиий адабиёттнинг бош фаолият мавзуси инсон. У инсон орқали, яъни унинг руҳий дунёсими очиб бериш, шакл-шамойиллни бутун борлиги билан яратиш ила кишиларни эзгуликка чақпради. Энг яхши инсоний хислатларни киши қалбига жо қилади. Албатта, бунинг учун аввало ундан ўрганадыган фазилат бўлиши лозим. Бунни яхши ҳис қилган адилларимиз илғор кишиларни, яъни ҳаёттнинг ҳар томонлама мукаммал, ўз даври учун янги одамларини қаҳрамон қўлиб олишади. Тарихда бундай қаҳрамонлар ҳам ишчилардир. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши муносабати билан Туркистон ўлкасида завод ва фабрикалар юзага келди. Уларга қўплаб маҳаллий аҳоли жалб қилинди. Маълумки, мазкур корхоналарда қўплаб илғор фикрли рус ишчилари ишлашарди. Уларнинг таъсирида маҳаллий ишчиларнинг қалби ҳам янги фикрлар билан йўғрилганлиги, яъни за-

монасининг илғор кишисига айланганлиги тарихдан бизга маълум. Бундан кўриняптики, адабиётга ишчи образини кириб келиши анча узоқ тарихга бориб тақалади, яъни совет адабиётида Горькийнинг «Она» романидан бошлигтан бўлса, 20-йилларга келиб мазкур темада яратилган асарларнинг сони ортди. Бунга мисол қилиб, В. Фоменконинг «Замин жасорати», Ф. Гладковнинг «Цемент», Л. Леоновнинг «Сотъ», В. Катаевнинг «Давр, олға!», М. Шагиняннинг «Гидроцентраль» романларини, шунингдек, В. Кетлинский, И.Эренбург, Ю. Кримов ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин. Бундай бир мавзудаги асарларнинг юзага келишини ўша пайтда мамлакатда қурилтан қатор улкан оғир саноат корхоналари — Сталинград трактор заводи, Днепрострой, Туркистон — Сибирь йўли, Москва автомобиль заводи кабилар билан изоҳлаш мумкин. Бу даврда барча қардош республикалар қаторида Ўзбекистонда ҳам бир қанча саноат корхоналари қурилди: Фаргона тўқимачилик фабрикаси, Бўзсув гидростанцияси, «Ўртоқ» фабрикаси, механика заводи, кўн заводи. Биринчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик машинасозлигининг тўнгичи «Ташсельмаш» заводи, шунингдек, Фаргона, Самарқанд марказий электр станциялари, Тошкент писсиқлик станцияси, Қодрия гидроэлектростанциялари ишга туширилди.

«Республикадаги энг йирик ва техника билан яхши таъминланган корхоналар, Қизил Шарқ заводи, Ильич номидаги завод, «Ташсельмаш», «Таштрам» ва болиқа заводлар ишлаб чиқарип техника кадрлари тайёрлаш мажтибига айланди.

Ишлаб чиқарип техника знёллисипни сафлари ишчилар, талантли таниклиотчилар, социалистик мусобақа ташаббускорлари, зарбдор бригадаларда фаол қатнашувчиilar ҳисобидан ҳам тўлдириб борилди. Саноат академияси, директорлар, директор ўриппосарлари, цех бошлиқлари, мастерлар курслари орқали ҳам саноат корхоналари учун раҳбр кадрлар тайёрлаш юзасидан катта-катта ишлар олиб борилди¹. Мана шу жараён, яъни ҳаётда юз берган янгиликлар ўзбек адабиётига янги-иити мавзуларни, янги иисон образини, хусусан ишчи образини олиб келди. Дастреб, бу мавзу ўзбек адабиётида поэзия жанрида ва ҳикояларда ўз аксини топди. Мазкур мавзуда С. Айний, Ҳамза, Зариф Башир, Шокир Сулаймон, Файратийлар самарали ижод қилдилар. Уларнинг ҳикояларида

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. III-том, Т., 1971, 524-бет.

ұша давр янгиликлари мәхнатда баҳт топған оддий мәхнаткашлар образы тасвиrlанди. Ишчи синғининг образы тасвирида социалистик жамият мөһияти киши онгига сингдирилди ва ҳәётда құлға киритилған ютуқларда ишчилар синғлиниң ролі катта эканлығы очиб берилди. Шунингдек, ипсонни камолатга, баҳтга нима әриштиради, жамият ривожи учун қандай йўл тутиш керак, деган ғоя ҳәётдаги янгиликлар фонида талқин қилинди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим. Еу ҳам бўлса, ўша давр, яъни 20—30-йиллар сиёсати туғайли адабиётда бир тенденция етакчилик қилди. Яъни социалистик ҳәётни үтмиш ҳәётдан афзаллигини күрсатиш, таъкидлаш, янги тузумнинг тутған иштенинг ҳаммаси түғри, унинг бутун фаолияти халқ фаровонлигига қаратилған деган ҳақиқатдан узоқ бўлган фикрни киши онгига сингдириш тенденцияси. Шу даврда ёзилган қатор шеърлар, ҳикоялар, қиссалар ва романларда мазкур ғоя ўз ифодасини топди. Шеърларда тасвиrlантан қуёш, тонг, баҳорнинг гўзаллиги, жозибадорлигининг сабаби социализм қуёши, тонги, баҳори бўлганлиги учун деб талқин қилиндики, бундай фикрлар табиийки, ҳақиқатга зиддир. Бундай куракда турмайдиган фикр ишчи мавзусида ёзилган асарларда ҳам ўз ифодасини топди.

Мана шундай хусусиятга эга бўлган ҳикояларнинг аксарияти Мирмулла Шермуҳамедовнинг қаламига мансубdir. Унинг «Вақтсиз қурбон», «Букун байрам эди» (1920), «Коммунизм чечаклари» (1924) каби ҳикоялари апа шу типлаги асарлардир. Унинг дастлабки икки ҳикоясида — «Вақтсиз қурбон», «Букун байрам эди»да ишчи образи хира очилган. Ҳикоя қаҳрамонлари Охунжон ва Латифконлар киши қўз ўтига жонли кишилар сифатида гавдаланмайди. Сабаби, улар пиҳоятда пассив характерга эга. Тўғрироги улар ҳикояда фаоллик кўрсатмайди. Уларнинг хатти-ҳаракати муаллиф томонидан шунчаки баён қилинади. Окибатда ҳар иккала қаҳрамоннинг үтмиш изтироблари ва совет даврида ҳақиқий баҳтга эришгани, келажак ҳақпидаги ўйлари ҳам кипини ўзига жалб этмайди. Чунки киши ўзи тасаввур қилоладиган нарсага ишонади. Унга эътибор беради. Ҳар иккала ҳикоядаги воқелик шунчаки адибнинг баёни орқали ифодалангани учун кишида ёрқин тасаввур уйғотмайди. «Коммунизм чечаклари» ҳикояснда эса бу борада анчагина ютуққа эришган. Мазкур ҳикояда биз уч тақдирни кўрамиз, яъни Орифнинг отаси. Ориф ва унинг ўғли Алижон тақдирини. Орифнинг отаси бойлар қўлида мәхнатда елкаси эзилиб,

бирор рўшнолик қўрмай ўлиб кетади. Унинг ўғли Ориф ҳам шу тақдирга маҳкум бўлади. Узлуксиз мاشақатли меҳнатдан қасалга чалинади ва яна қайтиб оёққа турмайди. Лекин Ориф образиният ибратли томони шундаки, ёзувчи уни ҳаётнинг қурбонига айлантириб қўймаган. Унинг ўз жамиятидаги ноҳақликка, зулмкорликка нисбатан норозилиги ифодаланган. Тўғри — бу ҳол ҳикояда жуда запиф ҳолда кўринади. Лекин шундай бўлса-да, давр нуқтаи назаридан қарасак катта аҳамиятга эгадир. Чуни Орифнинг ҳақиқатан баҳтга эришади. Алижон, яъни Орифнинг ўғли ҳақиқатан баҳтга эришади. У революция қўёшини кўришга муяссар бўлади. Ҳикоянинг муҳим хусусияти инсоният баҳтга ҳаётдан иолиш, унга тилда норозилик билдириш билан эришмайди, кураш орқали эришади деган гоянинг киши онгига сингдирилиши дадир.

Зариф Баширнинг 1927 йилда ёзилган «Хорманг» ҳикоясида ҳам мана шундай манзарани кўрамиз. Унда икки деҳқоннинг иш услубини бир-бирига таққослаш орқали янгиликнинг афзаллигини, яъни техникага таянган меҳнат кишисининг меҳнат самарасини, ютуғини кўрсатиб беради. Каримжон билан Раҳматларнинг ҳар бирини ўн икки танобдан ери бор. Каримжон ерини эски услубда омоч билан ҳайдайди. Қўлда ишлов беради. Раҳмат эса ҳаётга кириб келган, янги ҳаётнинг самараси бўлган тракторни ўзлаштириб, ерини у билан ҳайдайди. Оқибатда Каримжон ва унга ўхшаганлар ерини ҳайдаб бўлганича, у экиб бўлади. Каримжонлар дин пешволарининг машинада экилган экин кам ҳосил бўлади, деган гапига ишонишади. Жўжани қузда санаш керак, деган ақидага амал қилиб, кузни кутишади. Лекин иш улар ўйлаганча бўлмайди, ҳосил олишда ҳам Раҳмат улардан ўзиб кетади. Улар Раҳматдан ўз тажрибасини ўртоқлашишни илтимос қилишади. У «Камбагал деҳқон» газетасида чиққан «Культиватор» деган мақолани ўқигани ва унда айтилган гапларга амал қилганини сўзлаб беради. Зариф Баширнинг «Ипак кўйлак» (1927) ҳикояси ҳам шу каби воқеага багишлиган. Унда инсон ҳаёти ва турмушида рўй берган янгилик замоннинг янги авлоди нигоҳи орқали очиб берилади. Авваллари ҳамиша маъюс юрадиган Тошмат ака иниқилобдан сўнг ерли, сувли бўлгач, турмуш тарзи ўзгарди. Қадди ҳам тикланди. Энди у илгаридек ғамгин эмас, бадки қувноқ, ҳаётидан мамнун юради. Ма-

на шу янги ҳаёт Эшматни ҳам тарбиялайди. У совет мактабида таълим олиб, дәхқончилик ва ишакчиликнинг янгича агротехника қондаларини ўрганади. Мазкур қўрсатмаларга тўла амал қилса, унинг оқибати қандай бўлишини тўла англаб етади. Хулоса қилиб айтганда, «Зариф-Башир асарларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ёзувчи кўпинча бир типдаги, аммо тушунчаси ҳар хил бўлган кишилар ёки оиласанинг ҳаётини таққослаб, ундаги илғор тенденцияни қўрсата билади ва яхлит, конкрет хулосалар чиқаради. Деярли ҳамма асарларида эскилик ва унга ёпишиб олган кишиларнинг эски дунё билан баробар чириб бориши, муқаррар ҳалокатта учраши, эскилик билан янгилик ўртасидаги кескин кураш, гарчи дастлабки пайтларда кучсиздек бўлиб кўринса ҳам, оқибатнинг жадда янгиликнинг устун чиқишини конкрет фактларда қўрсатади.»¹ Унинг «Энди тушунди» (1927), «Оғилхонада» (1927) ҳикояларида ҳам янгиликнинг эскилик устидан галабасини, янги тузум одамларни қайта тарбиялаётганлигини конкрет воқеалар тасвири орқали акс эттириб берилганлиги билан диққатга молиди.

Маълумки, адабиёт давр тенденциясини омма онгига етказишида биринчи таъсир омили ҳисобланади. 20-йилларда жамият олдида бир мақсад туради. Бу ҳам бўлса социалистик жамиятнинг моҳиятини кипи оптига сингдириш. Мазкур ҳикояларнинг ўз даврида тутган ўрни худди мана шу нарса билан белгиланади. Яъни жамиятда юзага келган янгиликларни писон онгига сингдириши билан. Шу маънода Зариф Баширининг ҳикоялари 20-йиллар адабиётида ўз ўрнига этади.

Ғайратийнинг «Тиланчи хотин» (1927) ҳикоясида юқоридаги ҳикояларга ишбатан ишчи образи тўлароқ ва кенгроқ тасвирланган. Лекин илгари сурнглган гоя бир хил. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки янги тузумнинг афзаллигини очиб бериш замоннинг давр тақозоси эди. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Дилбар. У ёшлигига ота-онадан етим қолиб, бирвларининг қўлида минг азобда тарбия топади. Бўйи етгат амакиси томонидан севмаган йигитга узатилади. У ерда рӯшинолик эмас, факат хўрлик кўради. Оқибатда эридан ажраб, бошқа юртга кетади. У ерда тиланчилик билан куп кечиради. Революциядан кейин «Хотин-қизлар шуъбаси»га учрашади, шуъба уни тўқимачилик фабрикасига ишта жойлади. Дилбар

¹ Аҳмад Алиев. Ижод ва изланишлар. Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти. Т., 1976, 21-бет.

у ерда ўз баҳтини топиб, ёрқин ҳаёт кечиради. Жамиятнинг илғор кишисига айланади. Кўриб ўтганимиздек мазкур ҳикояда ҳам юқоридаги ҳикоялар каби соғ ишчи фаолияти акс эттирилмайди, балки қаҳрамонининг ишчига айланишигача бўлган этапи қаламга олилади. Лекин шунга қарамай, бош қаҳрамон Дилбарнииг тортган изтироблари, у тўқнаш келган ҳаётдаги адолатсизликлар тасвирида жамиятдаги социал нотенглик ҳамда ижтимоий зиддиятлар моҳияти очилади. Мазкур ҳол, шунингдек, Дилбарнииг меҳнатда баҳт топиши, унинг фабрикада ишлаши фақат янги тузум туфайлигина эканлиги сюжет линияси орқали киши онгига сингдирилиши ўша давр учун муҳим ҳодиса ҳисобланарди ва катта аҳамиятга эга эди. Мазкур ҳикоянинг яна бир муҳимлиги адабиётга янги типдаги қаҳрамоннинг кириб келишидир.

Файратнинг «Иккинчи пичоқ» ҳикоясидаги Мушаррафхон тақдири ҳам Дилбар тақдирига ўхшаб кетади. Мушаррафхон ҳам бойлар қўлида эзилади, хўрланади. Инқилоб шарофати билан «хотин-қизларга маҳсус очилган курслардан бир-иккитасини тутатиб, оз замон ичидаги олган онг-билим хотин-қизларга афзаллиги тағсилотга кўп берилмаганлигидир, шунингдек баёнчиликдан кўра тасвирга эътиборни қаратилганигидир. Муҳими, Мушаррафнинг илғор аёлга айланишида ташқи омилиниг таъсирини ишончларни кўрсатилишидир. Хусусан, фаол рус аёли Карлованинг ўтказган таъсири хатти-ҳаракатига ҳаётийлик бағишлаган.

Йигирманчи йиллар охирига келиб ёзувчилар астасекин маҳорат сирларини ҳам ўзлаштирудилар. Бу даврда ёзилган асарларда олдинги асарлардаги каби ишчи-фаол қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати баёнда ҳикоя қилинмай, тасвирда кўрсатишга, шунингдек, уларниг руҳий дунёси, психологиясини очиб беришга ҳам эътибор берилади. Албатта, бундай ҳикоялар кишиларни меҳнатга онгли ёндашибарилади, уни баҳт омилкори деб биллиларида, колективчилик, ташкилотчилик руҳида тарбияланишида сезиларни таъсир кўрсатди. Шундай асарлардан бири Ҳусайн Шамснинг «Артелда байрам» ҳикоясидир. Ҳикоя бош қаҳрамони Файратийнинг ҳикоялари каби аёл—Саидахондир. Саидахон артелга ишга келган дастлабки кезларда жамоатчиликка аралаша олмайди. Улардан ўзини тортади. Сўзсиз бу нарса унинг ишига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Лекин жамоат уни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, бағрига олади. Энди унинг характеристида

олдинги тортичоқлик ўрнига фаоллик пайдо бўлади. У ўзидаги бу хусусият билан бошқаларга ўрнак бўлади. Оқибатда артелда энг фаол, илғор ишчига айланади. Ҳамма ундан маслаҳат сўрайди, унга ишлари тушганда Сайдакон деб эмас, «Союз она» деб мурожаат қилишади. Мазкур ҳикояни хам ўша давринг сара асарларига киритиб бўлмайди. Лекин ишчи образини яратишда реалистик йўлдан борганилиги, яъни характернииг шаклланишида ташқи омил жамоатнииг ўрни анча изчил кўрсатилганлиги билан олдинги ҳикоялардан устун туради. Лекин тил хусусида бу гапни айтольмаймиз. Сабаби шуки, қаҳрамонларнинг тили ишдивидуаллапмаган. Барчаси бир хил — ёзувчи тилида гапиради. Матъумки, тилнинг ўзига хослиги, гап манераси қаҳрамоннинг маънавий оламини ёритишда, унинг характеристикини белгилашда, савиёси ва дунё қарашинианглятишида, муҳими уни бошқалардан ажраб турадиган томонларини хис қилишда катта роль ўйнайди. Мазкур ҳикояда биз худди мана шу ҳолатни кўрмаймиз.

Адабнинг «Ўзгариш» (1931) номли ҳикояси ҳам ишчи ҳаётига бағишлиланган. Унда ўзбек ишчисининг босиб ўтган ҳаёт орқали ўтмиш билан бугунги ҳаётини таққослайди. Ўтмишда киши ҳар қанча оғир меҳнат қилишига қарамай турмуши ўз ҳолича қолса, бугунги кунда меҳнат камолатга эриштирувчи, элда обрў топтирувчи омил эканлиги ишонарли қилиб тасвирланган. Ҳикоянинг бош қаҳрамони завод ишчиси Розик. У зарбдор меҳнати туфайли мастерликка кўтарилади. Иш суръатини кундан кунга ошириб боради. Бу ҳол эса обрўсига обрў қўшади. Унинг бевосита фаоллиги, ташаббускорлиги туфайли заводда иш жараёнт жонланади. Ишчилар ўртасида социалистик мусобақа жорий қилинади. Розикдаги ҳар томонлама ўзгариш унинг дўсти Кимсанбой нигоҳида ёзувчи томонидан яхши очиб берилгап. Ҳикоянинг муҳим аҳамияти ва тарбиявий кучи янги жамиятнииг янги-ташаббускор, фаол, кузатувчи эмас, яратувчи иносон образини яратилишиадир. Албатта, бу нарса ёзувчининг ҳаётга яқинлиги, ҳаёт тенденциясини чуқур англаши билан белгиланади.

Ойдин Собированинг «Бечора» номли ҳикоясида улуғ Октябрдан олдинги ишчилар ҳаёти, уларнинг турмуши тоятда таъсирли иинкишоф қилинган. Мазкур ҳикояда воқеа баён қилишмайди, балки аниқ картинада тасвирланади. Оқибатда мазлум халқининг ўтмишдаги ҳаёти бутун мураккаблиги билан кипи кўз ўнгига гавдаланади. Ойлада эр-хотин тиним билмай ишлайди. Хотин дўпчи ти-

қади, эр дегрезлик қиласди. Иккала иш ҳам кишининг тинкасини қуриладиган юмушдир. Лекин шунга қарамай, уларнинг рӯзғорида доимо етишмовчилик. Сабаби улар меҳнатларига яраша ҳақ ололмайдилар. Эзувчи синф вакиллари ишлари битгунча ўзларини минг оҳангга солади, иш битгач тулкидек айёрликка ўтади. Қўли гул аёлга буюртма беришганда «янги нусхадан бўлсин, ҳеч ким ҳали киймаган, бошқа куёвларда кўрилмаганидан тикиб беринг. Нима десангиз шуни берамиз, чит десангиз чит, пул десангиз пул» деган бойвуччалар иш битгач, «гули қийшиқ, ипакларининг ранги келишмайди, айтганингиэни бера олмайман, мен буюргандек тиккан бўлганингида молим эмас, жонимни ҳам берардим» деб яrim-ёрти ҳақ ташлаб кетадилар. Оила соҳиби Турғунбой аканинг аҳволи ҳам бундан ортиқ эмас. У «ҳар куни эрта билан чиқиб кетиб, хуфтонга яқин ҳориб, чарчаб келади. Дегрезларнинг кўмирини, чўянини ташийди, қолипини қуяди. Гудаз бўлган кунлари «ҳа» дегудек ҳоли қолмайди¹. Мана шундай тинимсиз меҳнат қилса-да, турмуши noctor, топган пули ҳеч нарсага етмайди. Тузукроқ пул топиш учун ҳеч бир гудаздан қолмайди. У кетма-кет икки кун гудазга қатнайди. Тинка-мадори қуриган Турғунбой ака Норматҳожиникида бўлган гудазда «зўрга ўн-ўн беш марта қатиашга чидаш берди. Кейин бутун дармони қуриди шекилли, бирдан қўлидаги чўмичи билан муккасидан йиқилиб тушди». Баданларига чўғлар ёшишиб қолади. Турғунбой ака мазкур воқеадан кейин беш ой ўрнига михланниб ётгач, вафот этади. Бу вақт ичидаги оила боршудидан айрилиб, ўликни кўмини учун Норматҳожидан ҳовли жойини гаровга қўйиб пул қарз олади. Ҳикоя Турғунбой ака хотинининг қўйидаги ноласи билан тугайди: «Болам билан энди қаёқларга тентирайман. Бир қўлим бир тепа бўлиб қолди, — деб эрининг бошида узвос солиб йиги бошлади... «Ўтмишда бундай аянчли манзара бир оиланинг бошида эмас, балки минглаб хонадоннинг бошида шу қулфат эди. Адиба бир оила мисолида худди мана шу ҳолатни очиб беролган. Гудаз томоша қилаётгаан қиз нигоҳи ва сўзларида бу нарса аниқ ўз ифодасини топади. Демак, Ойдин Собирова ҳикояда ўз мақсадига эришган. Агар биз ҳозирги кун ишчиларининг турмушини, уларнинг меҳнат орқали топаётган обрў-эътиборини мазкур ҳолатга солиштиrsак, уларнинг иш жараёнида бирор кор-

¹ Ойдин. Гулсанам». Тошкент. Фоғур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985, 42—43-бетлар.

ҳол бўлиб қолса, давлат томонидан бериладиган ёрдамни эсга олсан, бугунги кун ҳаётимиизга меҳримиз янада ортади. Тургунбой акага, унинг оиласига бўлган ачиниш ҳисси қалбимиздан узоқ кетмайди. Демак, қалбимизда ўзгариш ясайди. Ҳикоянинг аҳамияти худди мана шундадир.

Абдулла Қаҳҳорининг 1935 йилда ёзилган «Қанотсиз читтак» деб номланган ҳикояси ҳам ишчилар ҳаётидан олиб ёзилган. Ҳикояда икки ишчи образи яратилган. Бирни Набигул. «Унинг асли исми Наби. Ўзининг ашуласи, чолгуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «гул» — «Набигул» деб атаган. Иккинчиси Қодир. Набигул ишга кечикиб келади. Сабабсиз ишдан қолади. Шундан уни ишда қўними йўқ. Унинг охирги қўним топган жойи Қодир ишлайдиган завод. Лекин эски одатини қилиб, бу ерда ҳам ишга келмагач, цех комсомоллари деворий газетасининг «Викторина» ўйинида «Читтак» ким ва у нима учун эрталаб наҳорда бир ишёла совуқ сув ичади» деган савол билан ишчиларга мурожаат қиласди. Набигул — «Читтак» ўзи әкашини овқат вақтида» билади. Ишчиларининг қулиги билан қараши, кекса ишчининг ибратли гаплари Набигулда ҳеч ўзгариши ясамайди. У бу истеҳзоларни майнабозчилик билан енглишга уринади. Хусусан, кекса ишчининг «заводдан-заводга сакраб нима излайсан?» — деган саволига Набигул қўйидагича ҳаракат қиласди: «Набигул нима дейиппини билмай у ёқ-бу ёққа қаради, сўнгра, икки қўлини икки сонига тап-тап урди-да, баланд, ингичка товуш билан хўрз бўлиб қичқирди. Ғовур босилди. Бир лаҳза жимлиқдан сўнг, кулаги кўтарилиди. Набигул юргурганча опхонадан чиқиб кетди». Шундан сўнг ўзини «безбет» деб койиган илғор ишчи устидан Қодирга шикоят қиласди, нима сабабдан ишга кечикиб ва сабабсиз ишдан қолишини айтади. Ўзининг ушбу гапларининг тўғрилигини исботлаш учун, уни шанбаликка ёзишмаганлигидан шикоят қиласди. Шанбаликка рўйхатга олган кинни билан жаңжаллашади. Набигулининг мазкур ҳаракатларини ўқиган китобхони уни қандай одам деб баҳолашда иккиланиб қолади. Лекин ҳикоя ниҳоясига етгач, мазкур ҳол ёзувчинини қаҳрамонини руҳий дунёсини, шаклшамойилини бутун борлиги билан очиб беришдаги услугиби эканлигини англайди. Ҳақиқатан ҳам Абдулла Қаҳҳор ўз қаҳрамонларининг характерини яратишда ортиқча эпитетлардан, баёничиликдан кочади, ўз позициясини тўғридан-тўғри англатмайди. Қаҳрамонининг кимлиги, у

қандай одамлигини хатти-ҳаракати, тутган иши, гапириш манераси, ғаолиятида күрсатди. Набигул образи ҳам худди мана шундай услугуда яратылған. Шунингдек, Абдулла Қаҳхор ўз қаҳрамонларининг характерини очишида күпинча муқояса қилини услубини құллайды. Яъни хатти-харакатлари кишида нафрат үйғотувчи киши образи билан ёнма-ён тутган иши, хатти-ҳаракати ибратли киши образини бирғаликда тасвирлайды. Бу услубининг фазилати шундаки, унда иккى образнинг ўзига хослиги ёрқин очилади. Мазкур ҳикояда ҳам шу ҳолни күрамиз. Набигулга нисбатан Қодир ана шупидай образдир. У илгор ишчи. Заводда ҳамма ҳурмат қиласы. Уни яқын ўртада цех бошлигиги бўлишини Набигул қәёқдантир билиб олади. Шундан унга яқинлапши йўлини қидиради ва топади. Қодирни уйига таклиф қиласы. Худди мана шу воқеадан биз Набигулиниг кимлигини билиб оламиз. Уни Қодирга ўйкараб айтган гапларининг бари сохта эканлигини, аслида ишчи номи никоби остида ўзининг кирдикорларини бекитиб юрувчи қаллоб, отарчи, савдогар эканлигини англаймиз. Мазкур эпизодда унинг акаси ҳам бир жойда ишламайдиган, Қодирга ўхшаган меҳнаткани, содда кишиларга тузоқ қўядиган бозор кишиси эканлиги биланди. Қодирнинг хотини 80 сўмга олмаган сичқои еган рўйжани унга 120 сўмга ўтказади.

Ҳикоянинг мухим аҳамияти унинг тарбиявий қучга эга эканлигидир. Ҳикоянинг тарбиявий қучи бугуиги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Биз бугуиги кунда ҳам завод ва фабрикаларда ишчи номи билан иш күрувчи бозор «Эпцилларини», ишчи деган муқаддас помга доғ тушуриб, ичкислик туғайли инга келмовчи одамларни учратамиз. Уларниг аксарияти Набигулга ўхшаган ўз айини усталик билан яширадиган сўзамол бўлишади. Ҳикоя бундай кишилардан эҳтиёт бўлишига, уларга яқинлашмасликка ундаиди, огоҳлантиради. Меҳнат интизомига риоя қилини иносоният тарихида бутунлай янги жамият бўлган социалистик жамият ташкил тонгай кундан бонилаб ҳар бир совет гражданининг мухим бурчи қилиб қўйилган. Чунки интизом жипс уюшқоқликни ва мустаҳкам бирликни белгилайди, шунингдек, интизом борерла шароит ҳам бўлади. Ушбу ҳикоя 30-йиллардаги ишчилар ҳәти, уларниг характери баёна эмас, тасвирда очиб берилганилиги, кишининг касби-корига хос психологияси усталик билан иккисиоф қилинини билан ҳам мухимдир. Агар хулоса қилиб айтадиган бўлсан, мазкур ҳикоя мавзусидан ташқари, тоявий ўткирлиги ва бадиий-

лиги билан ҳам 30-йиллар ҳикоячилиги ривожида муҳим роль ўйнади.

30-йиллар ўрталарига келиб адабиётда катта сифат ўзгаришлари юз берди. Мавзу торлигига барҳам берилди, бадиийликка эътибор кучая бошлади. Олдингидек янги тузумнинг афзаллигини бир кишининг меҳнатда баҳт тошишлиги орқали кўрсатилмасдан, энди совет воқелигини ҳаққоний ифодалаш, ҳаётдаги муҳим ўзгаришларни кенг идрок қилиш, жамиятдаги қарама-қаршиликларни партиявий позицияда туриб теран ҳис қилиш, энг асосийси янги совет кишисининг образи баёнида эмас, балки хатти-ҳаракатда, фаолиятда атрофлича тасвирлаш каби масалалар бадиий маҳорат сирлари орқали инкишоф қилина бошлади. Адиблар ўз олдиларига мана шундай талаб қўйган ҳолда ижод қила бошладилар. Адабиёт олдига бундай тенденцияни қўйилиши социалистик воқеликни жадаллик илиа ўсиши, ривожланиши билан бөғлиқдир. Янги жамиятнинг мана шундай тезкорлик билан тараққий этиши янги инсонни вужудга келтирди. Бу янги инсон эса — ҳаётдаги янгилик ва ўзгаришларни ўзида мужассам этувчи шахсdir. Чунки янги жамият ҳамиша янги инсонни яратади. Янги инсоннинг образини адабиётда ҳаққоний гавдалантириб беришнинг ўзи эса адиблардан кўн нарсани — чуқур билим, ҳаёт янгиликларини теран ҳис қилишини, ўзи қаламга олаётган давр одамларининг ҳаётини, фаолиятини яхши билишни ва энг муҳими катта маҳоратни талаб қиласди. Коммунистик партия ҳам ўз навбатида барча совет ёзувчилари олдига инсоннинг кўп-қиррали фаолиятини юксак бадиийлик илиа реал тасвирлашни вазифа қилиб қўйди. Бу даврга келиб, барча совет ёзувчилари қаторида ўзбек ёзувчилари ҳам бу масалада жiddий ютуқларни қўлга кирита бошлади. Улар буни йирик жанрларда атрофлича кўрсатишга киришдилар. Бу даврда Мажид Усмоннинг «Дин», Аҳмад Жўранинг «Сиртмоқ қирқилди», Ҳусайн Шамснинг «Мармар лавҳа», Файратийнинг «Оқип ҳурқми» каби қиссалари ёзилди, бу қиссаларнинг барчасида ишчи образи ўз ифодасини топди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур асарларнинг ҳам асосида бутунлай ишчи ҳаётини тасвирлаб бериш ётмайди, балки у туркираб ўсиб келаётган Ватанини кўролмай уни ичдан емиришга уринаётган янги тузум душманларига қарши кураш, уларнинг ҳақиқий башараларини очиб ташлаш каби мураккаб масалалар билан қоришиқ ҳолда қаламга олинади. Лекин шундай бўлишига қарамай, бу асарларда ишчи фаолияти етакчи-

лик қиласди. Яъни янги тузумнинг моҳиятини тушунган, уни яратувчиси, даврнинг илгор кучи сифатида кўрина-ди. Аслида ҳам шундай эди. Демак, ёзувчилар тўғри йўлдан боришган. Улар асарларининг аҳамияти худди мана шу нарса билан белгиланади.

Гайратийнинг 1931 йилда ёзган «Оқин ҳукми» қисса-сида биз худди мана шу ҳолни кўрамиз. Қиссада персо-нажлар анчагина. Лекин ёзувчининг асардаги асосий гоя-си Ойниса ҳамда Ҳайдар образи орқали берилади. Қисса қаҳрамонлари фаолиятида ва уларнинг қисматида давр руҳи ҳамда зиддиятлари очиб берилади. Агар биз Қосим-жон, Иқболой, Ойниса, Ҳайдар, Рӯзвон хатти-ҳаракати, тутган иши, интилишларида бугунги фаровон қунимиз осонлик билан юзага келмаганигини уқсан, Маҳмудхон, Нормат чаққон, Ғуломбойвачча, Шомақсүд домла образла-ри тасвирида эса ички душманларнинг ҳақиқий башараси фош қилинади. Уларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари тасвирида даврнинг мураккаблиги қайд қилинади.

Қиссада Маҳмудхон ва Ойниса образи фаол ҳаракатда тасвирланади. Адабнинг бундай тасвирлаши бежиз эмас. Чунки бу икки образ икки синф вакилидир. Маҳмудхон совет тузумига қарши олиб борган зааркунандачилик ва қўпорувчилик ишларида янги тузумни эмас, балки ўз синфи қолдиқларини емириб бораётганини ҳис қиласақ, Ойниса сиймосида эса янги жамиятни гуркираб ўсаётга-нини қалбан туямиз. Ёзувчи икки образ тимсолида худди мана шу масалани чуқур очолган. Янги жамият Ойнисага баҳт ато этган бўлса, у ўз навбатида шу жамиятни ри-вожлантиришга, такомиллаштиришга интилади. Чунки социалистик тузумда инсон билан жамият бир-бира ги чамбарчас бөғлиқ. Улар бирини-бири ривожлантиради. Ойниса илгор ишчи. Қуналк нормасини икки юз фойз қилиб бажаради. Нуқсоли маҳсулот яратишга қарши қурашади. Унинг жонқуярлиги туфаили нуқсонли маҳ-сулот ишлаб чиқаришини олди олинади: «Кабинетда цех бошлиги билан токарь Ойниса нима тўғрисидадир гашлашмоқда эдилар. Мазутли қўллариши стол устига уриб гап уқтириб турган Ойниса Ҳайдарни кўриши билан вазиятни бузмасдан унга томон бурилди:

— Мана кўрдингиими, ўртоқ Ҳайдар, — деди стол устидан уч-тўрт чўяп валикларни олиб. — Қандай қилиб буларни станоқда ишлаб чиқариб бўлади. Ҳозирнинг ўзи-да йигирма тўртта валик учун Раянинг учта сверлоси сипиб, биттаси тамом куйиб, ишдан чиқди. Икки кундан бери шундай ярамас аҳвол давом этмоқда».

Ойнисанинг фаолияти бу билан чекланмайди. У заводдаги ўпирлишдан қаттиқ қуюнади. Бунинг сабабчи-лари кимлигини топишга киришади. Чунки у янги тузумнинг яратувчилари сафида бўлишнинг моҳиятини, унинг самарасини англаб етган. У ҳар қадамда хавф-хатар, ҳар қадамда ўлим шарпаси кезиб юрса-да, ҳайтга некбинлик руҳи билан боқади. Сабаби, унга баҳт қалитини тутқазган жамиятнинг ўзи некбинлик асосига қурилган. Гайратий ўз асарида худди мана шу масалани илгари суради. Шунингдек, ҳалқ билан бир сафда бўлган шахснинг келажаги қандай бўлишигини Ойниса образининг тадрижий ривожида ишонарли очиб беради. Бевосита Ойнисанинг ташаббуси билан мазкур камчиликларни аниқлаш бўйича учлик комиссияси тузилади. Бу комиссияда ҳам Ойниса жонбозлик қиласиди, заводдаги ўпирлишнинг сабабларини аниқлайди. Комиссия текшируванинг натижасини мажлисда гапиради:

— «Бизнинг цехда Азизов, Винокуров каби заарку-нандалар бор бўлганидай, механика цехига ҳам бой боласи Усмон Маҳзумов деган ётлар вакили жойлашиб олган. Большевик сезирлиги билан ишчи назорати остида шундай ифлослар билан курашишимиз керак. Бундай кишилар бошқа завод-фабрикаларда ҳам учраши мумкин. Биз улар билан курашиб келдик ва курашаверамиз. Бироқ заводдаги ўпирлишлар сабабчилари Ойнисадан ўч олишади. У станогига патрон ўрнаштираётган пайтида Азизов станокни юргизиб юборади: «Қушдек учиб, электр рубильнингини тутиришга муваффақ бўлган» Ивашкин туфайли Ойниса омон қолади. Қисса қуйидаги эпизод билан тугайдики, бу эпизодда янги тузум бунёдкорларининг меҳнати самарасини, уларнинг аниқ қиёфасини кўз олдимизга келтирамиз: «Заводнинг кенг саҳнасида очиқ ҳавода ремонтдан чиққан йигирмадан ортиқ тракторларни кўклам экин компаниясининг зарбдор бригадалари қўрикдан ўтказаётирлар. Қўрик биринчи сменанинг иш соати келгунча давом этди. Тузатилган тракторлар колонаси колхоз далаларига узатилди.

Заводнинг темир дарвозаси очилиши билан қатор тракторлардан биринчисининг бошқарувчиси, кечагина қасалхонадан соғайиб чиққан, кўклам экин компанияси зарбдор бригадасининг аъзоси — ишчи Ойниса эди».

Қиссада бош образ бутун асар воқелигига етакчилик қилмайди. У асарининг охирги бобларида фаоллашади. Лекин шунга қарамай жамиятнинг илгор кучи, унинг бунёдкорлари янгиликни тез илғаб, унга ўз ҳиссасини

құшувчи, муҳими соғ виждонли, ҳалол, тузумнинг мөхиятини түгри идрок әтувчи кишилар сифатида гавдаланади-ки, бу муаллифнинг сўзсиз ютуғидир. Бироқ очиқ эътироф қилиш керакки, қиссада воқеаларнинг изчил тасвирлап, образларнинг реал қиёфасини яратиш, уларнинг тадрижий ривожини бериш жиҳатидан бир қатор заифликларга әга. Муҳим драматик воқеалар жуда жүн ҳал қилинган. Демак, тарихийлик принципига амал қилиш ҳам асарда изчил эмас. Ҳатто Иқболойнинг ўртадан олиб ташланishi ҳам Маҳмудхоннинг гумдан қилинган деган сўзи билан китобхонга аён бўлади. Албатта, ҳамма нарсага ўз даври нуқтаи назаридан ёндашиб керак. Биз ҳам қиссага ўша давр нуқтаи назаридан ёндашибсак, асар ўз заминида кўтарган масаласининг актуаллиги билан ўз даври адабиётида муҳим ўрин тутганлигини англаймиз.

Аҳмад Жӯранинг «Сиртмоқ қирқилди» (1932) номли асари ҳам ишчилар ҳаётидан олинган. Қисса гарчи ишчилар ҳаётига, тўтириғи саноат мавзусига багишлиланган бўлишига қарамай, унда мазкур воқеалик атрофлича очиб берилмайди. Асарда кўпроқ совет ҳокимияти юзага келишининг дастлабки кунларида, мазкур тузумни кўролмайдиган кишиларнинг совет орган ва ташкилотларига суқилиб кириб олиб, тузумни ичдан емиришга уринишлари, бироқ бутун ҳаракатларининг зое кетиши ҳикоя қилинади.


Қисса сюжети кўп тармоққа әга, воқеа-ҳодисалар бир жойда кечмайди. Москвадан Лондон ва Парижга кўчади. Қиссанинг бош қаҳрамони профессор Рамзиндир. У асли буржуа зиёлиларининг вакили, буржуа тузумига хайрихоҳ, совет тузумини бутун вужуди билан ёмон кўрадиган шахс. Лекин у ўзининг асл башарасини яшириб, ниқоб остида Москва тепло-техника институтига профессор лавозимида ишга жойлашиб олган. У ўз доирасига профессор Ларчиф, Яноф каби нияти бузуқ буржуа зиёлиларини тортиб, мамлакатда оғир саноатни ривожлантиришни бирдан бир вазифа қилиб қўйган. Биринчи беш йиллик цланини йўқ қилишта ҳаракат қилишади. Улар қисман бўлса-да, ўз ниятларига етишади. Бокудан Ботумига борадиган нефть қувурини ишдан чиқарадилар. Оқибатда эллик вагон тозаланган нефть исроф бўлади. Рамзинлар бу билан ҳам чекланмасдан Донбасс кўмир конида ҳам бузгунилк ишларини олиб борадилар, яъни кўмир қазувчи машиналарни ишдан чиқарадилар. Оқибатда анчагина ишчининг ҳалокатига сабабчи бўлишади. Донбассдаги

ишлари билан уларнинг мақсади ишчилар ўртасида совет давлатига нисбатан норозилик кайфиятини ўйғотиш эди. Бу воқеаларнинг барчаси тепасида Рамзин туради. Улар совет делегацияси составида Лондонда бўлган жаҳон энергетиклар қурултойига ҳам боришади.

Совет ҳалқи ва ички органларининг сезгирилги оқибатида уларнинг кирдикорлари фош бўлади. Асарнинг биз ҳикоя қилиб берган қисса сюжетидан кўриняптики, унда кўзга яққол ташланадиган бирор мижобий, яъни ишчи образи йўқ. Лекин шунга қарамай, биз асарда ишчиларнинг меҳнатини, уларнинг қиёғасини ҳис қиласиз. Нефть қувурини қуришида, Донбасс кўмип кошида ишлаётган ишчиларнинг фаолияти, уларнинг меҳнати эпизодик ҳолда тасвирланишига қарамай, мамлакатда саноатнинг ривожланиб келаётганини, бу шу даврнинг илгор кишилари бўлган ишчилар меҳнати туфайли бўлаётганилиги ҳақида аниқ тасаввур берадики, бундан бу қиссани мазкур ишда тилга олиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Қиссага умуман баҳо берадиган бўлсақ, бадний жиҳатдан анча бўй. Енринчидан, композицион жиҳатдан жуда тарқоқ, воқеа-ходисалар бир-бiri билан мantiқan boglanmайди. Иккинчидан, асарда тасвирдан кўра, баён кучли. Рамзинлар ҳамма нарсага жуда осонлик билан эришади. Лондон ва Париждаги воқеалар гоятда хира ва ишонарсиз. Учинчидан, асар воқеалари бутуплай саноат корхонасида кечади, лекин шундай бўлишига қарамай, ишчи отрядининг мазкур воқеаларга бўлган муносабатини, уларнинг фаолиятини кўрсатмаслик асарнинг жиддий камчиликларидандир. Тўғри, юкорида айтиб ўтганимиз каби ҳар бир асарга ўз даври нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо берини лозим. Лекин 1926 йилда Абдулла Қодирий томонида «Ўтган кунлар» романи ҳам ёзилган. Шундан Аҳмад Йўрашинг мазкур қиссасидаги бадний заифликни давр нуқтаи назаридан тамом сўзаш унча жоиз эмас. Ҳемак, бу камчиликлар адабиииг маҳорат сирларини етарлича эгалламагалигидан деб билиш керак.

Бу даврда яратилган асарлар ичida Мажид Усмоннинг «Дин» (1933, донгатъ и перегнатъ жумласининг қисқартилган шакли) повести алоҳида ажralиб туради. Сабаби шуки, биз тилга олиб ўтган асарларга шисбаташ ишчи образи кент ёритилган, уларнинг хатти-ҳаракати баёнда эмас, тасвирда берилган, шунингдек, ёнг муҳими уларни меҳнатда кўрамиз. Шу меҳнат жараёни кечаетган муҳит билан танишмасиз, уни яхлит кўз олдимизга келтира оламиз. Яна кишини хурсанд қиласидаган ҳолат қахра-



монлар психологиясидаги, характеристидаги сифат ўзгаришлар бевосита меҳнат жараёнида кўрсатилади, унинг заминида ўзбек синфининг туғилаётганлиги ва шаклланамётганлиги тасвирланади. Албатта, бу ҳолатлар асарнинг ижобий хусусиятларидир.

Повесть кўп плали. Уига асос қилиб Ташсельманаш заводининг бунёдга келиш воқеаси олинган. Таъкидлага-нимиздек мана шу қурилишдаги қийинчиликлар, бу қийинчиликларни бартараф қилиш, олдинга қўйилган вазифали шараб билан адо қилиш йўлида завод қурилишида ишлаётган меҳнаткашларнинг — ишчиларнинг матонатли меҳнати ёритилган. Асар марказида ўзбек аёли Қумри Ниёзованинг турганлиги ҳам ибратли ҳолатdir. Тарихдан маълумки, 30-йилларда ўзбек аёли ишчи бўлиб заводда ишлаш у ёқда турсин, саводсизликни тугатиш курсига паранжи ёниниб ўқишига боришарди. Мана шундай бир шароитда ўзбек аёлини бетончилар бошлиғи, илғор ишчи қилиб кўрсатиш шу давр учун жуда муҳим эди. Асада қаламга олинган воқеа-ҳодисаларнинг деярли барчаси Қумри Ниёзова фаолияти билан чамбарчас бөглиқ. Бу, айниқса, асарнинг дастлабки саҳифаларида кўзга яққол ташланади. У меҳнаткаш аёл. Тиним билмай ишлайди, ҳаётини меҳнатсиз тасаввур қиломайди. Энг асосийи шундаки, Қумри Ниёзова меҳнатни тирикчилик воситаси деб билмайди, унинг моҳиятини кенг тушунади. У меҳнатни ҳаёт ва янги тузумнинг асоси, ҳалқ фаровонлигининг энг муҳим замири, меҳнат билан одамии бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар бир бутуни ташкил қиласади, бир-бiriни яратади деб билади. Шундан у гайрат ва шижоат билан ишлайди. Оқибатда қурувчи ишчилар-бетончилар обрў-эътибор қозонади. Уни ўзларига бошлиқ қилиб сайлашади. Қумри бригадир бўлгач, қурилишдаги масъулиятсизликка қарши қаттиқ курашади, ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил қиласади, бетон қўйиншинг янги усусларни эгаллашга киришади. Унинг бу меҳнатлари зое кетмайди, кўрсаткичлари кун сайин ортиб боради ва ниҳоят бригадаси меҳнат рекордии ўрнатади. Мазкур бригадасииг қўлга киритган ютуқлари улуғланиб, уига «Дин» номи берилади. Бу ютуқларнинг барчаси кўриб ўтганимиздек Қумрининг фаоллик кўрсатиши ва ишни тўғри ташкил қилиши туфайлидир. Бу нарса повестда аниқ сезилади. Умуман олганда, асарда Қумри Ниёзованинг меҳнат фаолияти жопли ва ҳаётий асосга эга. Тўғрироғи ёзувчи шундай тасвирлай олган. Лекин тўлақонли қаҳрамон образини яратиш учун маз-

кур ҳолаттининг ўзи киғоя әмас. Қаҳрамоннинг руҳий дунёси, шахсий ҳәёти ҳам очиб берилши лозим, шунингдек, унинг хатти-ҳаракати, бажарган иши, гап-сўзи, мулоҳазаси билим ва савиясига мос бўлини, маитиқап асосланиши даркор. Аксинча бўлса, унинг фаолиятига нисбатан кишида шубҳа туғилади. Қумри образига шу талаб нуқтаи назаридан ёндашсан, хатти-ҳаракатда маңтиққа зид томонлар кўзга ташланади. Айниқса, Қумрининг гап-сўзи, ҳаёт ҳақида мулоҳазалари кинини ишонтирмайди. Қумри ҳаёт, бадиий адабиёт ҳақида, ёзувчи ижоди, унинг ҳаётга яқин бўлиши ҳақида жуда чуқур мулоҳаза юритади. Агар таъбири жоиз бўлса, худди ҳозирги замон зиёли аёллари каби. Қумри айтган фикрлар, илгари сурган ғоялар 60-йиллар ишчи аёли тилидан айтилганда ҳеч қанақа эътиrozга ўрип йўқ әди. Чунки буғунги кун инчисининг савияси шундай юқори. Лекин 30-йиллар ўзбек ишчи аёлларининг бу қадар фалсафий теран фикрлари, адабиёт ҳақида мулоҳазалари кинини ишонтирмайди. Ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, бу давр ўзбек аёллари, хусусан ишчи аёл Қумридек чуқур фикр юритолмасди. Сабаби шуки, ҳали улар бу даражага етишмаганди. Асарда образ талқинида мана ишундай тарихий ҳақиқатга эътибор берилмаган. Бу албатта, асарининг камчилигидир. Лекин бу фикрдан асар бутунлай бадиий бўш деган хulosага келиш керак әмас. Унда адаб ҳаётга жанр талаби нуқтаи назаридан ёндашган ва шу асосда ҳаёт воқелигини тасвирлаган. Оқибатда давр руҳи бош қаҳрамонлари фаолияти, тутган ишнида ва воқеалари силсиласида ўз ифодасини топган. Бизга маълумки, Октябрь инқилюбининг шарофати билан феодализм системасидан эндиғина қутулған, иқтисодий, маданий жиҳатдан анча қолоқ бўлган ўзбек ҳалқига ўз қаддини тиклаб олишда рус ҳалқи ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бирмунча ёрдам берди. Умуман оғир саноатга эга бўлмаган жумҳуриятда оғир саноатничилиги юзага келди. Бу ишларга раҳбарлик қилини ва йўлга қўйиш, маҳаллӣ ҳалққа ўргатиш учун Россиядан кўплаб мутахассислар тақлиф қилинди. Бу ҳолни жумҳуриятимизнинг барча жабхасида кўришимиз мумкин. Повестда худди мана шу ҳаётий ҳақиқат реал ўз ифодасини топган. Бу билан адаб иккى ҳалқ ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик масаласининг илк заминини кўрсатишга мусассар бўлган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш даркордир. Бу ҳам бўлса мазкур масала ўз вақтида меъёрида кечган бўлса, кейинги йилларда чегарадан чиқиши ҳоллари

юз берди. Байналмінналлік шиори билан жумхуриятта құпладабыннан томонидан шығып кадрлар (80-шіллар шаңырақтың ўрталарда зерттегілілар ҳам) шығып олиб келиниши оқибатида маҳаллій ахоли ўртасында инициатор, тураржой тапқыссызға рүй бердікі, оқибатда маҳаллій ахолида бунга қарши норозилик кайфияти пайдо болуды. Буныншы салбай оқибатлардың ҳануз жумхурият ҳаётида сезилепти. Бундан шундағы холоса келиб чықадыкі, демек ҳар бир нарса мөттірідан ташқарыда болуса, құзланған самараппинг тескариси рүй берады. Шундай бўлишти табній. Чунки ҳаёт диалектикаси шунин тақозо қиласы. Демак, бир даврда мұхым ҳисобланған мавзу, вақт үтиши билан ўз ахамиятими ийқотиши мүмкін. «Диң» повестінде күтарилиған мавзуншының мұхымлығы ўз даври талаби билан ўлчашының даркор. Биз ҳам уни шу пүктан назардан баҳоладык. Үмуман олғанда, Мажид Усмонпаппинг мазкур асари биз күрсатған камчиликтерге қарамай, 30-шілларда яратылған күргина асарларға ишбеттан ишчи образы кеңг күламда ёритилған асар ҳисобланады.

30-шілларда яратылған мазкур темадагы асартар қатоғыраға С. Айнійшының «Одина», Г. Гуломиншының «Нетай», Ҳусайн Шаменшының «Мармар лавҳа» каби қыссалар шаңы кирип-тіш мүмкін. Тұғри, мазкур асарлар дастлабки ўқыпта шығып темасига алоқасын ийқедек (айниңса «Одина» билан «Нетай») туғызылады. Лекин уларшының заманында, пегизіде күтарилиған гоята кишин дикқат-эътиборын қаратса биз қаламға олган мавзуга алоқадорлығы аңглашилады. Хүни, бу нарса ишмада күринаады?! Аввало иккінші асарда ҳам ишчи ўз давриншының илгер жишиң әкапылығы очиб берилғанында, иккіншіден, уларшының ўз ҳаётларыннан яхни-лашында интилишларыда, бу шүлдә ўз хұжайиларды олдида күпчилик мәхнаткашлар каби бошшың әгмаһы, уларға тиң қарай олишларыда, учипичидан, хатты-харакатлары, фалыяты одамларға таъсир үткәзішін хүсусияттегі әзалигіда күринаады. Одина бундан кейин ҳам Арбоб Камол құліда юрса тамом бўлишини, биттау битта орзуен— Гулбіби висолига эришин ҳам ҳеч қаюн амалға ошмасынин аңглагач, Аиндікоңға қараб ийл олады. Үерда нахта заводыға иште кирады. Тұғри, бу ердеги мәхнат ҳам қиши-лоқдагидан фарқ қылмасады. Лекин у ерда Одина ўзини әркін сезады. Буның сабабы, шуки, у ўзини ёлғыз сезмайды. Үннің дардини тушинаңғаплар бор. Худды машина шу нарса үнгі тасқын берады, келажакқа үміт bogлатады. Ү заводда янгыча мұхиттің күрәді, янгыча рухдагы одамлар билан мулоқотда болады. Бу ишчилар әди. Лекин Одина

Бу ерда күп турмайды, унинг ўз олдига қўйған мақсади бор эди, яъни Гулбигига эришини. У бир оз маблағ жамгаргач, юртига қайтади. Бироқ омади юришмайди. Йўлда қароқчилар қўлига тушиб, бор-ишуудан айрилади. Қишлоғидан қандай чиқиб кетган бўлса, шундай кириб келади. Лекин умидсизланмайди. Иккити марта қишлоғини тарқ этар экан, аввалин чиқиб кетгандек, ўз тақдирини ҳаёт оқимига ташлаб қўймайди. Энді унинг қадамлари дадпил. Чунки уни борадиган ери, дардими айтадиган дўстлари бор. Одинали дўстлари ўз бағрига олади. У февраль революциясидан кейинги халқ ўртасидаги жопланишдан катта умид кутади. Бироқ ҳаёт у ўйлагачалик бўлмайди. Одина бундан умидсизликка тушади, соглиги огирашади. Қийин меҳнатта касаллиги туфайли бардош беролмаганидан ишдан ҳайдалади. Дўстлари ёрдамида Тошкентга келади. Бу ерда у Шомирза, Шариф, Иванлар билан топшияди. Улар ўзлари почор бўлнишларига қарамай кимсасиз Одинани ташлаб қўймайдилар. Қўлларидан келганча иссиқ-совуқидан хабар олиб туршиади. Улар таъсирида Одина аста-секин ўзининг ҳаётга тор қараши психологиясидан фориг бўла бошлайди. Айниқса, унга ҳаётда кўп машаққат чеккан, тажрибали революционер рус ишчисининг сўзлари ўзгача таъсири қиласди Афесски, Одинаниг дунёқараши бир нуктага келганда, у ҳаётдан кўз юмади. У баҳти ҳаётни кўрмай оғир кулфатда ўлиб кетади. Лекин унинг ўломи кишиига тушкунлик кайфиятини келтириб чиқармайди. Чуники Одина ўлтгани билан дўстлари – Шомирза, Шарифлар яшайдилар. Улар рус ишчиси Иван, коммунист Мирза Усмоновлар атрофига уюшиб. курашин давом эттиришларига, эски тузумни ағдариб ташлаб, янги жамият байробини тиклашларига умид билан қарайди. Асарда бу парса аниқ сезилиб туради. Албатта адабининг Одипапи мана шундай умум курашидан ажратиб тасвирланганлигини оқлай олмаймиз.

Асарда эннисодик қаҳрамони бўлишига қарамай рус ишчиси Иван образи муҳим ўрин тутади. Мана бу борада адабиётшунос Аспил Рашидов нима дейди: «Автор бу образни муҳаббат билан, самимият билан чизган, у китобхонда ҳам катта қизиқиши уйғотади. Иван образи замонаасининг илтор кинишиларига хос ажойиб фазилатларни ўзида мужассамлантиргал. Унинг бутун умри подшо ҳукумати ва сармоядорлар зулми остида очлик-яланғочликда, кулликда ўтади. Оғир ҳаёт ва меҳнат машаққатлари уни ҳеч қандай қийинчиликлардан чўчимайдиган баҳодир курашчига, инқилобий ҳаракатларнинг фаол

иштирокчисига айлантиради. С. Айний бу образ орқали ўзбек ва тоҷик совет адабиётида биринчи бўлиб оғир турмуш ва меҳнат машаққатларини кечирган, соғдил, қишиларга иисбатан меҳрибон, қўрқмас курашчи рус қишилари образини яратди. Ёзувчи рус халқининг энг маҳаллий миллат меҳнаткашларига биродарона дўстлик қўлини чўзид, унга ҳар жиҳатдан катта ёрдам бериб келганини кичик-кичик эпизодларда тасвирлайди...

Иван ҳақиқий меҳнат қишиларининг ёрқин тимсолидир, унинг сиймосида социалистик гуманизм, интернационализм, жўшқинлик ва жанговарлик каби олижаноб фазилатлар мужассамлашган¹. Ҳақиқатан ҳам шундайдир. Асарнинг мана шундай ўринлари унинг ибратлилигини таъминлаган. Повестнинг энг муҳим ҳаётда тутган ўрни иичи образларини замонининг янги инсонлари сифатида тасвирлаганлигидадир. Бу нарса уларни бир-бирига дардкашлигида, кўмакларида, суюнчиғлигида: дунёси ортиб-тошиб ётган бойлар бирорвга совуқ сувни разо кўрмайди, ишчилар эса касалга чалинган Одинани нул йиғишиб Тошкентга жўнатишади, у ерга келгач, ўзи каби одамлар холисона даволашга киришиладилар. Бу ҳол янги инсонларда янгича инсоний фазилатлар куртак чиқараётганидан далолат беради. Бу фазилат умуман, меҳнаткаш қишиларгагина хос хусусиятdir. Повестда худди мана шу нарса ўз ифодасини яхши тонган.

«Нетай» повестида ҳам том маънодаги иичи образи тасвирланган. Бу Семён образидир. У бирорининг боласини боқиши у ёқда турсин, ўз боласини боқини малол келадиган бир замонда қучада қолган, ҳеч ким эътибор бермаган қизчани ўз қарамогига олади. Уни бегона эканлигини билдирамай ўстиради. Бу қиз оиласи парокапда бўлган «Маманиёз аканинг қунгир сочли арзандаси, қора қўзли қулуни, ўн ёшли қизи — Нетай эди». Оиласидан ажралган етим Нетай муҳожирлар билан Қўқонга кириб келганда, унинг аячли аҳволини кўрган ўзларини диний ислом ҳомийси деб юрганларнинг бирортаси бошини силамайди, аҳволини сўрамайди. Қайтага унга бошқача қўз билан қарайдилар. Мана асарда бу манзара қандай тасвирланади: «Нетай узоқ тентиди, ўзининг жажжи-жажжи панжаларини «сахий»ларнинг меҳри, шафқатига қараб чўза қолди.

— Шум қиз, — деди бойваччалар. Қўзларидан биттасини қисиб:

¹ Қаранг: Адабиётимиёнинг ярим асри. Т.: 1975, 194—196-бетлар.

— Хали тўра, — деди бойлар, дунё кўргашлар.

Нетай борарга, сизинарга бир наюҳ тоғолмай, хуфтонгача тентиб юрди. Илиқ она қучоғига эмас, камбагал отасининг увада, фақат шағиғатли кўричаларида ёки тошбагирларининг қучоғига эмас, тошлилар қучоғига, Туркистон бойларининг савдо маркази ва марказининг ифтихори бўлган Қўқоннинг гишт кўпргигида — кўнижкиниг йўловчиладан ҳози бўлган бир кунжигда — олтиш гирдоғининг қабрида чаркоқ кўзларини юмди. Яёв юриб маддалаган кичик ёқуларини қучоқлаб матсум уйқуга кетди». Ғапи бойваччанинг Қўқондаги нахта тозалайдиган заводининг ишчиси Семёни мана шу аҳволда уйнга олиб кетади. Ўзининг турмуши почор бўлишига қарамай, Нетай-Паташани Русско-туземная мактабига ўқишга беради. Нетай мактабини битириб, чинакам бир рус қизига айлашиб, анча қариб қолган отаси ва онаси қўлидан ишини олиб, фарзандлик бурчини адод этмоқчи бўлганда, уни «диний ислом ҳомийлари» баҳтли турмушдан юлиб олиб, ҳаётини барбод қиласидилар. Яъни фоҳишаҳонани янги қурбоцлар билан таъминлаб турувчиси, сохта тога Самад туфайли Бухоро амиригининг бир кечалик ҳузурининг қурбоши бўлади.

Асарининг мана шу ўрипларини ўқиган китобхонининг Семёнига ишбатан меҳр-муҳаббати ортади, замошининг гуманист инсони эканлигини терсан ҳисе этади. Ҳақиқатан қиссада биттаю битта ижобий қаҳрамон бор, у ҳам бўлса, Семёнидир. Агар қиссада қаламга олинган давр тарихига назар танилайдиган бўлсақ, шағиғат ва инсонийлик хислатини фақат Семёнга ўхнини меҳнат кишиларидагина кўрини мумкин эди. Чунки улар ўзларини юртинг гузи ҳисоблаб юрган бой ва бойваччалардан ҳалом меҳнати, инсоний фазилатлари билан устуни турар эдилар. Ҳаёт ҳакиқатидан бизга маълумки, кимки ҳалол меҳнат қиласа, ўз вижедонига қарши ин тутмаса у меҳр-шағиғатли бўлади. Ҳалол меҳнатни эса Октябрь ишқиlobидан олдин фақат меҳнат аҳди қўлган десак янглинимаган бўламиз. Шундан ҳам улар жамиятиниг илғор кучи саналган, Семёни шундай кинжалар тоифасига мансубдир. Демак, Рафур Ўлом Семёни образиг орқали меҳнаткаш-ищиларнинг турмуши тарзи ҳамда энг муҳими инсоний фазилатларини кўреатиб бериш билан жамиятнинг илғор кишиси эканлигини таъкидлаган.

Хусайн Шаменинг «Мармар лавҳа» номли қиссаси соғи ишчилар ҳабтидан олиб ёзилган. Асариниг нусхаси бизгача етиб келмаган. «Гулистон» журналининг 1939

йил, 12-сонидаги каттароң парча босылган. Адабиётшунос олим А. Акбаров унин «қисқартилган шакли» деб атайды. Шунингдек, у мазкур қиссанни Ташкентда 1905 йилда бўлиб ўтган тарихий воқеалар материални асосида ёзилган деган фикрии илгари суради ва ўз фикрини қўйидағача изоҳлайди: «Мазкур новесть тарихий фактга асосланган бўлиб, ундан образлар ҳам тарихий шахсларни. Повесть тубандаги парча билан туғайди: «1905 йилинг Бутун Россия умумий Октябрь забастовкаси қуролли қўзғолонга айтаниб, подиоҳ ҳуқуматини чўчитиб юборди. 17 октябрда подиоҳ забастовкачлар таълимига йўл қўйиб манифест этлон қилиди. Бироқ 19 октябрда ёк подиоҳ ҳуқумати Ташкентда ҳам шаҳар думасининг митинг қилиши учун тиҷорија ўнгплаётган шинчиларни ўқса тутди. Ўрта Осиё темир йўл мастерскойдан Котешник, шогирд А. А. Карапевский, отбокар кучер Костумиков ва майда савдоғар Александр Ахунянителар ўлдрилган эдилар. Ярадорлар ва казак аскарларининг нагаплари билан маҷаклаганилар 100 кинидан ортиқ эди. Шараф бўлени 1905 йил революция курашибиларига».

зуда «Оловкор», «Тақдир», «Одам қандай тобланди» каби роман ва қиссалари босилди. «Оловкор» қиссаси адибнинг ишчилар ҳаёти акс эттирилган ва уларнинг образи яратилган дастлабки асаридир. Асар воқеалари 50-йиллар ичида Зарабашон воҳасида мавжуд бўлган. Бухоро газини қидириш ишларига бағишиланган. Асарнинг бош қаҳрамони Ҳусанжон. Автор образига жуда кенг ўрин берган. Унинг болалигидан тортиб, то ҳаётда ўз ўрнини топгунча бўлган даврни китобхонга эсда қоларли қилиб етказган. Ҳусанжоннинг ўтмиши кишини ачинтиради, аянчли тасвир қолдиради, қалбида. Асарни ўқиб чиққач киши юрагида бир нарса узоқ сақланиб қолади. Бу ҳам бўлса, ҳаётда яхши одамларнинг қўплиги. Улар ҳатто ўз туғишганидан ҳам афзал эканлиги. Бу нарса Ҳусанжон ҳаёти орқали киши онгига теран сингдирилади. Ҳусанжон ўзининг аммаси ва амакисиникига сиёмайди. Улар Ҳусанжонга нисбатан шафқатсизлик қиласидилар. Лекин бегона, оддий қари чўпон ва ишчилар Ҳусанжонга мадад қўлинни чўзишади. Ҳаётда ҳеч кими бўлмаган Ҳусанжон Бухоро газининг истиқболи учун фаоллик кўрсатган машҳур оловкор бўлиб етишади, чина кам совет ватанпарвари даражасига кўтарилади. Буларнинг ҳаммаси аниқ бадиий лавҳаларда берилгани учун китобхонда яхши таассурот қолдиради.

Иброҳим Раҳимнинг «Тақдир» романи «Оловкор» қиссасининг мантиқий давомидир. Чунки тема ҳам, воқелик ҳам битта. Қиссада Бухоро газининг дастлабки этапи ҳақида гап кетса, романда эса унинг ишга туширилиши, бу борадаги қийинчилик ва новаторлик ҳақида сўз юритилади. Ҳусанжон романда ҳам ҳаракат қиласиди. Лекин у романга ҳар томонлама шаклланган ҳолда олиб кирилади. Романнинг бош қаҳрамонлари эр-хотин Бардои ва Ягоналардир. Лекин уларнинг фаолияти бевосита оловкор ишчилар ҳаёти билан чамбарчас бояланган. Шундан роман том маънода ишчилар ҳаётига бағишиланган десак ҳато қилмаган бўламиз. Мана ҳозирги кунда Бухоро гази бутун жаҳонга машҳур. Лекин бу ўз-ўзидан юзага келгани йўқ. Олим ва инженерларимизнинг тинимсиз қидиришлари ишчиларимизнинг матонатли меҳнати эвазига ўз жиловини инсон қўлига тутди. Асарда бу нарса ҳаётний лавҳаларда ишонарли кўрсатиб берилган. Шунингдек, меҳнатнинг тарбияловчи кучи яхши очиб берилган.

Романда бир неча ишчи образи бор. Шулардан бири Хиёл образидир. Мазкур образда чуқур инсоний фазилатлар инкишоф қилинган. Хиёлнинг ёшлиги жуда қийинчи-

ликда кечтган. Шундай бўлса-да, қалби соф, ҳалол. Биронинг қайғусини ўзиники деб билади. У ўзига етти ёт бегона бўлган кўзи ожиз қиз Ожизани эшон чангалидан тортиб олиб, унга ҳаёт баҳш этади, яъни кўзининг очилишига ёрдам беради. Қейинчалик ўз тақдирини у билан боғлайди. Хиёлнинг ўта ҳалол ва қатъиятлиги яна бир ўринда яхши очиб берилган. Рўй берган ёнғиннинг сабабини бошқарма бошлиғи Нодиров инженер Дадашевга тўнкаб, оловнинг даҳшаатига ҳам эътибор бермай жон куйдириб ўз постида ишлаётган Хиёлни бунга гувоҳ қилмоқчи бўлганда у рад этади. Ёнғиннинг сабабчиси ўзи эканлигини айтади. Лекин бу фикрлар Хиёл образи тўлақонли яратилган дейишга асос бермайди. Сабаби шуки, унинг характеристи билан хатти-ҳаракати ўртасида зиддият мавжуд. У ўз иш фаолиятида газчилар меҳнатининг оғирлигига чидайолмай қочиб ҳам кетади. Адаб бунга сабаб қилиб бошқарма бошлиғи Нодиров ва отаси Сурхонбойпинг ўтмишидан чўчишини кўрсатади. Лекин бу нарса ҳаётини деталларда ва характеристер мантиқи асосида далилланмаганлиги учун киши ишонмайди. Шунингдек, бу ҳолатлар бир мақсад сари йўналтирилмаган. Шундап Хиёл образи том маънидаги ибратли қаҳрамон даражасига кўтарилилмаган. Бироқ роман ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб оловкор ишчиларининг меҳнати, уларнинг ўй-фикрлари ва орзуларини кенгроқ пфодаланиши билан қимматлидир.

Иброҳим Раҳимнинг «Одам қандай тобланди» романи ҳам ишчилар мавзунга багишланган. Асаннинг номидан ҳам матъумки ёзувчи ўз олдига жуда катта мақсад қўйган. Яъни илсонни камолатга етишида, ҳар томонлама шаклланишида, фан-техника тараққиёти туфайли ривож топаётган жамиятда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида меҳнатнинг роли муҳимлигини. Табиийки бу меҳнат оддий меҳнат бўлмай, кенг миқёсга эга бўлган, яъни катта жамоатчиликни ўзига жалб қиласидан меҳнат бўлиши лозимлигини... Чунки бунда кинни иккى томонлама шакллапади. Адаб ўз пияти бон қаҳрамон Эркин Ақбаров, яъни ГЭС қурилишига боргунга қадар ҳам тириклиги ҳаётни орқали амалга оширмоқчи бўлади. Эркин дастлаб, тириклик йўлида меҳнат қиласиди. Гулсотади, шаҳар тозалигини сақлаш тармогида, кинотеатрда ишлайди, ҳатто корандалик ҳам қиласиди. Лекин бу ишларда эл назарига тушиб ўрнига назардан қолади. Иброҳим Раҳим Эркин ҳаётининг дастлабки даврини анча ишопарли тасвирлайди, яъни кишини кам меҳнат билан кўп пул топиш йўлини

тутиши яхшиликка олиб келмаслигини далиллар асосида түғри күрсатади. Бироқ Эркиннинг кейинги фаолиятида ҳәётий ҳақиқатдан кўра сунъийлик устунлик қиласди. Яъни ёзувчи Эркинни ҳәётий мантиқ асосида ҳаракат қўйдирмай, ўз ҳоҳиши бўйича сюжет оқими бўйлаб йўналтиради. Оқибатда Эркиннинг хатти-ҳаракати, қилган иши, умуман фаолиятига нисбатан китобхонда эътиroz қучаяди, ишончи йўқолади. Демак, бош қаҳрамоннинг кишига ўтказадиган таъсири тобора йўқола боради. Асар охирига боргач, ёзувчи ҳәётини ибратли қилиб кўрсатмоқчи бўлган характер ҳеч бир фазилати билан кишини ўзига ром қила олмайдиган жўн бир одамга айланиб қолади. Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Раҳим романи орқали айтмоқчи бўлган гапини ҳаёт мантиқи асосида бадиий лавҳаларида киши онгига етказолмаган, ҳозирги кун ишчисининг қиёфасини Эркин Ақбаров тимсолида яратолмаган. Асар камчилиги ҳақида жуда кўи фикр айтиш мумкин. Лекин асар дастлаб «Шарқ юлдузи» журналининг 1976 йил 6-7-8 сонларида эълон қилинган пайтида таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшижонов авторга «Очиқ хат» ёзиб («Шарқ юлдузи», 1976, 11-сон), роман камчилигини мукаммал далиллар асосида қўрсатиб берди. Биз ҳам Матёқуб Қўшижоновнинг асосли фикрига тўла қўшиламиз.

Ишчилар синфи ҳаётини, унинг тўлақонли образини яратган адилларимиздан бири Раҳмат Файзийдир. У «Ҳазрати инсон» романида бопи қаҳрамони Маҳкам ака тимсолида совет ишчисининг маънавий қиёфасини, руҳий оламини, чукур гуманизмини, некбинлигини атрофлича ёритишга мусассар бўлган. Шунингдек, давр руҳини бутун мураккаблиги билан акс эттиrolган десак янглишмаган бўламиз. Адаб ўз қаҳрамонининг шахсияти, руҳий ҳолати, психологияси, инсоний фазилатини баёнда эмас, балки хатти-ҳаракати, тутган иши орқали очиб берган. Бу ҳол эса қаҳрамоннинг ҳаётий ва жозибадор бўлишипти таъминлаган. Мана асар ҳақида таниқли адаб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати Георгий Марков нима дейди: «Роман ҳақиқоний ёзилган: унда сунъийлик йўқ. У асосли, далилли, шунинг учун ҳам уни ўқиган барча китобхонлар бу роман мутолаасидан шундай чукур таассурот оладиларки, бу таассурот уларни юксалтиради, чинакам инсонга айлантиради» («Шарқ юлдузи», 1978, 9-сон). Ҳақиқатан ҳам шундай. Асарнинг бутун муваффақияти Маҳкам ака образи билан боғлиқдир. Маҳкам ака умр бўйи темирчи-

лик билан шугулланган. Сиртдан қараганда у оддий бир одам. Лекин у ўзининг тутган иши, ўй-фикри билан буюк одамга айланади. Гап бу ерда фақат унинг ўн бепта етим қолган болаларни ўз қарамогига олганида эмас. Бундай қилиш ҳар бир совет кишисининг қўлидан келади. Гап Маҳкам аканинг том маънодаги инсонийлигига. Маҳкам ака учун миллатнинг фарқи йўқ. Ҳамма миллатнинг болалари у учун қадрли ва азиз. У бирорнинг қайғусини ўзиникидан афзал билади. Асарда Маҳкам аканинг бу юқсан инсоний фазилатлари аниқ лавҳаларда берилади, шундан унинг хатти-ҳаракати, тутган ишига киши ишонади. Мана Маҳкам аканинг инсоний фазилатларини очиб берадиган бир лавҳа. Маҳкам ака болалар уйидан ўз тарбиясига бола сўраб борганда, ундан мураббия «...қандай болани олмоқчисиз, ўғилми, қизми, ёшроғими, эслироғими, қандай миллатдан бўлсин? — деб сўрайди. Бундан Маҳкам аканинг фифони кўкка кўтарилади, газаби қайнайди. Чунки мураббиянинг сўргонини ипсонга паст назар билан қарааш, умуман уни ерга уриш деб билади. У мураббияга қуидагича жавоб беради:

«— Ҳамма миллат боласи бир бола. Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи! Тушундингизми?

— Кечирасиз, амаки, — жувон Маҳкам аканинг ва жоҳатидан қўрқиб кетади. Қўлидаги дафтари қалтиради.

— Одам боласини оқ-қорага ажратманг! — деб таъкидлади Маҳкам ака.

Маҳкам аканинг ушбу хитоби қуруқ гап эмас, балки амалда исботланган ҳаётий ҳақиқатdir. Инсоний туйғулари жўш урган ушбу ҳолатлар кишига ибратлиdir. Маҳкам ака образида юқорида таъкидланганимиздек ҳақиқий совет кишисининг, совет ишчисининг қиёфаси ифодаланган. Романинг яна бир муҳим фазилати, ўзига жалб қиласидан кучи асар воқеалари кечган даврининг бутун мураккаблиги ўз ифодасини топганлигига, шунингдек, «оддий темирчи оиласи тимсолида бутун совет ҳалқига хос бўлган улкан фазилатлар очилган»лигидадир. (М. Қориев). Ушбу фазилатлари билан мазкур роман Раҳмат Файзий учун шуҳрат келтириди ва ўзбек адабиётини эсда қоларли ишчи образи билан бойитди. Кейинги йилларда роман бир қанча жаҳон тилларига таржима қилинди.

Маълумки, ёзувчи илҳомни ҳам, темани ҳам ҳаётдан, унда юз берган воқеликдан олади. 50-йилларда Бухоро газининг таърифи бутун жаҳонга ёйилди. Бу ҳол барча ижодкорларни ҳам ўзига жалб қилди. Қўпчилик ҳаёт

билин ҳамнафас ёзувчилар мазкур темага мурожаат қилишиди. Шу туфайли адабиётимизда яратилган аксари образлар ишчи оловкордир. Истеъоддли ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» повести ҳам шу темага бағишлиган. Мазкур асарда олдинги асарлардаги каби катта меҳнат майдони кишини ўз муҳитини ёриб чиқишга, фақат оила фарзанди эмас, эл фарзандига айланishiда, энг асосийси инсон ўз қадрини топишида муҳим омил сифатида кўринади. Ёзувчи буни беозор, мўмин, итоаткор, бутун олами ўзи ўсган муҳитдек — қишлоқдек тасаввур қиласидиган Искандар образи орқали амалга оширади. Искандар икки муҳит ўртасида — оила ва колхоз ҳётида тарбияланади. Искандарнинг отаси турли хил ишни қилиб кетаверадиган заҳматкаш одам. У ўғлини ҳам ўзи каби меҳнаткаш қилиш учун ёшликтан ишга солган: «Китоб ўқишим, болалар билан ўйнашим керак бўлган пайтларда ҳам ўtingга борардим, ё сигирга ўт ўрадим, ёки томорқада отам буюриб кетган ишни қилардим». Искандар бутунлай тор муҳитга — оиласа мослашиб қолганди, китобни кам ўқир, болалар билан ҳам ўйнамас эди. Бунинг устига кунига, кун ора бригадир «дўқ» қилиб келиб турарди. Албатта, бу ҳолатлар Искандарда ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас. Негаки, инсон муҳитда камол топади. У ўзининг шу камсуқум турмушига шунчалик мослашиб кетганки, ҳаммани ўзидан уступ деб билади. Искандар том маъноси билан тор муҳит — ўз оиласининг фарзандига айланади. Лекин у жамият фарзандига айланishi керак. Бу бадиий адабиётнинг муҳим талабидир. Негаки, ўз меҳнати, ахлоқи, ўй-фикри, орзуларпнинг улканлиги билан кишини ром қилган қаҳрамонгина эл фарзандига айланади ва ўзгаларни зэгу ният сари ундаи олади, уларга намуна бўлолади ва юрагидаги яхшилик сари интилган орзуни реалликка айлантира олади. Пиримқул Қодиров муҳит таъсирида ўзининг ички билқувва кучини рўёбга чиқармай бўшлигига, қўлидан ҳеч бир иш келмаслигига ўзи ҳам ишониб қолган Искандарни катта меҳнат майдонига — чўл қурилишига олиб келиб, меҳнат ва жамоатчилик таъсирида илғор оловкорга, ўз қадр-қимматини, ҳатто баҳтини топган қаҳрамонга айлантиради. Искандарни автор бирданига шу даражага олиб келмайди, ундаги ривожланиши тадрижий кўрсатади. Шундан Искандар образи китобхон онгига узоқ сақланиб қолади. Адаб Искандарни ўзлигини топишида муҳитнинг ўрнини жуда яхши кўрсатади. Искандарга бир қатор муҳитлар таъсир кўрсатади. Биринчи муҳит сўзсиз

чўл қурилиши ва унда ишплаётган газчилар. Лекин Искандардек характерга эга бўлган киши бирданига катта қурилишга келиши ҳам мумкин эмас. Шундай қилганда ҳаётий мантиқ бузилган бўларди. Буни яхши англаган ёзувчи бу ҳолни ҳам мантиқан асослайди. Яъни Искандарни чўлга келишини ҳам муҳит таъсирида кўрсатади. Бу муҳит Зулайхо. Искандар Зулайхо билан бир синфда ўқиган. Шу пайтда унга кўнгил боғлаган. Лекин ўзини ҳаммадан наст олиб юрувчи Искандар ўз дил изҳорини очиқ айтольмайди. Зулайҳо қизларга хос зийраклик билан буни сезади у ҳам ўз қалбидаги ҳурмат сақларди. Мана шу ҳурмат муҳаббатга айланади. Бу муҳаббат Искандарни тамом янги одам, яъни давримиз кишисининг барча фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ажойиб инсон бўлиб етишига сабаб бўлади. У Искандарни тор, биққи муҳитдан кенг оламга олиб чиқиб кўнглидаги орзу-истакларини юзага чиқишига имконият тутдиради. Бу имконият сўзсиз чўл қурилишидир. Хуллас, асарда Искандар характеридаги ҳар бир ўзгариш сабабсиз кечмайди. У ташки ва ички таъсири орқали юз беради. Пиримқул Қодиров бунинг барчасини баёнда эмас, ҳақиқий реалистик тасвирда беради. Шундан унинг қаҳрамони характеридаги, психологиясидаги, хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларга киши тўла ишонади. Искандар онгидаги фикран торлик, характеридаги журъатсизлик, «тепса-тебраимаслиги» у яшаган муҳитни тасвирлаш, кўрсатиши билан исботланади. Бу хусусиятлар эса ташки омиллар таъсири билан йўқотилади. Ёзувчи томонидан шундай омиллар танланадики, бу омиллар бир томондан Искандар характеридаги салбий нуқсонларни йўқотиб боради, иккинчи томондан ундан қаҳрамонлик қилишига қодир (ёнгин пайтидаги Искандарга дадиллик ва жонбозликни эсланг) ички кучни юзага чиқаради ва юксалишга имкон тутдиради. Бу ҳол сўзсиз Пиримқул Қодиров маҳоратидан далолат беради. Демак, Искандар тимсолида эсда қоларли ва ҳар томонлама ўрнак бўларли бугунги кун ишчисининг образини яратолган.

Ҳозирги кун ишчилари фақат меҳнатда ўрнак кўрсатиш, бу борада катта ютуқларни қўлга киритиб элга нафи тегишлари билан ибратли бўлиб қолмай, ўзларининг маънавий дунёси, инсонийлиги билан ҳам намуна ва ўрнак бўларлидир. Саида Зуннунова билан Фарҳод Мусажоновларни ишчиларнинг худди мана шу томони диққатларини жалб қилган. Саида Зуннунова ўзининг

«Ака» деган ҳикоясида ишчининг руҳий дунёсини ва маънавий оламини теран очиш орқали муҳим гояни илгари суради, яъни кишини эзгуликка чорлади.

Фатхиддин ака ота-онадан ёш укалари билан етим қолганлиги учун ўқий олмаган. Лекин икки укаси, бир синглисини ўқитган. Катта укаси Янгибой геология олими, Сирожиддин институтда тарихдан дарс беради. Синглиси ҳам олий маълумотли. Мактабда ўқитувчи. Фатхиддин аканинг ўзи ҳамон депода ишчи. Инилари ўз йўлларини топиб кетишган. Лекин ўзларини шу даражага етказган акаларидан жуда кам хабар олишади. Хабар олишганда акасининг ҳол-аҳволини билиш учун эмас, балки ҳовлида бир салқинлаб кетишга келишади. Лекин ака шундан ҳам хурсанд. Укалари келганда акасининг иши, турмуши, жиянларининг ўқишини сўрапшмайди ҳам. Ўзларининг ишларидан, борган курортларидан, кўрган шаҳарларидан сўз очишади. Ака улар сухбатига қўшилмайди, зерикади, ишга ўрганганлиги учун укасининг машинасини ювип билан ўзини овунтиради. Лекин у укаларининг бу хатти-ҳаракатларидан ранжимайди. Чунки у иниларининг камолидан хурсанд. Фақат укаларининг эмас, умуман барчанинг муваффақиятидан хурсанд. Ҳаётда ҳалол яшашни ҳар қандай бойликтан афзал билади. У оддий ишчи бўлса-да, укаларидан устун қўямиз. Чунки, у юксак қалб эгаси. Ўз баҳтини башқалар баҳтида кўради. Ҳаётга, одамларга мумкин қадар фойдаси тегишига ҳаракат қиласди. Албатта, Фатхиддин ака психологиясидаги бундай хусусият ўз-ўзидан вужудга келган эмас. Балки жамиятнинг ахлоқ тартиб-қоидалари таъсирида юзага келган. Ахлоқ тартиб-қоидалари эса жамиятнинг ривожи, тараққиётى билан мукаммаллашиб боради. Ривож ва тараққиёт заминига илмий-техника тараққиётини ҳам кириши шубҳасизdir.

Фарҳод Мусажоновнинг «Девор» номли ҳикоясидаги Карим ака ҳам оддий ишчи. У ҳаётда мустақил иш бошлабдики, қўул меҳнати, пешана териси билан бола-чақасини боқади. Унга ноинсоний хусусиятларнинг барчаси ёт. Ўз оиласига умуман инсонларга жуда катта меҳр билан қарайди. У ҳаётдаги инсон қилиши мумкин бўлган барча ишни бажаради. Бироннинг кучидан сира фойдаланмайди. У мардикор бозорига ноиложликтан боради. Сабаб, бу ёқда қиши яқинлапиб келаяпти, ҳовли эса очиқ, олиб келган мардикорлари — Содир ва Илҳомларнинг гишт ташиётганда оёғи чалишиб кетишини, ҳансирашини кўриб янада кичрайиб кетади. Хуллас, Карим

аканинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ундаги инсоний ғазилатни кўрсатиб беради. Ҳикояни ўқиб тугатар эканмиз ҳаётга назар соламиз ва ўйга бериламиз. Кўз олдимиэга уйига мардикор олиб келса одамлар кўрсии деб маҳалладан томоқ қириб ўтадиган, бу билан ўзини «улутвор, катта одам» эканлигини сездириш учун иш тепасида белини ушлаб, қаттиқ-қаттиқ гапириб тошишириқ берадиган баъзи бир «зиёли» одамлар келади. Карим аканинг тутган иши билан бу каби «зиёлилар»нинг ишини беихтиёр қиёслаймиз ва унинг ҳаракатлари, тутган иши юксак инсоний хислатлар эканлигига иқорор бўламиз. Мана бундан кўриняптики, асримизнинг, инсоният тарихининг њеч бир формациясига насиб этмаган, интеллектуализм асрига айланиши инсондаги шафқат, меҳр-оқибат ҳиссени янада кучайтирган, инсонийлик хислатларини оширган. Бу ҳол икки ҳикояда аниқ ўз ифодасини топган.

Ёш ёзувчи Эмин Усмонов ҳам ўзининг дастлабки йирик ҳисобланган «Ниҳоллар» қиссасида ишчилар ҳаётига мурожаат қилган. Қиссанинг бош қаҳрамони Тоҳир. У педагогика институтининг тил ва адабиёт қуллиётида ўқииди. Оиласи почор. Касалванд ойиси, беш яшар синглиси, ўзи — бутун оиласининг аъзоси ҳисобланади. Лекин бу почорлик ҳам етмагандек онаси вафот этади. Моддий жиҳатдан қийналган Тоҳир қурилишга ишга киради. У ерда дўст орттиради, яхши инсонларнинг меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиб оёқка туради. Қиссада инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати киши қалбida из қолдирадиган қилиб тасвирланган. Шундай инсонлардан бири қўшниси Иnobat хола. У ўзининг певаралари қўплиги, уй тириклилигидан ортмаслигига қарамай Тоҳирнивг ҳолидан доим хабар олиб туради, синглиси Раъонони ўз фарзандлари қаторида тарбиялади. Тоҳир ишга киргач, Мўмин ака қўлига тушади. Бу одамнинг суяги ишда қотган. Сувоқчилик касбининг пирига айланган. Мўмин ака Тоҳирнинг ахволини суриштириб билгач, унга алоҳида меҳр билан қарай бошлайди. Гўё узоқ йўқотган фарзанди қайтиб келгандай бўлади. У Тоҳирнинг синглиси Раъонони ўз қарамоғига олмоқчи бўлганда дастлаб Тоҳир қўнимайди. Лекин ҳаётни аччик-чучугини тортган, ундан етарлича сабоқ олиб тажрибаси ортган Мўмин ака Раъонони ўз оиласига шунчалик эликтириб оладики, Тоҳир ќеч парса деяолмай қолади.

Қиссада ўз иши, меҳнати билан ҳозирги ёшларга ўрнак бўладиган яна бир образ бор. Бу Шоҳида образи. У ўзига тўқ оиласининг ёлғиз фарзанди. Адаси унинг ўқиши

учун бор имкониятини ишга солади. Шундай бўлса-да, ўқишига кира олмайди. Лекин уйига қайтиб бормайди. Қурилишга ишга киради. Уйига ўқишига кирдим деб ёзади. Ишлаб туриб қанча дўстлар ортирганлиги, улар ўртасида обру қозонгандигидан кейин Шоҳида ўзининг ўтмишига таңқидий кўз билан қарайди. У оиласда ҳеч пимага муҳтож қўрмай ўсган. Ҳамма нарса унинг учун муҳајё бўлган. Ўқишига кириши ҳам шундай деб ўйлаган. Киролмагандан сўнг қаттиқ тушкинликка тушган, ҳатто машина тагида қолиб кетишига озгина қолган. Мана энди ўйлаб кўрса, бу қилган хатти-ҳаракати жуда қалта ўлашнинг самараси эканлиги, кишининг келажаги, баҳти фақат институтга кириш, олий маълумот олиш билан боғлиқ эмаслиги, балки ҳамма нарсанинг асоси ҳалол ва вижданли меҳнат билан белгиланишини қалбан ҳис қиласди. Шоҳида айтган гапининг устидан чиқишига унинг характеристидаги қатъийлик, бир оз йигитлардек шўхлигидан китобхонга англашилади. Тўғрироги Эмин Усмонов қаҳрамон характеристидаги ички билқува кучни кўрсатолиши билан унинг иши ва хатти-ҳаракатига кишини ишонтиrolган. Лекин қиссада бир камчилик мавжуд. Бу ҳам бўлса, бош образ Тоҳирнинг оиласи фожиаси, бу қийинчиликларни епгаши бутун мураккаблиги билан очиб берилмаганлиги. Асарда бу ҳол жуда енгил кўчади. Ҳаёт ҳақиқатидан бизга маълумки, беш яшар синглиси билан ёлгиз қолган, бунинг устига ўзи ҳаётга энди қадам қўйган, ҳеч кими ўйқ йигитнинг аҳволи қиссада тасвирлангандек осон кечмайди. Бу ёпдаги одам ўлимнинг ўзини жуда оғир кўтаради. Қисса воқеаларидан Тоҳирнинг кейинги ҳаёти олдиндан белгилаб қўйилгандек таассурот қоллиради. Шундан Тоҳир образи бир қадар қўргазмали тарзида бўлиб қолган. Унинг иш фаолияти ҳам юзаки тасвирланганидан қиёфаси аниқ кўз олдимизга келмайди. Ундан кейин Шоҳида билан Тоҳирнинг бирбирини топиши, Тоҳирнинг Нафисадан айрилиб кетиши етарли ҳаётгий мантиқ асосида кечмайди. Лекин қиссада бир нарса аниқ бўртиб туради, бу ҳам бўлса, киши бошига кулфат тушса, бизнинг жамиятда у ўз ҳолига ташлаб қўйилмай, унга кўмак берилиши. Бу билан жамиятимизнинг қиёфаси белгилаб берилади. Шу жиҳатдан асар бир қатор камчиликларга қарамасдан оддий кишиларнинг — ишчиларнинг маънавий дунёсини кўрсатиб берганлиги билан қимматлидир.

Жонрид Абдуллахонов ижодининг бош мавзуини ҳам ишчилар темаси ташкил қиласди. У ўзининг биринчи энг

йирик асарини, яъни «Йўл» романини мазкур мавзуга бағишлаган эди, иккинчи романи «Тўфон»да ҳам шу мавзу етакчилек қиласди.

Жонрид Абдуллахонов ижодининг ўзига хос хусусияти игуидан иборатки, унинг асарида аксари фаол, бир мутахассисликнинг бошнин тутган ёшлар ҳаракат қилишади. Улар ўзгалар яратган ишни давом эттиришмайди, балки жамият тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшиладиган катта ишга биринчилардан бўлиб қўл уришади. Бу йўлда қийпалишади, муваффақиятсизликка учрашади, лекин олдига қўйган ўз мақсадларига эришади. Яъни асар воқеалари ҳаётдагидек кечади. Тўгри, асардаги барча воқеалар ва сюжет линиялари ҳақида бу гапни айтольмаймиз. Асардаги айрим сюжет линияси, айниқса, бирор қаҳрамон фоалияти билан боғлиқ ҳолатлар қўпинча ҳаёт мантиқига зид ёритилади, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати чуқур психология далиллар асосида кечмайди. Хусусан, асар конфликтни ҳар доим ҳам воқеа мантиқи ва вазият асосида кечмайди. Адаб томонидан сунъий юзага келтирилади. Бундай камчилик «Йўл» романида жуда сезиларли ҳолда эди, афсуски «Тўфон» романида ҳам бундан қутила олмаган. Бу ҳол, айниқса, бош қаҳрамон Моҳидил билан боғлиқ воқеликда яққол қўзга ташланади. Вазият асосида юзага келган конфликт ҳаётий мантиқ негизида кечиши ва ечим топиши ўрнига адаб томонидан сенгил ҳал қилинади. Моҳидил нуқул йигитлардан иборат экскаваторчиларга бригадир қилиб тайинланади. Бу ҳолга ҳатто тадбирли, ақлли ишсон — қурилиш бошлиги Раҳимов ҳам инубҳа билан қарайди. Негаки, мазкур бригадани эркак киши ҳам эплай олмаган. Демак, вазият жуда оғир. Бироқ мана шу ёзувчи томонидан қайта-қайта таъкидланган оғир вазият енгиллик билан ҳал қилинади. Моҳидилнинг тутган ишлари, хатти-ҳаракатлари, ютишига қарор қилиши, ҳатто унга қарши турганларга қайтарган жавобида «Синчалак»даги Саида образига тақлидчилик аниқ сезилади. Лекин шундай бўлишига карамай, унинг хатти-ҳаракатларида Саидадек изчиллик йўқ. Асарининг биринчи қисмида биз Моҳидилни фаол ҳаракатда кўрсак, иккинчи қисмда бупинг акси рўй беради. У ҳаракатсиз, жонсиз қаҳрамонга айланиб қолади. Шунингдек, Моҳидил портретида таъкидлапган «хиёл ясамадай туюлувчи табассум», ...«Товушни бир оз асабийроқ туюлса-да, аммо сўзлари дадил, чертиб-чертиб ифода» этиш каби хусусиятлар кейинги тасвирда-воқеликда унутилиб юборилади. Қаҳрамоннинг руҳий дунёсини очиб беришга хизмат

қылдирмайди. Лекин асарда қўйилган масаланинг муҳимлиги, уни бош қаҳрамон фаолиятида, хатти-ҳаракатида киши онгига сингдирилиши, яъни муаллиф асари орқали айтмоқчи бўлган гапини қуруқ баён қилмай, ҳаёттий лавҳаларда тасвирлаши ижобий хусусият бахш этган, ҳаёттийлик багишлаган.

Асарнинг энг муҳим фазилати меҳнат кишини камолатга етказувчи, тарбияловчи, шунингдек, киши иқтидориши, унинг ички билқува кучини намойиш қилишга имкон берувчи муҳим омил эканлиги образлар таснифида ишқишиф қилинганлигидадир. Асарда жуда кўп образлар мавжуд. Ундаги ҳар бир образ тимсолида ҳаётпинг муҳим бир қирраси ва инсоний тақдирини беришга ҳаракат қилишади. Кўп ўринда мақсадга эришади. Романинг бош қаҳрамони Моҳидил болалиги жуда қийинчиликда кечгап. Ота-опадан ёш етим қолиб бегона бир аёл — Мастира хола қўлида тарбия топади. Лекин унинг ҳаёти бир умр шундай аянчли кечмайди. Олий ўқув юртини битириб, жамиятга энг кўп фойдаси тегадиган жойга — Қизилқум трассасига ишга жўнайди. У ерда фақат шароит эмас, одамлар характеристи ҳам оғир эди. Маниоп ва Нодирга ўхшаган ҳаётда ўз ўйуни топа олмай, бу ҳолни ўзларининг ишёқмаслиги, уқувсизликларидан қидириш ўрнига, ўзгаларни айбдор санаб юрганлар билан муроса қилиш ишҳоятда оғир эди. Лекин Моҳидил бунинг уддасидан чиқади. Қурилиш суръатини тезлаштиради, ишчилар ўртасида аҳиллик ва масъулият ҳиссини юзага келтиради. Аёл киши қўлида ишлашни ўзига ор деб билиб, бошқаларни ҳам шу баҳонада ишдан совутишга ҳаракат қилиган Маниоп Моҳидилнинг ташкилотчилик қобилияти туғайли жамоада ўзи яқкаланиб қолади. Албатта, ҳаётда бу парсаларга бир киппинг эришиши қийин гап. Адид бу ҳаёттий ҳақиқатга эътибор беради, Моҳидилга Дониёров, Ғулом aka каби катта иш тажрибасига эга, ўз касбланинг усталари яқпидан ёрдам беришади. Уларнинг кўмаги туғайли Моҳидилдаги ички билқува қанот ёзади, жунбушга келади. Бунинг оқибатида қурилиш муддати икки йилга қисқаради ва жуда катта иктиносидий маблағ тежалади.

Автор Моҳидил образи орқали бир қатор гояларни илгари суради. Яъни Моҳидил тақдиррида Улуг Октябрь шарофати, жамиятимиз одамларида чуқур гуманизм, совет ёпларининг мательнавий қиёғаси ва уларнинг нималарга қодир эканлиги яққол намоён бўлади. Умуман, адид асардаги ҳар бир образнинг ўз хатти-ҳаракати, ўй-

фикри, тутган иши орқали бир ғояни илгари суришга интилади ва уддасидан ҳам чиқади. Масалан, Зубайда, Гулхайри, Маҳмуда каби образларда киши ҳаётда ўз ўринипи ва баҳтини топиш учун нима қилиш керак деган саволга жавоб топилса, Фулом ака образи орқали бир марта потўғри босилган қадам бир умр азоб келтириш мумкин деган тушунча киши онгига терағириб бориши билан ибратлидир.

Хулоса қилиб айтсак, роман асосига киши катта мақсад йўлида шижаот ва иккilanмай курашиши лозимлиги, агар бу йўлда зигирдек иккilanниш ёки ўз қудратига, иктидорига ишонмаслик ҳисси туғилса, у ҳеч қачон ўз ниятига ета олмаслиги, ташқи кучлар томонидан иродаси букилиши мумкин деган муҳим фалсафий фикр қаҳрамонлар фаолияти орқали китобхонга рамзий бир тарзда сингдирилиши билан муҳимдир. Мазкур ғоя асарда саҳрова кўчуб юрувчи, дуч келиб қолса туюни ҳам ҳалоқ қиладиган «Қорағужапак»ни тез-тез тилга олининиши билан бутун асар воқелиги тасвирида таъкидланниб борилади. Ҳақиқатан ҳам жамиятга фойда келтириш ўрнига ўзининг мағфаатини кўзлаган Манноп ва Ҳошим кабилар «Қорағужапак» зарбидан бирор ҳалок бўлса, иккинчиси ҳаётда чиқинди одамга айланади. Асардан киши худди мана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур туюди. Романинг фазилати ва таъсир кучи ҳам шундадир.

* * *

Максим Горький ёзувчиларнииг Биринчи съездидаги килган докладида «Китобхонларимизнинг асосий қаҳрамони қилиб меҳнатни олишимиз керак» деб айтганди. Чунки меҳнат Горький фикрича, «...хозирги замон техникасининг бутун қудрати билан қуролланган меҳнат жараёпларини ўюнтирайтган одамнинг ўзи. У ўз наебатида меҳнатни санъат даражасига кўтариб, уни анча енгил, сермаҳсул қилиб қўяди». Бу фикрдан кўриняптики, Горький давримиз қаҳрамонини ижодкор шахс сифатида тасвирлаш масаласини ўртага ташлаган, яъни меҳнат ижодкорини адабиёт қаҳрамонига айланishiiga жуда катта эътибор берган. Буидай қараш бежиз эмас, чунки меҳнат ижодкорининг фаолияти замон муаммолари билан боғлиқ бўлади. Горький «Иисон деган сўз мағрут янграйди» дегандага ҳам меҳнат аҳлини назарда тутганлиги ҳаммага аён. Ўзи ҳам биринчилардан бўлиб меҳнат кишисининг образини яратиб, бадиий адабиётда янги бир услугга

асос солди. Кўриб ўтганимиздек, аксарият асарларимизнинг қаҳрамонлари меҳнат кишилари, яъни ишчилар. Умумиттифоқ адабиётининг таркибий қисми ҳисобланган ўзбек адабиётида ҳам бир қатор эсда қоларли образлар яратилди. Лекин бундай асарларниң камлигини айтиб ўтиш ўринли. Шунингдек, ҳайётнинг муҳим масалаларини ўзида мужассамлаштирган, фаолияти, шахсияти, характеристида жамиятимиз тараққиётининг илдизлари аниқ сезилиб турган меҳнат кишисининг тўла қонли ҳақиқий образини яратиш борасида адилларимиз китобхонлар олдидаги қарздордирлар.

РИТМ — АСАР ЮРАГИ

(Проза ритмига доир)

Прозада ритм масаласи адабиётшуносликда кейинги йилларда ўрганилаётган масаладир. Аниқроғи 60—70 йилларда мазкур масала юзасидан бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, 1970 йил декабрь ойида шу масала юзасидан Москвада «Адабиёт ва санъатда вақт, макон, ритм масаласи» мавзуси бўйича симпозиум ўтказилиб унда ритм масаласига кенг тўхталди. Мазкур симпозиум ҳужжатлари ўша йили Ленинградда «Советский писатель» нашриётида «Адабиёт ва санъатда, ритм, вақт ва макон масаласи», 1974 йилда «Наука» нашриётининг Ленинград бўлими томонидан «Адабиёт ва санъатда ритм, вақт ва макон» номи билан китоб ҳолида босилди. Ушбу китобларда бир қатор олимларнинг, хусусан, Б. С. Мейлаҳ, Е. Г. Эткинд, Е. В. Волкова, Н. М. Фортунатов, В. Н. Холопова ва бошқаларниң мақолаларида бу масала классик адабиёт мисолида ёритилди. Яна бу борадаги илмий тадқиқот ишларига Л. В. Чичериннинг «Образ ритми» (1973) китобини кўрсатиб ўтиш мумкин. Чичерин китобини гарчи «Образ ритми» деб атаган бўлса-да, лекин ритм масаласига жуда кам тўхтаган. Унда фақат иккитагина мақола мазкур масалага тегишли бўлиб, биттаси жуда қисқа бўлган, яъни атиги беш бетдан иборат «Прозада образ ритми» ва ўн икки бетдан иборат «Пушкин прозасида ритм ва услугуб» номли мақолаларидир. Лекин мазкур мақолаларниң ҳажми кичкина бўлишига қарамай, уларда ритм масаласига бевосита тўхталиб, ритмни ёзувчи маҳоратини белгилайдиган энг муҳим бадиий таркбиий қисмлардан эканлигини таъкидлайди ва Достоевский, Гоголь, Тургенев, Пушкин асарлари

исолида ўз фикрини асослайди. Бу мисоллар асарда ритм масаласини ўрганиш кейинги йилларда бошланганини яна бир бор тасдиқлайди. Лекин бундан, насрда ритм 60—70-йилларда юзага келди деган холоса чиқариш керак эмас. Фанда баъзан шундай холоса юритувчилар топилиб туради. Адабиётда психологизм масаласи билан шугулланган адабиётшунослар худди шу масалада янглишишиб, адабиётда психологизм 50-йилларда юважа келди деб ёзишганди. (Хусусан, Нарзулла Шодиев «Абдулла Қаҳҳор прозасида психологизм» темасида ёқлаган диссертациясида шундай деган). Албатта, бундай фикри илгари сурини илмий соддаликдан бошқа парса эмас. Чунки адабиёт бунёдга келган экан, психологизм масаласи ҳам у билан бирга юзага келгани ҳаммага аёп. Сабаби шуки, психология инсонга хос хусусиятдир. Адабиётнинг фаолият мавзуси, унинг бош масаласи эса инсон, унинг руҳини, шакл-шамойилини, хатти-ҳаракатини бутуни борлиги билан акс эттиришдир. Ритм масаласи ҳам шундай. Зоро, у асарнинг бадиийлигини оширадиган энг муҳим таркибий қисмлардан бири экан, демак у ҳам бадиий проза юзага келгандан бўён мавжуд. Буни шу масалага қўл урган олимлар ўз ишларида ритмнинг бадиий асардаги вазифасини фактик мисолларда кўрсатишда классик ёзувчилар — Достоевский, Л. Н. Толстой, Тургенев, Гоголь ва бошқаларнинг асарларига мурожаат қилинлари ҳам кўрсатиб турибди. Лекин мазкур масалали ўрганиш кейинги йилларда бошландики, бундай бўлиши табиий ҳолдир.

Бизга мальумки, ҳаётда бирорта қонуният янгитдан яратилмайди, балки кашф қилинади. Чунки барча қонуниятлар ҳаётнинг ўзида, табиатда мавжуд бўлади. Асарнинг бадиийлигини оширадиган таркибий қисмлар ҳам шундай. Улар ҳам ижод билан бирга туғилади, адабиётшунос эса уни талқин қиласи. Бу билан маҳорат масаласини белгилайди. Ритм масаласи ҳам шу тарзда бўлиб, у агар таъбир жоиз бўйса, адабиётшунослар унга 60—70-йилларда динқатларини қаратса бошлиши.

Ўзбек адабиётидаги прозада ритм масаласига адабиётшунос олим Умарали Норматов ўзининг айрим мақолаларидаги тўхталган. Хусусан, унинг «Насримиз уфқлари» китобига кирган «Ҳозирги қиссалар поэтикасига доир», «Жанр имкониятлари» китобидаги «Роман ҳақидаги диалог», «Гўзаллик билан учрашув» китобидаги «Пластик тасвири» мақолаларини кўрсатиш мумкин. Бошқа адабиётшуносларнинг ишларида бу ҳол кўринмайди. Лекин

бу дегани ўзбек бадиий прозасида ритм масаласи ҳеч ишланмаган деган гап эмас. Зеро ритм бу асар бадиийлигии оширадиган, уни ўқишли қиласидиган, ҳис-туйғу, рұхий таъсирини оширадиган бадиий таркибий қисм экан, демек маҳорат масаласига бағишланган ишларда у ёки бу тарзда мазкур масалага түхтаб ўтилғанлыги табиий. Чунончы, асар композицияси, сюжет, характер яратыш, ёзувлы услуги, тасвирлыш санъатига бағишланган илмий ишларда. Масалан, Матёкүб Құшжоновнинг бир қатор асарларини, хусусан, «Абдулла Қодирийнинг тасвирлыш санъати» асарини шартлы равище ритмга алоқадор асар деб белгилаш мумкин. Чунки мазкур асарда гарчи ритм деган сүз тилга олинимаган бўлса-да, лекин унда айтилған фикрлар, келтирилган мисоллар асар ритмiga тегишилдири. Демак, ритм масаласи ўзбек адабиётида ҳам озми-кўпми турили кўринишида ишланған. Бироқ мазкур масалани алоҳида олиб, ёритиб берилгап махсус иш йўқ. Биз мазкур ишда худди шу масалани юқорида санаб ўтилған ишларда айтилған фикрларга суюнған ва баъзи бир шахсий кузатишларимиз асосида бутунлай ҳал қилиб берип ёки ёритишни давъво қиласидан ҳолда ўз қарашларимизни баён этишга жазм қилдик.

Хўш, прозада ритм қандай хусусиятга ва ўзига хосликка эга?! Аввало бу масалада шеъриятдаги ритм билан насрдаги ритмнинг фарқини ажратиб олмоқ керак. Бизга маълумки, шеъриятда ритм «шеърий путқидаги муайян, бир-бирига монанд кичик бўлакларнинг изчил ва бир ўлчовда такрорланиб келишидир»¹. Бундан ташқари, шеъриятда ритм «товуш асосида пайдо бўлади»². Насрдаги ритм ундан фарқ қиласиди. Биринчи фарқи, у ўлчов (вазн) асосида келиб чиқмайди, иккинчидан, бадиий сўзнинг фонетик қурилиши эмас, балки семантик хусусияти ҳал қиласувчи роль ўйнайди. Учинчидан, сўзда ургуслиз бўғинларнинг сони, уларни муайян тартибда такрорланиб келиши маълум бир вазифани бажарса-да, лекин ритмнинг бутун моҳиятини белгиламайди. Қўпчилик адабиётшунослар насрдаги ритмни асаддаги сўз тузилишидан, яъни жумлаларни қофияланиб келишидан, уларнинг оҳангдошлигини ўзидан қидиришнади ва шундай деб баҳолашади. Бир хиллари эса, асарда характер ҳолатини, унинг кайфиятини белгилайдиган, кўрсатадиган тасвирларни, эпизодларни такрорланиб келишида кўришади.

¹ Каранг: Словарь литературоведческих терминов. М., 1974, стр. 321; Н. Т. Ҳотамов, Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминология лугат, Т., 1969, 101—102-бетлар.

² Ўзбек совет энциклопедияси, Т., 1977, 9-том, 287-бет.

Тұғри, асардаги мазкур хусусиятлар ҳам асар ритмикаси-ни белгилайди, лекин түлиқ эмас. Башарты асар ритми-касини ғақат шу тарзда ўрганадиган бұлсак, жуда күп асарлар маҳоратсиз ёзилғанга чиқиб кетади. Чунки ҳам-ма асарларда ҳам юқоридаги ҳолат ўз ифодасини топ-майды. Үндап кейип тадқиқотчының асосий фикр әътибо-ри асардаги қофиядош сўзларни, такрорланган ҳолатлар-ни қидириш бўлиб, асарнинг асосий моҳиятини белгилай-диган хусусиятлар назардан четда қолади. Бизнингча, прозадаги ритмни асар гармониясидан қидириш лозим, яъни асардаги ҳар бир вазиятнинг умумий бирлиги, ҳар бир ҳолатни, ҳар бир воқеа-ҳодисасидан, характерларнинг хатти-ҳаракати, гапириш йўсими, су-лукати, уларнинг асарда бажарган иши, қилған ҳарака-тининг мантиқий асосининг уйғунлигидан, шунингдек, характер фаолияти амалда тутган иш савијаси, билими, психологиясига мос ёки мос әмаслигидан қидириш дар-кор. Демак, наср ритмини ўрганиш — бу асарнинг бади-иyllигини оширадиган таркибий қисмларнинг типология-сини ўрганишdir. Насрдаги ритмни яққол тасаввур қи-лиш учун кўз олдимизга мусиқадаги ритмни келтирдилек. Бизга маълумки, оркестрда бир қатор чолғу асбоблари бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, ҳар бири ҳар турлича овоз чиқаради. Лекин у дирижёрнинг таёқчаси буйруги билан ижро қилинганда, бу овозларнинг барчаси уйғунлашиб, ажойиб кўйни вужудга келтиради. Бироқ ана шу таёқ-чанинг салгини потўғри ҳаракати билан кишини сел қи-либ турган куй уни чўчитиб юборадиган бир товушга айлапиши мумкин. Бу куйга хиромон қилаётган раққоса ёки балет ўйинчиси мақомдан чиқиб кетиб, саросимада нима қилишини билмай саҳнада тўхтаб қолиши ҳам эҳ-тимолдан холи эмас. Бу мусиқавий оҳангнинг бузилиши-дир. Үндаги оҳангнинг бузилиши дарров кўзга ташла-нади. Лекин насрдаги оҳангнинг бузилишиши англаб олиш мусиқадагидек осон кечмайди. Уни англаш учун киши ижод сири ва адабиётнинг ўзига хос хусусиятини чуқур билмоғи лозим. Биз бу ўрипда мусиқадаги оҳанг масаласини бежиз келтирмадик, юқорида айтганимиздек, олдимизга қўйган мақсадни янада ойдинластириш учун келтирдик. Мусиқадаги ритмни келтиришдан энг биринчи мақсад бадиий наср ритми асарнинг «дирижёри»дир деган бир шартли ўхшатишни айтишdir. Ҳақиқатан ҳам наср ритми асарда дирижёрлик ролини ўтайди. Асарнинг бирор ўрнида ритм бузилса, оркестрдаги каби, албатта, асар бадиийлигига таъсир үтказади.

Проза асари ҳам шеъриятдаги каби биринчи ритмдан бошланади. Чунки ёзувчи ритм орқали асарнинг навосини, қаҳрамоннинг психологиясини, уни қандай характерга эга эканлигини, кайфиятини қанақалигини, қолаверса энг муҳими ўзининг услубини белгилайди. Албатта, бу барча ёзувчиларнинг асарларида кузатилмаиди, лекин классик ҳамда талантли ҳозирги замон ёзувчиларнинг асарларини ўқиганимизда буни яққол сезамиз. Асарнинг бошланишида унинг ритмикасини белгилаш билан ёзувчи энг муҳим бир нарсага эришади, яъни китобхонни ўз асари га жалб қилиб олади. Агар ҳақиқий талантли ёзувчи бўлса, асардаги ҳолатни, қаҳрамоннинг кайфиятини бевосита китобхонга ҳам кўчиради, яъни китобхонни ҳам ўз асари ритмикаси орқали асардаги ҳолат ва қаҳрамоннинг кайфиятига туширади. Шундан ёзувчиларнинг асарни қандай бошлашлари ҳақида бош қотиришлари бежиз эмас. Адабиётшунос Е. Ю. Сидоров ўзининг «Ҳозирги замон совет прозасида услубларнинг ранг-баранглиги» деган китобчасида қўйидагиларни ёзади: «Мен бу китобча ҳақида В. П. Катаев билан маслаҳатлашганимда, у ритмни бадиий адабиётнинг ўзига хослигини белгилайдиган услубнинг асоси деб таъриф бериб шундай деди:

— Ёзувчилик асосида воқееликни таҳлил қилишдан юзага келадигаан бир қишининг ҳаракати, гояси, фикри ётади. Ҳар бир бадиий асарнинг негизи факт ва кузатишдан иборатдир. «Анна Каренина» ҳақиқий тарихий воқееликдан туғилди, шунингдек, «Тирік мурда» ва «Жиноят ва жазо» ҳам. Ижод жараёнида бу фикр тафсилотлар билан қамраб олинисб, бадиий шаклга айланади. Индивидуалликнинг асоси бўлган ритм юзага келади. Маяковскийнинг «Шеъри қандай ёзиш керак? деган мақоласидаги» «тўнғиллашини (мычание) эсланг. У ўз шеъри билан тўғридаи-тўғри «одимлаган» (вышагивал) эди. Ҳақиқий ёзувчилар бир-биридан ритми билан фарқ қиласди.

Ритм гояни образли ифода этади. Мен «Давр, олға!» китобим ҳақида ўйлаб юрганимда, унинг ритми радиода берилган бир мақола асосида белгиланди. Албатта, у Маяковскийнинг шеърий чақиригидан иборат эди¹.

Ёзувчи Николай Евдакимов ўзининг «Ҳаққонийлик ва гавдалантириш» китобида эса ритмга қўйидагича таъриф беради: «Ритм — умуман ҳаётнинг бошланиши ва

¹Е. Ю. Сидоров. О стилевом многообразии современной советской прозы. Изд. «Знание», М., 1977, ст. 45.

айрим сўзларга ҳаёт бағишланниши. Ҳамма парса ўз ритми билан яшайди. Дараҳтлар, ўтлар, қушлар, машиналар ҳам ритмнинг индивидуал қонуниятига бўйсунади. Ритм — жумлаларнинг юраги, юзага келаётган асарнинг томиридир... Ҳар бир сўз ритм билан таъсирли, ибратли, тўғрироги, жуда кўп ритмлар ва оҳанглар билан. Ҳар бир сўз оҳангдор. Ёзувчи услубининг индивидуаллиги кўп ҳолларда жумлаларнинг ритмикаси билан аниқланади¹.

Мана бу мулоҳазалар ритм бадиийликни белгилайдигап энг асосий бадиий компонент эканлигини япа бир бор тасдиқлади.

Насрий асарда ритм унинг жанр хусусиятига, етакчи қаҳрамонлариning сонига қараб бир оҳангли ёки кўп оҳангли бўлиши мумкин. Бу хусусият кўпинча қаҳрамонлар миқдорига боғлиқ. Чунки бадиий адабиётning тасвир обьекти ижтимоий воқеалик, бош тасвир предмети эса инсондир. Чинакам талант билан ёзилган асарда эса, барча воқеа-ҳодисалар устидан инсон етакчилик қиласди. Агар бошқача қилиб айтсан, асардаги ёзувчи бизга айтмоқчи бўлган воқеалик инсон фаолияти билан боғлиқ бўлади. Зоро шундай экан, асар ритмикаси ҳам характер психологияси ва шу психологияядан келиб чиқадигап хатти-ҳаракат билан боғлиқ. Бундай фикр шу теманинг дастлабки тадқиқотчиларининг ишларида ҳам, гарчи улар томонидан қатъни айтилмаган бўлса-да, лекин айрим айтган гапларида шундай фикрга мойиллик сезилади. Хусусац, адабиётшунос олим А. В. Чичерин ўзининг «Образ ритми» номли китобида қўйидагича фикр билдиради: «Турли персонажларни бир-бираiga қиёслаганда романнинг кўп ритмлилиги кўзга ташланади. Шарль Бовари ўз ритми билан шамоён бўлади. Шарлнинг саросимали, тартибсиз ҳаракатлари Эмманинг босиқ, мақсадли ҳаракатларига жуда ўринли қарама-қарши қўйилган».²

Албатта, барча пазарий фикрлар далилий мисолларда исботланмаса, кўрсатилмаса, у қийматга эга эмас. Шундан мисолларга мурожаат қиласилик. Биз маэкур тема юзасидан бир қатор асаларни кўрганда, шундай бир қатъни хуносага келдикки, бу ҳам бўлса қалбимиз тўридан жой олган, қаҳрамонлари яқин кишимизга айланган, кўп марта ўқиб чиққан бўлсак-да, қайта-қайта қўлнимизга оладиган китобларнинг сири уларнинг ҳар бири ўз ритмикасига эгалиги, бу ритмик асар финалигача изчили

¹ Николай Евдокимов. Реальность и воплощение М., 1976. стр. 7—8.

² А. В. Чичерин. Ритм образи. М., 1973, стр. 206.

сақланғанлигидар. Бундай хулосага келишігі, бадиій асарнинг ўзи асос беради. Мана, ҳаммамизга таниш бұлған иккі забардаст ёзувчининг ажойиб асарларининг бошланиши:

1. 1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қишки күнларнинг бири, қуёш ботған, теваракдан шом азони эшитиладир...

Дарвозаси шарқи-жанубға қаратиб қурилған бу донгдор саройни Тошкент, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари әттілекшіліктерінде өткізу үшін құралған жағдай. Сарой ахли күн-дүзги иш-күчларидан бұшаб ҳужраларига қайтганлар, күңчилік ош пишириш ила машгул, шунинг учун күн-дүзгиге қараганда сарой жонлик: кишиларнинг шақиляшиб сұзлашишлари, хаҳолаб кулишлари саройни қўкка кўтаргудек.

Саройнинг түрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир ҳужра, анови ҳужраларга кийиз тұшалғаны ҳолда, бу ҳужрада қып-қызыл гилам, уларда бўз кўрналар кўрилған бўлса, бунда ипак ва адрес кўрпалар, наригила-рида қора чироқ сасиганда, бу ҳужрада шам ёнадир, ўзга ҳужраларда енгил табиатли серчақчақ кишилар бўлганида, бу ҳужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишда: оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора қўзли, мутаносиб қора қошли ва әндигина мурти сабз урган бир йигит! Бас, бу ҳужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам эга жи-ҳатидан диққатни ўзига жалб этарли эди. Қандайдир бир хаёл ичида ўтирувчи бу йигит Тошкентнинг машҳур аёнларидан бұлған Юсуфбек ҳожининг ўгли — Отабек.

2. Вақт пешиндан оқдан эди. Июль ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан түлдирған, ҳаво аллақандай оқ аланга билан жемгина ёнгандай. Қенг дала یўлида қатновчилар сийрак: эски кир қалпоғини бурнига қадар тушириб, иссиқдан мудраган ва ҳорғин ориғ отининг ялқов қадамига бардош қилиб шаҳардан қайтаётган четан аравали деҳқон, иккі оёғи билан әшакнинг қорнига ниқтаб, муттасил «хих-хих» билан ҳалқумини қирғап бир мўйсағид узумчи, қатигини пуллаб, хурмачаларини орқалаган, иссиққа қарамай, гоҳ аравага осилған, гоҳ қашуясини қидириб дараҳтларга кўз тиккан уст-боши кир-чир шўх болалар... Иссиқ тобора ортар, «ғир» этган шамол йўқ, от-арава кўтарған чанг ҳавода узоқ вақт қимирламай туриб қолар, юзларга қизғин темир учқуни каби ёпишар. нағасни бўғар эди.

Ҳаҳратон қишида яланг оёқ муз босиб, саратонда қиз-

ғин қум кечіб иссекіда, совуқда обдаи пишган бизнинг йигития ҳам (кatta масофаш ишёда босгани учунми) кун хийла бетоқат қылған әди. У қуйиб ётган билқ-билиқ юмшоқ тупроқда салмоқди оёқларини илдам ва йирик-йирик босар, құзлаган жойыга тезроқ етишга ошиқиб ўтқиңчи-лардан сүрар әди:

Биринчи нара Абдулла Қодирийнинг «Үтган күнлар» романыдан. Агар сұзларга диктат қилиса, илк жумланинг ўзида, яъни «1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қынки күнларининг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир...» дейиши билан китобхон қандайдир бир кайфиятта тушади, ёзувчи сүз билан ифодалаган ҳолатни құз олдига келтиради, қулогига «шом азони» эшитилғандай бұлади. Іззевчининг ҳар бир сүзи орқали ұша оламга сағир қилади, «Донгдор саройға» киради, ҳужралардаги «хоҳолаб кулишлар»ни аниқ ҳис қилади. Бу нимадан. Бу сүзининг ички ритмикасидан, яъни ёзувчи үз жумлалари орқали кишип кайфиятни ўзгартиради, уни үз оламидан бошқа оламга олиб киради. Ахир биз мусиқа тиңглаганда ҳам шундай ҳолатта тушамиз-ку?! Бундан ташқари, мазкур парчадаги сүзларда ташқи ритмика ҳам бор. Бу сүзларининг грамматик жиҳатдан мукаммал қурилғанлығы, уларнинг аниқ синтагмаларга бұлғаннишида, абзацтар орасидаги тасвир бир оңаңг ва ички бир мантиқ білде битилғанлығыда, яъни бир абзацдаги оңаңг иккінчи абзацда бошқача оңаңг касб қымасдан, олдинги оңаңг сағланнишида, тағы орасидаги жумлаларнинг қисқа ҳамда аниқ түзілішида, шунингдек, уларнинг ички бир тенгликтә оға эканлиғида күрінади.

Иккінчи нара Ойбекининг «Құтлуғ қон» романыдан. Үмумал, жумлаларнинг аниқлиғи, тасвирда бирорта ортиқча сүз ўқылғы, ҳар бир сүз аниқ ҳолатни ифодалашы, абзацларнинг бир-бириға маңыздылықты, тапларнинг грамматик жиҳатдан жуда тұтры қурилышлиғи, автор сүз орқали тасвирланаған ҳәёттің деталларнинг барчасы бир мақсадға, яъни асарнинг бөш қаҳрамонининг кимлигини китобхонга айтыпша қаратылғанлығы билан Абдулла Қодирий үслубиға ўхшаб кетади. Албатта, бундай бұлшын табиий. Бу ўхшашликтар ташқи ритмика жиҳатидан, лекин ички ритмикада бир-биридан фарқ қилади. Абдулла Қодирийда тасвир қороңгулиқдан бошланади, «құбыш ботган, теваракдан шом овози эшитиладир...», биз саройни, ҳужраларни, уларнинг ички тасвирини ҳам хира чыроқ ёруғида күрамиз. Албатта, бу қо-

ропгулик китобхон қалбига ҳам күчіб, унда қандайдир бир маъюслик, ғамғиңдик, бир оз ҳадиссирашлик кайфиятини тугдиради. Ойбекда эса тасвир ёруғлиқдан бошлинади. «Вақт пешиндан оққан», «Июль ойининг қүёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган». Тасвир макони ҳам кенг: «Кепг дала йўлда қатновчилар сийрак», ундан кейин, ...ҳоргин орғи отининг ялқов қадамига бардош қилиб шаҳардан қайтаётган четан аравали дехқоннинг ҳолати, «иқки оёғи билан әшакнинг қорнига ниқтаб, муттасил «хих-хих» билан ҳалқумини қирган мўйсафида-нинг юриши, «гоҳ аравага осилган, гоҳ қуш уясини қидириб дараҳтларга... кўз тиккан» болаларнинг юришининг ўзи турли ритмга эга. Демак, Ойбекнинг образли тасвири кўп оҳангли. Лекин шунга қарамай бир фонга бўйсунган, яъни ёруғлик фонига. Мана шу ёруғлик фони тасвирида кипшини қувонтирадиган воқеалар бўлмаса-да, унга қандайдир кўтаринкилик багишлайди. Мана шу кўтаринкилик унинг ички ритмикасидир. Бу ритмикা китобхонга ҳам кўчади. Китобхон ҳам бу тасвиридан кенг, очиқ дала-да ўнкасини тўлдириб нафас олиб, ёзувчи тасвирини ортиқча ҳаяжонсиз, сокинлик билан кузатади. Бундай ички ритмикा тасодифиймикин?! Йўқ! Бизнингча бу катта мақсад ва мантиқ билан қилинган. Шу ўринда Валентин Катаевнинг ритм ҳақидаги сўзини эсланг. У «ритм ғояни образли ифодалайди» деб ёзганди. Мана шу биз келтирган асарлардан парчаларда уларнинг ғояси ифодаланманяптими?! Бизнингча ифодаланяпти. Буни англаш учун асарни синчилаб кузатиш керак. Асар воқеаларини кузатганда шу парса аниқ бўладики, парчалардаги ритм то асар финалигача давом этади. Тўғри, айрим бобларда ритм ўзгаради, лекин бари бир улар ҳам шу бош оҳанг орасида сезилмайди. Лекин аксинча, кўп ўринда янада қуюқлашади. Асарнинг финали ҳам шу ритм билан тугайди. Мана «Ўтган кунлар» қандай тугайди: «Кечак ойдин, қабристон тип-тинч узоқроқдан қуръон товушни эшитилар эди. Икки туп чиор бутоқларида қўниб ўтирган учтўртта бойқушлар, қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори, қуий дўмбайган қабрлар бу тиловатга сомиъ каби эди лар. Қуръон оётлари қабристон ичидаги оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам қуръон оётларига қўшилишиб оқар эди» ва ҳоказо.

«Қутлуг қон»да эса қуйидагича хотималанади: «Улар жуда секин юришди. Йўлнинг ярмидан ўтганда, уғуларга қон каби тоза, қизил шуълалар югурди. Чиқаётган қуёш-

ни саломлаб, яшил дарахтларда қүшлар сайрай бошлиди...»

Агар мазкур парчалардаги жумлаларга назар ташланса, уларниң ҳар бири яхлит мазмунға ва поэзиядаги каби ички бир туроққа ҳам эга әкаалығы сезилади. Албатта, бу кичик парча ва билдирилган фикрлар мазкур асарларшының ритмикасини аниқ күз олдимизга келтирмайды. Шунинг учун асарларни яхлит күз олдимизга келтирайлып ва агар таъбир жөніз бўлса бош оҳангни қулоқларимиз пардаси олдига келтиришга ҳаракат қиласылар. Башарти шундай қислак, бир нарсаны аниқ ҳис қиласын, бу ҳам бўлса ҳукмрон оҳангни. Ойбек романининг архитектоникасида қандайдир сокинлик бор, бу сокинлик характерларшының ҳаракатида, айниқса, Йўлчи хатти-ҳаракатида аниқ кўрипади. Тўгри, бу сокинлик вақти-вақти билан тезлашади, яъни Шоқосим хотинининг ўлими, Гулнорининг ўирланиши, уларниң жувозда яшириниши, Гулнорининг ўлими, Ерматининг Салимбойни ўлдиришини ҳолатларида. Лекин бари бир сокин оҳанг ҳукмрон. Бу Йўлчи ҳаракати билан боғлиқ. Йўлчи бутун асар давомида босиқ ва сокинлик билан ҳаракат қиласи. Ҳатто кўзголоп пайтида ҳам ҳаракатида сокинлик ҳукмрон, ҳаётдан видолашаётган пайтда ҳам «букчайиб, оҳистагина ерга йиқилади». Демак, Ойбек ўз асарини ёрқин, кенг олам ва кўлам асосига қуради, воқеалар ривожи ҳукмрон.

Абдулла Қодирийда тасвир бошқача, унинг асарпда сокинлик йўқ, воқеалар силсласи таранг. Бу ҳол киши кайфиятига ҳам кўчиб асабларни тараанглashingтиради, уни қўзгайди. Натижада киши қалбида кучли бир тўлқинланиш юз беради. Бу ҳол асар финалигача давом этади. Тўгри, бу ҳол вақти-вақти билан бўшаштирилади, лекин киши қалби бир оз таскин толмасдан туриб, уни янада «танвишлар»га кўмади, яъни асаблар олдингисидан ҳам кўпроқ тараанглashingади. Демак, ундаги оҳанг сиқиқ, драматик ҳолатда, яъни доимо авж пардада. Шунингдек, Абдулла Қодирий романлари сюжетини айлапма, мураккаб воқеалар, кутилмаган тугунлар асосига қуради. Бу ҳол бутунлай бошқа услугуб бўлиши билан бирга, бошқа ритм ҳамдир.

Пушкін проза «Фикрни ва яна фикрни талаб қиласы» деб айтганди. Албатта, фикр сўз орқали ифодаланади. Агар сўз ўз ички қонунияти асосида ёзилмаса, ҳар қанақа ўтқир фикр ҳам таъсирсиз ва нурсиз бўлиб қолади. Мазкур адабларшының ижоддаги иқтидори шундаки, улар аввало ўз фикрларини ниҳоят даражада аниқ ифодалаб

қолишинасдан, сүзлар ва жумлаларнинг оҳангдош тузилишига ҳам эътибор беришган. Бу эса фикрни янада кучайтириб, аниқ бир нуқтага уришга олиб келган. Улар ҳар бир сўзга маъно юклайди ва мазкур сўзининг аниқ бир ҳолат касб қилишига, шунингдек, «зарбдорлигига» эътибор беришади. «Ўтган кунлар»нинг бобларида бирни шундай бошланади: «Пойафзал бозори ва унинг бурчагидаги ҳовли...» Мазкур жумлани «Пойафзал бозорининг бурчагидаги ҳовли» деб ҳам ёзиш мумкин. Қайтага сўз ихчамлашади. Албатта, Абдулла Қодирийдан бошқа ёзувчи шундай ёзган бўларди. Лекин у бундай жумла тузмagan. Бунинг сирини англаш учун иккala жумлани ёима ён ёзиб ўқиши керак. Биринчи жумлада аниқ манзара мавжуд, яъни бозор манзараси. Биз жумлани ўқиган заҳотимиз кўз олдимизга бозор келади, уни хәёлимизда жонлантирганимиздан кейин бурчакдаги ҳовлига назар ташлаймиз. Яъни биринчи жумлада ёрқин тасвир бор ҳамда сўз киши фикрига зарб билан урилади. Чунки интонация мавжуд. Иккинчи жумла эса бу фазилатдан маҳрум. Унда интонация ҳам йўқ, шунингдек, мавҳумлик мавжуд. Асадан бундай жумлаларни, яъни мисолларни кўплаб келтириш мумкин, шунингдек, «Қутлуғ қон»да ҳам.

Умуман олганда, мазкур адабларнинг бир умумий томони бор. Бу ҳам бўлса, жумлаларни содда тузишида, кўпроқ содда гапда ёзишида ва юқорида айтганимиздек, ҳар бир сўзининг аниқ бир манзара яратишига эътибор беришларида. Ундан ташқари, айрим кўринишларда, хусусан персонажлар тасвирида, тўғрироғи, уларни китобхонга таништиришда, гап-сўзида характеристикини, психологиясини бера билишда, хусусан, тўй воқеаси. Қумуш билан Пуришининг тўй тасвирида бу ҳол аниқ кўринади. Лекин ритми билан бир-биридан кескин фарқ қиласди. Ойбекда қуёш тилга қўп олинади, Абдулла Қодирийда эса қоронгулик. Тўғри, бу гапни юқорида ҳам айтган эдик, лекин мисол келтирмаган эдик. Демак, фикримиз кам далил эди. Мана энди фактларга мурожат қиласилик. «Қутлуғ қон»да: «Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди» (29-бет). Ёзнинг кучи кетиб, ҳаво бир оз салқинлаган бўлса ҳам, шамолсиз кунларда қуёш тик келгач, ҳали ҳам қишининг бошидан олов қуїтап каби куйдирап эди» (52-бет). «Қуёш ботганига анчагина бўлган» (57-бет). «Янги уйгонгаян ям-яшил барглар билан ясанган дараҳтлар қуёш нурида чўмилади» (158-бет). «Пуришининг ҳовлисиндаги гилослар

гуллаган. Уларниң опиок күркем гуллари қуёш нурида жуда нағис төвтапар... Құёш қуидаш-қуи күчлироқ қиздиради» (290-бет). «Офтоб Йұлчининг бомини қызитгандан сүнг үйғонди» (336-бет). «Оддий ёз тонги. ... Қуёш Қалковуз суви бүйлаб ўстап қалип толларниң учидар үйнайди» (346-бет). Агар мазкур жумлатарниң барчаси ҳар бир бобининг бошланиши эканлигі ҳисобта олинса фикримизниң асаслығын айтты.

Абдулла Қодирий тасвириң қоропгуликдан бошлаб ёруғлика олиб чиқади, сүнг яна қоропгулик билан туғатади. Бу ҳолни ҳар бир бобда күрши мүмкін. Албатта, бу ўзига хос оxaнг касб қиласы. Парчаларга эътибор берайды: «...Бир дарбозаниң остоңасидан уч-түрт қадам ишқары кирилса Бухоро зипидоларидан бирини ҳис этилур ва қоронғы йўлакниң ниҳоятидаги ёруғлика томон ошиклиур. Қоқилиб-сурлиб йўлак зипидонидан қутулғач, бир катта ариқ ёқасига, ўрдадек ҳовлига чиқилур ва роҳат тин олипур» (28-29-бетлар). «Хозир қоронғу ҳам ўбдан тушганилкдан киши-кишини танимаслик даражада оди» (68-бет). «Унутмайсизми» ...деган бобни эсланг. Худлас, роман воқеалтарниң деярли барчаси қоронғуликда, тунда кечади. воқеаниң ўзида ҳам қора фон ҳукмронлик қиласы. Биз таъкидлаган бу ҳолат асарниң бош оҳангидир, лекин романда бир қашча қўшима оҳанглар ҳам бор. Бу оҳанглар романниң персонажлари билан бօғлиқдир. Иккала романдаги истаган ҳатто эпизодик қаҳрамонниң асарларига фаолиятига пазар ташласангиз, унинг ўз гаи оҳанглиги, гаирини манераси билан ҳаракатида, психологиясида уйғуликтар мавжудлиги аниқ сезилади. Албатта, бу гаирини оҳантни, ҳаракатдаги уйғуликтар қаҳрамониң ритмикасини белгилайди. Бу ҳол иккала асарда аниқ сезилиб турғани учун мисоллар келтиришиниң хожати йўқдир, деб йўлаймиз. Лемак, мазкур асарларниң умр бокийлигиниң спири ритмшининг изчилигиди ва адилларниң бу парсага катта эътибор бериптигинидар.

Йирик совет композитори Д. Д. Шостакович Чехов асарлари ҳақида шундай деган оли: «Чехов асарларининг кўнчилиги ёзилши жихатидан мусика асарларига ўхшайди. «Қора монах» повестини мен соната шаклида ёзилган асан деб биламан»¹.

Сопата формаси қандай форма эканлиги, унинг мо-

¹ Сб. статей: Ритм пространство и время в литературе и искусства, Л., 1974, стр. 175.

ҳияти нимадап иборатлигини адабиётшунос И. М. Фортунатов қуйидатича изохлади: «Соната формада ёзилган асар энг авало бир-бирига зид, қарама-карши бўлган воқеалар асосига қурилади. Агар мусиқачилар тили билан айтганда, иккита ўзга тематик групса, яъни бош ва қўшимча бўлган партиядан иборат бўлган ғоқелик асосига, яъни иккита ўзга эмоциопал образли оқимларниңг тўқнашувидан, драматик коллизияларга тўла бўлган иштенинг ривожланни юзага келади. Соната форманинг иккинчи фарқ қилувчи хусусияти уч бўлимдан тузилиши. Яъни экспозиция — икки хил музыкалии образларниңг баёни ишлаш (разработка) — экспозиция материалиниңг ривожи... ва репризлар — экспозиция материалларниңг ўзгарган ёки айнан тақрорланиши... Одатда экспозиция ва репризларниңг структураси асосий, бояловчи, қўшимча, охирги партиядан иборат бўлади¹. Бу гапни биз бемалол мазкур асарларга татбиқ қиласак бўлади. Чунки упбу асарларда экспозициядаги оҳанг асар ўтларида драматик ҳолат, яъни қўшимча партиялардан кейин тақрорланади, асар охирида ҳам бу ҳол сакланади.

Бир асарниң ритмикаси юкорида қўриб ўтганимиздек, айрим уйғунлик томонлари бўлганни билан бир-бирига ўхшамайди. Албатта, бу ёзувчишинг услуби билан бояловчи. Айрим асарларда ритмика авториниң баёни билан қаҳрамонларниң хатти-ҳаракати, воқеалар ривожини бояловчи тасвирниңг уйғунлигига қўринади. Бу ҳолни биз Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида қўрамиз. Мана, унинг «Мастон» номли ҳикоясини олиб қўрайлик. Ҳикоя кескин бошланади. Бу кескинлик ҳикоя қаҳрамони Maston ҳарактерига кўчади. Унинг ҳаракатлари ҳам кескин: «От мункиб кетгандан эгарниңг устидан думбалоқ опиб тушган паранжисиз қиз ўйноки капитардек абжирлик билан ўзини ўтгариб олди-да, жунонга ёрдам бергани пешилди». Мана шу кескин тасвир ва ҳаракатдаги оҳанг бутун ҳикоя давомида бўшашибади. Тўгри, қўшимча воқеаларга ўтгашла бир оз юмшабли. Лекин бу юмшаб воқеаларни боялаш ролини ўтайди. Бу боялашдаги тасвир бир йўла иккι вазифани бажаради: биринчию юзага келган вазиятни ўзгартириш бўлса, иккинчиси, кечайтган воқеликниңг вақт ва маконини белгилайди. Таевирга эътибор беринг: «Офтоб тиккада. Иккι йўловчининг қиска соялари катта-кичик, турли дашт ўсимликлари устидан эгилиб-букилиб борар эди. Фириллаб турган дашт шаба-

¹ Сб. статей: Ритм пространство и время в литературе и искусства, Л., 1974, стр. 175.

даси күйдиргудек иссиқ». Бу тасвир ўз вазифасини ўтагач, оҳанг яна парчадаги ҳолатга қайтади. «Қолган нарса қолди, бўлган иш бўлди. Яна ўнта. Тургуной билан ўнта Мастон хафа бўлгани билан қолган парсалар орқамиздан эргашиб келмайди. Нима бўлишимиз ўзимизнинг қўлимизда». Бундан кейин ҳолат яна ўзгаради, албатта, бу билан оҳанг ҳам. Бу ҳолат ҳикояда иккинчи, яъни олишиги оҳангга зид бўлган қўшимча тасвирнинг юзага келиши билан туғилади. Мазкур тасвир воқелик, агар таъбири жоиз бўлса, лирик чекиниш олдинги кескин воқелик билан тўқнашиб, ҳикоя воқеаларини интенсив ривожлантиради. Бу ҳолат ҳикояда Мастон характеристига зид бўлган Тургуной характеристери воситасида кечади. Мана адид тасвиридаги Тургуной ва унииг кейинги хатти-ҳаракати: «Отинг остида қолган оёғили тортиб олишга уринайётган ёшгина, узоқ йўл азобидан ҳам сўимаган жувон ўзидац бир неча қадам нарига тулиган чиммати остидан чиқиб кетган калтакесакни қўриб дод деб юборди...

— Қуриб кетсан! — деди у йигламсираб.. Ўқишининг бопнигдан ордона қолсан, Мастон!.. Қўй, эй... эримдан қолмайин!» Агар адид тасвири ва характеристикинг хатти-ҳаракатига назар солинса унданги уйгуликини сезиш қийин эмас. Чунки адид Тургунойни алоҳида ритм билан тасвирлайди. У ҳикоя воқеалари давомида доимо йиглайди, эрпии тилга олади: «...пепонасини икки билаги устига қўйиб йиграб ётган Тургунойни елкаспидан тортиб тургизди». «Тургуной ўникасини тутолмас эди». «Буни қўриб Тургуной йигламспради». «Тургунойнинг ўласи тўлиб гапдан тўхтади». «Тургуной охири босгани оёғини қўтара олмай тўхтаб, Мастонинг елкаспига бошини қўйди ва пиқпиқ йиглади.» «Тургуной яна узоқ йўталди: кейин йиглади». Бу ҳолатларниг барчаси Мастон характеристига тескари эканлигини пазарга олсақ, ҳикоя ритми соната формасида эканлигини сезиш қийин эмас, чунки у Фортунатов айтганидек «бир-бирига эпд, қарама-қарши бўлган воқеалар асосига қўрилган». Экспозиция ва репризалар структурасига мослиги ҳам бу фикрнинг тўғрилигини исботлайди.

Наерда ритм турли кўрининига эга. Айрим асарларда ритм шеърий формада ҳам бўлади, тўғрироги шеърнинг бу турли бўлган сонет шаклида. Бизга маълумки, сонетда мисраларнинг қоғияланиши ҳар хил бўлади. Яъни биринчи тўртликда биринчи мисра билан учинчи иккинчи мисра билан тўрттинчи қоғияланишиб келса, кейинги мисралар учлик бўлиб, унинг қоғияланиши ҳам турличадир.

Гоҳ биринчи билан иккичи мисра қоғияланаб келса, гоҳ биринчи учлик билан иккичи учлигининг учинчи мисралари қоғияланади ёки биринчи учлигининг учинчи мисраси билан, иккичи учлигининг иккичи мисраси қоғияланади, у ҳолда унинг биринчи ва учинчи мисралари қоғия билан боғланади. Худди мана ну ҳолни прозаик асарларда ҳам кузатиш мумкин. Албатта, асарнинг тузишишини бу тарзда қуриш ёзувчи учун осон кечмайди. Чеховнинг жуда кўп ҳикоялари шу тигда ёзилган. Ўзбек адаабиётида ҳам шундай маҳорат билан ёзилган асарлар мавжуд. Хусусан, Ўтқир Ҳонимовнинг айрим ҳикояларида ушбу ҳолни кузатиш мумкин. Бунга унинг «Муҳаббот» ҳикояси якқол мисол бўла олади. Ҳикоя дастлаб Тиркаш билан Дилорнинг висол онларидан боғланади. Албатта, бу ўринлар қандай лирик оҳангда, кайфиятда тасвирланганлигини таъкидлашининг хожати йўқ. Чунки адабиётшуносликдан хабари бўлган китобхон ундаги қоғия ва оҳангни осон пілгайди. Тиркашининг ялинишларига Дилорпинг «Кет бу ердан!» деган хитоби унинг вужудини ўртаб юборади, ялинади. Лекин бундай қилиш беҳуда эканлигини билгач. эртага бирга кетишими айтиб, қинжалоқ томон юради. Бу билан воқеа ҳам, тасвир ҳам, ўзўзидан оҳанг ҳам ўзгаради. Иккичи қисмда, агар шартли айтсан, учликда Тиркалиниң кимлиги, унинг ўтмиши билан танишамиш. Шундан кейин учинчи қисмда яна олдинги биринчи қисм воқеасига қайтилади, албатта, оҳанг ҳам ўзгача тус олади. Биринчи қисмдаги тасвирий баёнига эътибор беринг: «Тиркаш аравадан уч-тўрт қадам парида, майсалар устига ташлаб қўйилган бир парча намат устида ухлаб ётган чолга қаради. Чол ола-була ҳуржунга бошини ташлаб, оёқларини керганича, чалинча ётар. Қоронгида юзи аниқ қўринимасди». Учинчи қисмда: «Аравада ўтирган чолнинг пигичка, буришиқ бўйнидаги чуқурчаси, оқ оралаган сочи Тиркашга қўриниб турарди». Биринчи қисмда чолнинг юзини кўрмаганди, учинчи қисмда бўйнидаги чуқурчани ҳам кўради. Ёки биринчи қисмда: «Тиркаш қадими ростлаб, книга текилиб қолди. Унинг катта-катта кўзлари ёниб турар, узуизуз киприклари, қирра бурни короненда янайам жозибали қўрипар. Тиркаш ҳали ҳам ҳаяжонини босиб ололмас эли». Учинчи қисмда: «Араванинг кетида Тиркаш билан ёнма-ён келабтган Дилор унга қараб жилмайиб қўяр, аллақаёқдан сиптириб олган тол хивичи билан йўл четидаги гиёҳларни савалаб борарди» ва ҳоказо. Учинчи бўлимнинг ўртасига борганда япа оҳанг ўзгаради, иккин-

чи қилемдаги воқеаларга қайтилади. Лекин бирдағында әмас, худди шеърдаги, яъни сонетдаги каби тасвир оқими-нинг ўзидан келиб чиқады. Учинчи қилемдаги тасвир-ритм бириңчи билан болжаниб тугаллик ҳосил қиласы. Үндап кейин тасвир, яъни ритм иккинчи қилем билан болжанаади, таъбир жоиз бўлса, коғияланади. Иккинчи қилем: «Бу воқеага анча йил бўлиб кетган. Апча йилтар...» деб бошланар экан, шу қилемнинг тугалланмасыда ҳам бу сўз кайтарилади. Бу тўё бир пақорот ролини ўтайди. Шундан кейин учичи қилемга ўтилади. Учинчи қилемнинг бошлиниши кўриб ўтганимиздек, бириңчи қилем билан оҳангдоли, лекин учичи қилемнинг ярмига боргандада у иккинчи қилем воқеаларига қайтилади. Бу билан у иккинчи қилем шта аҳондош бўлайди. Бироқ бу ҳам узоқ давом этмайди, тўё шеърдаги каби воқеалар бириңчи қилем воқеаси билан болжаниб, у билан оҳангдошлиқ қасеб қиласы. Тўртингчи қилем эса худди сопетининг охирги икки мисрасидек бошқа оҳангга эга. У босиқ, зарворли бир ритм билан тугайди, яъни хотималанади. Агар мазкур ҳикоя қилемларининг бир-бирига бояланшини ва улар ўртасидаги оҳангдошлиқ, воқеаларнинг тадрижий ривожилинг схемасини чизсан шеърий форма, яъни сонет шаклни олади. Тўғрироғи, архитектоникаси сопетдек эканлиги яққол кўринади. Албатта, бу хусусиятлар, яъни мазкур ҳикоядаги, шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтган асарларимиздаги хотатларининг барчаси ритмнинг шаклий кўринишларидир. Ушбу асарларниң катта хусусияти уларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, уларнинг аке этириялари, умумал асарлардаги барчэ воқеатарининг йўналинини ҳаёт ритмикасига мос келишинидирен, бу эдля асар бадиийлигини таъминлаган мухим омил ва бадиийлик компонентидир.

Ф. В. Шолзинг «ритм табиат ва санъатнинг ҳайратомуз спирита мансуб парсадир» — доб ёзганди. Ҳақиқатан ҳам табиатда ҳамма парса ўз ритмикасига эга ва шу асосда ривожланади, лекин унинг моҳияттини аиглаб етиши піхоятда мутшук. Чунки у спирти оламдир. Бироқ шунга карамаеда, піхоятда қонуний тузилгаандир. Санъаби шуки, улдан ҳар бир парса кипини тааижжубга соларли дараҗада уйгушилди. Ҳақиқий санъат асарининг ҳар бир саҳифасидаги тасвирланган воқеалар, цахрамонларининг хатти-ҳаракати, ўй-фигри, асарининг умумий курпланиши, яъни композицияси ва сюжет линияларини ана шундай уйгушилкка ҳамла конушийликка эга бўлмоғи лозим. Ани ўпшаплагина у ритмик бўлади. Санъатда ва алабиётда ритм худди шу вазифани ўтайди.

Агар биз күпчилік асарларга худди шу пүктай на-
зардан ёндашсак, улар айримларининг мана шу жиҳат-
дан заифлигини күрамиз. Демак, уларда ритм бузилган.

Суннатулла Анербоевнинг «Олтин қозық» деган ҳи-
кояси бор. Ҳикоя заминидаги кишига айтмоқчи бўлган
тап анча салмоқли, лекин тасвирдаги воқеалар баёнида-
ги ритм бузилганилиги, умуман ундаги воқеа-ҳодисалар
силсиласи ҳаёт ритмидагидек қонуний тус олмаганилиги
учун айтмоқчи бўлинган гап ниятлигича қолган. Ҳикоя
яхши бошланган. Экспозициясида кишининг диккатини
ўзига жалб қилиб оладиган қўйма тасвир, уни бир қай-
фиятга соладиган ритм мавжуд. Мана ҳикоя қандай бош-
ланади: «Зунун Ҳасаний елкалари осилиб, ғўлвираброқ
турган тўқ зангор раиг камзул билан шимда узун йўлак
бўйлаб борарди. Касалхона кийимиға ўргана олмагандан-
ми, дам-бадам у ёқ-бу ёғига қараб, камарини аста кўтариб
қўяр, оёгидаги шиплаги шахмат нусха линолеум тўшал-
ган силлиқ полга тегиб шип-шип этарди» ва ҳоказо. Ҳи-
коянинг бир ярим бетигача китобхонни ўзида тутиб ту-
радиган тасвир мавжуд. Ундан кейинги бетларда экспо-
зициядаги ритм сақланмаганилиги учун ҳикоя воқеала-
рига нисбатан кишининг диккати сусаяди. Экспозициядаги
тасвирдан Зунун Ҳасанда қандайдир улуғворлик мав-
жуудлиги, шунингдек, бутун ҳикояниң марказида шу ки-
ши фаолияти ётишлиги сезилади. Лекин ҳикоя давомида
бу нарса изчил давом этмайди. унинг марказида иккинчи
бир одам — Таваккал ҳаракат қила бошлиди. У бир
пайтлар домла Ҳасанийнинг қўлида ўқиган, унинг ўғли
билан дўст бўлган. Мактабда энг яхши ўқувчилардан
саналган. Адиб мана шу киши образида ҳаётда ҳар бир
нарсани пул билан ўлчайдиган, виждони ҳам, имони ҳам
пул саналган баъзи бир кишиларнинг қиёғасини соғдили.
бутун ўй-фикри ҳаётда эзгулик уругини экиш, уни кў-
пайтириш учун хизмат қилган. ҳаётда яшашдан бирдан-
бир мақсади — шу бўлган Зунун Ҳасаний образига қара-
ма-қарши қўймоқчи. Юқорида айтиб ўтганимиздек ният
яхши. Лекин унинг қопуний асосларини, ҳаёт ритмика-
сидеек уйғунликда ва мантикий очиб беролмаган. Тўгри-
роғи ҳикоя ритмикаси ҳаёт ритмикаси каби қонуний тус
олмагап. Натижада ҳикоя экспозициясида улугвор кў-
ринган Зунун Ҳасан асар финалида жуда бир оддий
кишига айланиб қолади. Чунки адиб экспозициядаги
қандайдир улуғворлик касб қилган тасвирга образнинг
хатти-ҳаракати, гап-сўзи мос келмайди.

Таваккал ўзиниң күргәни келган одамларни ёмонлайды, фақат бошига бир иш түшсө келади, ҳаммаси қаллоб дейди. Лекин ўзининг тутғап шишида улардан фарқ қиласынан хусусшыт йўқ. Шундай бу образ фаолиятида ҳам ритм йўқ. Ҳатто унинг қиёфасини тузукроқ кўз олдимизга келтира отмаймиз ҳам. Унинг ҳатти-харакати ҳаёт ритмикасидек мантиқли ва қонуний эмас. Ҳаётда бундай шахслар жуда сирни бўлади. Ўзининг қудратли эканлигини оғизда эмас, жуда нозик вазиятда памоён этади. Ундан кейини бу тишидаги одамлар ўз ҳамтоворқларининг сирини, уларниң қандай одамлигини ҳаммага ҳам айтабермайди. Уларни бирорвга ташитирганда йўғини яшириб, борини ошириб тапиради. Бу билап ўзиниң уича-мунчани одам билап ошию бўлмаслигини билдириб, ўз обрўсини ҳам бир ногона кўтаради. Таваккал эса келган одамни ёмонлайди, менги яшниб келди, иши тушган дейди. Адаб гўё бу билан Таваккал ўз обрўсини пеш қилишини таъкидламоқчи, лекин у ҳаётий мантиққа мос бўлмагани учун ўз вазифасини ўтай олмаган. Демак, Таваккал характерининг ритми ҳам бузилган. Адаб, умуман ҳикояни ёзаётганда ҳаёт оқимиши ўйлаб кўрмаган. Таваккал домла Ҳасаний ўғли билап бир спиғда ўқиган, урунга ҳам бирга кетишган, хуллас улар қалини дўст бўлишигана. Ёшлигини домланниг ўйида жуда кўн бўлган. Шундай бўлишигига карамай, албанинг ҳикоя қилишинча урушадап сўнг домла Ҳасаний Таваккагини ўттиз йилдан ортиқ давомида кўрмаган: «Холмурод ўртогнитизини охирги марта качон кўргандинигиз? — сўради Ҳасаний хирқироқ овозга...

— Холмурод билап видолашмадик, — деди Таваккал ерга караганча ўтириб. — Полкимиз чекипаётганда у өзводидаги тўплари билап душманининг йўлини тўсиб турди. Кейин эпитетсан... ҳалок бўлибди... Танклар мажақлаб ўтибди... Ўзининг довюрак йигит эди». Агар ҳаёт ҳақиқатига назар солсан уларни ўттиз йилдан ортиқ бир-бирини кўрмаслиги. Таваккалининг ҳам дўстининг оиласини асосизиз йўқлаб келмаслиги бутуцлай мантиққа зиддири. Тўғри, ҳабтада бундай воқеалар бўлиши мумкини, лекин унинг, албатта, бирорта сабаби бўлади. Суннатулла Айорбоевда ўша сабаб кўрсатилимаган. Шундан ҳикояда малтиқ бузилган. Бу камчиликларининг рўй берини асарининг ички динамикасини характератга келтирувчи мантиқий ритмининг бузилишиданцир. Бундан ташкари, ҳикоя қаҳрамонлари ҳам ўз ритмикасига эга эмас, шунингдек, абзацлар ўтасида ҳам, умуман воқеалар йўналишида ҳам ички ўйнулилар, яъни ритмика йўқ. Унинг «Беда», «Ташвиши

туи»¹ ва бошқа бир қатор ҳикояларыда ҳам шу ҳолни күзатиш мүмкін.

Бизга маълумки, ҳақиқий санъат мазмун билан шакл ранг билан сувдай бирлашиб кетган жойда туғилади. Буни қўпроқ мусиқа асарларида аникроқ кўриш мүмкін. Мусиқанинг мазмунини сўзлаб бериш мүмкін эмас. Уни фақат тинглаш керак. Чунки упинг мазмуни оҳалгларига сингиб кетган. Гоясини ўша оҳангдан топамиш. Чинакам бадиий асар ҳам шундай бўлмоғи лозим, яъни гояси унинг сюжетига бутунлай сингиб кетмоғи даркор. Шундай ёзилган асарларгида ўқишли бўлади. Биз қўптина яхши асар ҳақида «бир нафасда ўқилади», «ҳаяжопсиз ўқиб бўлмайди», «ўқиб тугатмаганингча қўлдан ташламайсан» деган гапларни тез-тез эшишиб турамиз. Айрим асарларга ишебатан ишлатилган бундай энитетлар гояси сюжетига сингиб кетган асарларга ишебатан ишлатилади. чунки бундай асарларда ҳаёт ритми санъат ритмига қўчган бўлади. Бизга маълумки, ҳаёт ритмида сунъийлик бўлмайди, унда ҳамма нарса табиий ва қонуний кечади. Агар асар воқеалари ҳам ҳар қандай сунъийликдан ҳоли бўлса, у кишига манзур бўлади. Албатта, бу ҳол ёзувчи-нинг сунъий усууллар қўллашдан қочиши билан bogлиқдир. Ҳаётда ҳамма нарса ҳаракатда. Ҳаракат бор жойда ҳаёт бор, ритм бор. Бадиий асар воқеалари ҳам ҳаракатда бўлмоғи, бу ҳаракатда туғиладилган ҳолат, вазият мантикий рўй бермоғи, ёзувчи айтмоқчи бўлган гоя, мақсад эса шу воқеалар заминидан келиб чиқмоғи лозим. Иккичи хил килиб лайтсак, асар воқеаларининг ривожи воқеадаи воеса, вазиятдан вазиятнилг тугилшини диалектал ва қонуний юз бермоғи даркор. Апа шундай ёзилган асар ўз ритмикасига эга бўлади, чунки бундай асарда ҳаракат ривожи бўлса. «Ритм — деб ёзди тапиқли адабиётшунос олим С. Михаэле — қаердаки ривожланини бўлса, ўша ерда юзага келади. У матълум бир мақсадга эга бўлади. Ритм ҳақида қаерда жараёп бўлса, биз бирон ҳодисанинг ривожини кузатишга мусассар бўлсак апа ўшандагина гапириш мүмкін... Ритм ўзида қарама қаршилик ва тўсиклар оркали мунтазам ривожланишини аник эттиришини мақсад килич қўяди: ритм бу курашларининг диалектик илорининг ифодасидир. Демак, гоядан ажралган, бирор мақсадни олга сурмаган, Шекспир, Островский, Шолом Алейхем асартари текстини ўзига хос равишда ўқишига, талаффуз килишига мажбур қилган ички бир руҳдан аж-

¹ С. Михаэле. Статьи, беседы, речи. М., Изд-во «Искусство». 1960, стр. 75—76.

ратган ҳолда ритм ҳақида «йлаш мумкин эмас»¹. Зероки, шундай экаи, бадиий асардан ритмика қидирганды, унинг асосини худди маана шу нарсалардан изламоқ мақсадга мувофиқдир. Шуниси қувонарлики, кейинги даврда яратылған асарларда, айниңса ёшлар ижодида бу нарсаны кузатиш мумкин. Албатта, барча ёшларнинг ижодида эмас. Лекин кам бўлса-да, борки бу кишини қувонтиради. Шундай истеъодли ёшлардан бири Алишер Ибодиновдир. Үнинг асарлари юқорида санаб ўтилган талабларга жавоб беради, яъни ўз ритмикасига эга. Алишер ўз асарларини муайян бир услубда ёзмайди, турли услубда ёзади. Лекин шунга қарамай, ҳар бир услубда ҳам унинг ўзлиги сезилиб туради. Масалан, унинг «Мен туғилган уй» ҳикояси баёний услубда ёзилган, яъни ҳикоя персонаж тилидан олиб борилади. Алишернинг маҳорати шундаки, ҳикоядаги воқеа-ҳодисалар баённи персонажнинг савиясига мос ҳолда ҳикоя қилинади. Ҳатто сўзларда, жумла тузилишида, гандаги ибораларда, баён қилиш сулукатида ҳам, хуллас барча ҳолатларда апча ёнга бориб қолган чөлниңг ишгоҳи аниқ ҳис қилинади, яъни ҳикояда сюжет ривожи персонаж ҳарактери, дунёқараши, малакава савияси, психологияси билан уйғуныликда кечади. Мана шу уйғунылик ҳикояга ҳаётйилк, табиийлик батишлаган, яъни ички ҳаракатлантирувчи кучни юзага келтирган, демак, ўз ритмикасига эга қиласа.

«Бир томчи ёш» ҳикояси бошқа услубда ёзилган, яъни воқеа-ҳодисалар бевосита автор ишгоҳи билан баён этилади, тўғрироги тасвирланади. Бу услуб ижодда жуда кўп қўлланилса-да, ўзига хос нозик томони ҳам бор. Бизга маълумки, ҳар бир бадиий проза асари тексти, унинг боблари маълум бир воқелик асосида боғланади. Бу воқелик бош қаҳрамон фаолияти, яъни асосий сюжет ҳамда ёрдамчи сюжет билан боғлиқ бўлади. Албатта, бу ҳолатнинг бир-бири билан узвий ва мантиқий боғланишини автор бошқаради. Бу ижоднинг энг қийин жараёниларидан бири бўлиб, адидан катта маҳорат талаб қиласади. Агар мана шу иккى ҳолат бир-бири билан диалектал ва мантиқий боғлаимас экан, албатта асарга чок тунади. Демак, ритм бузилади. Бу ҳол кўинича, автор ишгоди, яъни унинг кузатуви остида битилган асарларда кузатилади. Агар биз бу тицдаги асарларга динқат қиласақ, иккى нарсанни аниқ ҳис қиласиз. Асар воқеаларнинг айрим ўринларидан автор баёни сезилиб туради. Лекин талантли ёзувчиларда баёп ўрнида тасвир берилади, унда асосий фикрин ташувчи, агар иккинчи хил қиласиб айтганимизда,

автор нияти ва юяси зиммасига юклатилган бопш характер билан боғлиқ фаолиятдан ажраб турувчи ҳолатни ҳамма ҳам сезавермайди. Ижод жараёнидаги мана шу ўринни адабиётшуносликда сюжетдан ташқари воқеа деб юритилади. Ҳудди мана шу ўринда ёзувчидан жуда катта талант ва масъулият талаб қилинади. Чунки мана шу сюжетдан ташқари ҳолат асосий сюжет билан узвий боғланиш, уни тўлдириши, ундаги воқеаларининг изоҳлаши, ривожланиш йўлини белгилаш лозим. Демак, у ижоднинг энг қийин жараёнидир. Бу ўринда сюжетдан ташқари ҳолатни ёрдамчи сюжет билан алмаштириш керак эмас. Ёрдамчи сюжет ўз тадрижий ривожига эга бўлади, яъни у ҳам бирорта асар персонажининг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, асосий сюжет билан параллел равишда давом этади. Сюжетдан ташқари воқелик эса бир ўринда тасвирланиб, ундаги воқелик ёки шу воқеликда иштирок этган персонажлар кейин умуман кўришмайди, яъни асар воқелигидан чиқиб кетади. У ёрдамчи сюжеттага ҳам боғлиқ бўлиши, ундаги ҳолатни, персонажнинг фаолиятини изоҳлаш мумкин. Сюжетдан ташқари ҳолатда автор овози аниқ сезилади. Лекин юқорида айтганимиздек, бу овоз асосий сюжетига ҳамоҳанг бўлиши даркор, ана ўшанда асар композицияси бузилмайди. Яъни ўз ритмикасига эга бўлади. Албатта, ҳамма ижодкорларнинг асарларида буни кузатиш қийин. Ҳусусан, Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев, Суннатулла Анорбоев, Муҳаммад Салом, Ёқубжон Шукуров, Шуҳрат асарларида. Алишер Ибодиновнинг ҳикояларида бу ҳолни кўрмаймиз. Унинг ҳикояларида сюжетдан ташқари воқелик асосий сюжет билан узвий боғланади, уни изоҳлайди, оҳангдошлиқ қасб қиласди. Мана унинг «Бир томчи ёш» ҳикоясини шу жиҳатдан кўрайлик. Ҳикоя Қурбон кампирнинг келинидан полиши билан бошланади: «Ҳамманинг келини абитта ўтириб кашта тикса, менини китобга термулади... олимада!» Бу жумладан ҳали келинининг кимлигини билмаймиз, лекин у ким бўлса-да, китобга қизиқишини англаймиз. Воқеа изчил давом этади. Қурбон холанинг маъракада айтган бу гапи қудаси Собира холага таъсир қилиб, у қудасиникига келади. Унинг гапидан биз келин кимлигини биламиз. Қурбон хола қудасининг гапига жавоб берар экан, келинининг китобни кўп ўқишини яна такрорлайди: «Ҳа, энди, суюксиз тил... қўнглингизга олманг. Тўғри, Маъсумахон яхши, меҳнаткаш, қобил. Келиним бор десам арзигулик, одоби ҳам жойида. Аммо... шу бўш қол-

дими, ўқийверади, ўқийверади... юраккинам сиңили-иб кетади, унга қараб!». Маъсуманинг китобни кўп ўқиши ўз онаси Собира хола тилидан ҳам қайтарилади: «Маъсума ёшлигидан шундай: китобдан бош кўтармайди. Бу унга йўрганда теккан десам ҳам бўлади. Қизлик пайтида неча марталаб қўлидан олиб улоқтирганмая китобини!» Биз бу диалоглардан Маъсуманинг бир хусусиятини, яъни китобни севишни, уни кўп ўқишини онгимизга сингдрамиз. Автор буни қайта-қайта таъкидлайди. Лекин у қандай характерга ва қобилиятга эга эканлигини унча билмаймиз. Алишер буни ҳам шу икки кампир зиммасига юклайди ва улар орқали буни баёни қилади. Қурбон хола ўз сўзини давом эттиради: «Бир куни Ражаббой давладап кеч қайтиб, ҳордиқ чиқараётса, келип унга газал ўқиби. Чарчаган, ноилождан эшитиб ўтирган бола бечорани уйқу босиби. Шунга қанча аразлади-я...» Бу гапдан биз Маъсуманинг яна бир қобилиятини, яъни шеър ёзишини англаимиз. Собира холанинг гани ҳам шу мақсадга қаратилган: «Аразлашга аразлайди, лекин менга ўхшаб дарров кўзининг сувини сел қилвермайди. Сизга ёлгон, худога чин, қуда, шу қизни ўстириб, ҳали кўзидан бир томчи ёш чиққанини кўрганмасман! Эсини танибдики, бирор билан урушса, аразлайди, тумшаяди, аммо йигламайди!» Бу гаплардан Маъсума қандай характерга эга эканлиги, унинг ўзига хос хусусиятини тे-ран ҳис қиласиз. Бу ўринда сўзларнинг бир-бiri билан мантиқан боғланниши, у аниқ мақсадга йўналиши, бу йўналиш китобхон онгига кўпроқ сингиши учун такрорланишида ритмика борлиги сезилиб турибди. Мана шу ҳолатлардан сўнг ҳикоянинг асосий сюжети бошланади. Агар мана шу сюжетдан ташқари воқеа бўлмаганда асосий сюжетдан автор мақсади умуман очилмаган бўларди.

Асосий сюжет Маъсума фаолияти билан боғлиқ. Биз кўриб ўтганимиздек сюжетдан ташқари воқелиқдан Маъсуманинг кимлиги, унинг қандай характерга эга эканлиги бизга маълум. Чунки сюжетдан ташқари воқелик асосий сюжетта кўприк ролини ўтаган. Асосий сюжетда ҳам тасвир, воқеаларнинг ривожи изчил давом этади. Китоб воқеаси бу ўрища яна қайтарилади. Лекин энди олдингидек ўзганинг ахбороти билан эмас, балки бевосита характеристернинг хатти-ҳаракати орқали берилади:

«Маъсума уйига бурилаётib, Маърифатхон билан хайрлашгани орқага қаради-ю, машишадан тап-тап иргитилаётган ўт боғларини кўриб, бирдан бўшашибди: бугун ҳам ўт юлмабди! Тушлиқдан сўнгти дам олиш пайтда

Маърифатхон кетувдия ўтга, китобга қизиқиб эсидан чи-
қибди. Ана энди эшитади қайнанасининг жаврашини! Тугундаги китоб биқишига ботиб, бирдан оғирлашди. У тугунни орқасига яширди». Лекин Маъсума қайнанасидан гац эшитмайди. Чунки сюжетдан ташқарі воқеликдан маълумки, қайнанаси маъракага кетган. Агар бу ҳолат-ларга назар солинса, автор асарининг архитоникасини олдиндан ниҳоят даражада шухта ўйланганини англаш қийин эмас. Лекин мақсад яширип. Биз воқеалар силсиласидан Маъсуманинг ҳали маълум бўлмагац фазилат-ларини билиб борамиз, яъни унинг авваламбор анча гўзал эканангини, китоб ўқишига яраша диди борлигини, анча мулоҳазакор ва ҳиссиятли қизлигини, шунингдек, унинг ўз оиласидаги ҳаёти, унга бўлган муносабати ва ниҳоят бу хонадонга келип бўлиб тушиши. Мана шу ҳақида маълумот берган воқелик изчил, бир-бир билан чамбарчас болгандаги ҳолда берилганини ҳикояни бир пафас билан ўқишига имкон берган. Адиб воқеалар силсиласидан китобхонанинг бутун диққатини ўзига жалб қилиб, уни маълум бир ҳолатга солғандан сўнг, аста-секин асосий мақсадини очишга киришади. Мақсадининг асосий индаллоси ҳикоянинг дастлабки воқеалар силсиласига сингдирсан. Агар образли айтсақ, Алишер ўз идеясини воқеалар силсиласига ҳикоянинг дастлабки саҳифасидаёт ташлаган. У идеяни силсиласи оқимининг йўналишига қараб секин кузатади. Ҳикоя ўртасига борганда бу идеянинг оқими тезлашади. Демак, у юзага чиқади. Ўз-ўзидан маълумки, юзадаги нарса киши кўзига тез ташланади. Бу ҳам бўлса, Маъсуманинг ўз қишлоқ келишларидан ажраб туриши, ўта нозик қалб ва теран фикрли қиз эканлиги. Ёзувчи буни бутун ҳикоя, бутун воқеа давомида таъкидлайди. Ҳикоя эса ана шу қатънинг, гўзаллик, нафосат оламининг тимсоли бўлган билур юракнинг, тимсолигина эмас, ўзи бўлган сиймони қаттиқ ва тузалмас зарба ейши билан тугайди. Яъни қўими-озми она таъсирига берилishi, тезроқ машинага эрпилиштириёқида ҳамма нарсани унтиш даражасига етган эри Ражаббекнинг шафқатсизлиқ билан қилган муомаласи гўзаллик, эгулик, нафосатлик туйғуплик ниҳолини юлиб ташлади. Бу билан ўша муҳитда, яъни Маъсума яшаётган қишлоқда яна битта ҳаётни, яшашни фақат меҳнат қилиши, бола боқиш деб биладиган, дунёқараши, ҳисси ҳамма-ҳаммаси ўзи яшаётган муҳитга мослашиб кетган кишилариниң солини яна биттага оширишга сабаб бўлади. Адибнинг ҳикоядан айтмоқчи бўлган иияти, мақсади, бош тояси ҳам шу.

У мазкур ҳолатни күрсатиш орқали шундай ишга йўл қўймасликка ҳаракат қиласи. Бу ният, мақсад бадиийлик қобигига ўралиб, мусиқий бир тарзда берилганилиги асар қимматини янада оширган. Маъсуманинг эри Ражаббой келмасдан бурунги ҳолатни эсланг. Ёзувчи Маъсуманинг ҳолатини шундай қисқа, лўнда, зарбор жумлаларда беради. Бу биринчидан, конкретлик ҳосил қиласа, иккинчиidan, шеърий бир форма, тўғрироғи оқ шеър шаклини юзага келтирган. Бундай бўлгач, албатта, унда ритмика мавжудлиги энди ҳеч бир сир эмас. Мана тасвирга ва жумлалар тузилишига эътибор беринг: «У кўрна устида ётолмай тўлғонди. Ичи қизиди. Нимадир юрагини кавлаб ҳол-жонига қўймасди. Кўнглини бўшаттиси келарди. Ўрнидан туриб, шеър дафтарини олди. Ёстиққа кўярагини бериб, ёза кетди. Ниҳоят кўнгли ёришди, ўзини пардай енгил ҳис қилди. Вужудини ширин титроқ босди.

Қоронги қўчадан визиллаб ўтган машинанинг ёруғи тушди. Маъсума пастки лабини тишлаб, кўзларини шўх ўйнатди-да, бир варақ қоғозга ёзи:

Қирларда лолалар очилди,
Йигит-қизга гилам поёндоз.
Сизни кута бағрим эзилди,
Сиз-чи, кимга айтасиз роз?

У мазкур шеърини эрини ўқиши учун ёстиқ устига қўяди ва ўзини ухлаганга солади. Эрининг қадамини эшитиб юраги дукиллайди. Шеърни ўқигач, эрининг қиласидан муомаласини хаёлан кўз олдига келтириб, кўнгли эрийди, ширин бир кайфиятга берилади. Лекин эрига хотинининг интизорлик билан кутиши, унинг шеъри қизиқтирамайди, балки сигирнинг олдида ўт йўқлигидан бутун дунёси қоронги бўлиб, хотинига дагдага қиласи: «Падарингга лаънат сендақа хотиннинг! Сигир очидан ўлай дебди-ку! На ўт юлибсан, на уйдан бир нима топиб солибсан! Ялнайиб ётишингни қара!».

Ҳикоянинг финали гўё мусиқанинг энг авжига чиқканда торнинг узилишига ўхшайди. Тор узилса-да, унинг киши қалбига ўтказган таъсири узоқ сақланади, қулоги остида ўша дастлабки куй жаранглаб туради. Мазкур ҳикоядаги ритм ҳам шундай, у ҳам авж пардада узилади, лекин оҳанги, таъсири узоқ сақланади.

Хулоса қилиб айтганимизда, проза ритмининг конкрет формаси турличадир. Юқорида кўриб ўтганимиздек, ритмининг асар сюжет қурилишида, образлар таснифида ва уларнинг хатти-ҳаракатида, асардаги айрим эпизодик

ұолатларни, характерларнинг ғаолиятини, шунингдек, пейзажни тақрорланиб келишида, сүз қурилишида, жумаларнинг охангдошлигида, абзацлар ўртасидаги бир оҳанглик ва ички мантиқий боғланишда, асарнинг шेърий қурилишида ва умуман асар архитектоникасида күзатиш мүмкін. Лекин энг муҳими ритмни асар гармониясидан ва бадиий таркибий қисмлар уйғунлигидан қидириш лозим. Прозанинг ритми бу фақат асарнинг эмоционал таъсирини оширишга хизмат қилмайди, балки ёзувчининг услубини ниҳоятда аниқ белгилайди. Демак, ритм бу асарнинг юраги ва ёзувчи маҳоратини белгилайдиган энг муҳим бадиий компонентидир. Чунки у барча компонентлар синтезидир.

АХЛОҚ — ОДАМИЙЛИК МЕЗОНИ

Яхши асарлар китобхон қалбіда нур ёқади. Бу нур киши қалбини ғуборлардан тозалайди, ўзга бир ёруғ оламга олиб чиқади. Бу олам әзгулик, инсонийлик оламидир. У инсоннинг рухини юксакларга құтаради, ундаги иқтидорни юзага чиқишига, ривожланишига ёрдам беради, буюқ мақсадларға ундайды, унда ўзига нисбатан ишонч туғдиради. Шундан инсон ҳамиша адабиёт ва санъатдан мадад истайды. Сабаби инсон доимо бир нарса-га катта әхтиёж сезади. Бу маънавий әхтиёж. Бусиз инсоннинг ҳаёт тарзи тубанлашиб кетади. Албатта, инсоннинг дүнәқараши, инсоний фазилатлари фақат адабиёт ва санъат орқали шаклланмайди. Бу дүнәқарааш вә фазилатлар аввало ижтимоий муҳитда, меҳнатда таркиб топади. Лекин адабиёт ва санъатнинг инсонга таъсири шундай бўлиши мумкинки, оқибатда у ўз умри давомида таркиб топган ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириб, тамом бошқача фикрловчи, бошқача характеристи инсонга айлантириб юборади.

Ҳақиқиي бадиий асар ҳамиша ахлоқ масалаларини акс эттиради. Буюқ рус танқидчиси В. Г. Белинский шундай деб ёзганди: «Таълим ва тараққиётнинг турлари кўп, уларнинг муҳим бўлмагани йўқ, аммо ҳаммасидан кўра ахлоқ ий таълим музимро қидир. Таълимнинг бир тури сизни олим қиласи, иккинчиси юқори табақа даражасига құтаради, учинчиси ҳарбий, сиёсий ва ҳожазо арбоб қилиб етказади: ахлоқ ий таълим эса сизни оддий инсон қилиб етказади» (Курсивлар — бизники) Бундан кўриняптики, ахлоқ мааласи ҳамиша ёзувчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Чунки давр ўзгарган сари одамларнинг

ахлоқий қарашлари, муносабатлари ҳам ўзгариб боради. «Октябрь революцияси туфайли туғилған инсоннинг ахлоқи ҳам шаклланиб, мұккаммаллашиб борган сари умум-инсоний идеалға яқинлашиб борди. Ахлоқимиз жамиятимиз ривожи, увинг янги-янги ютуқдарини құлға киритиш, янги босқичларга күтарилиш жараёнида қанчалик етук булиб борса, умуминсоний ахлоқий идеал ҳақидаги тасаввуримиз ҳам шунчады маънодор, мазмунли, улуғвор булиб боради, биз бу идеални янада равшан, яна, ^{тә} ёрқи, янада аниқ тасаввур этамиз. Бу эса, ахлоқий тарбия олдига уни янада етуклиқ, мұккаммаллик даражасига олиб чиқиши юзасидан янги-янги вазифалар құяды»¹.

Хозирги кунда бизнинг бирдан-бир мақсадимиз инсонпарвар, демократик давлатни баршо қилиш. Маълумки, бундай давлат ўз-ўзидан юзата келмайди, уни янгиша қарашдаги инсон вужудға көлтиради. Шундан бугунги кун совет адіблари ўз асарларida социализмнинг ахлоқий принципларини кенг ёритишни, халқ ҳаётида рүй берәётган ўзгаришлар ва жараёнларни чуқурроқ акс эттириш, яратувчи-инсоннинг ҳиссият оламини, руҳий дүнёсини эпик күламда очиб беришга эътиборларини кучайтириш-япти. Худди шу талаб даражасида бир талай асарлар ёзилдики, улар китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди. Булар В. Тендряковнинг «Нотекисликлар», Тқаченконинг «Ўттиз етти ва уч», В. Распутиннинг «Оқим бўйлаб, қўйига», Д. Грининнинг «Ёт ўлқадаги ёмғир», В. Кавериннинг «Кўзгу қаршисида», Ю. Трифоновнинг «Алмашши» каби асарлари ва бошқалардир.

Ўзбек адабиётида ҳам бу борада тилга олса арзийдиган асарлар ёзилди ва ёзилмоқда. Буларга Улмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романини, Одил Еқубовнинг «Қанот жуфт бўлади», «Матлуба» повестларини, Мирмуҳсиннинг «Умид» романини ва бир қатор ёшларимизнинг асарларини, хусусан Шукур Холмпрзаев, Ўткир Ҳошимовларнинг ҳикояларини кўрсатиш мумкин.

Ўткир Ҳошимовнинг поми кўпдан китобхонларга маълум. У ҳаётдан ўзига энг мухим мавзуни таплаб олган, яъни майиший-ахлоқий мавзуни. Кези келгандан шуни айтиб ўтиш лозимки, айрим адабиётшунослар бу мавзуни майда ҳисоблашади. Лекин бундай фикр билдиришганда улар икки нарсани ҳисобга олишмайди. Биринчидан,

¹ M. Хайруллаев. Сўз санъати ва ахлоқ. «Шарқ юлдузи» журнали, 2-сон, 1968.

адабиётда мавзунинг майда-йириги бўлмайди, иккинчидан, чинакам бадий асар ҳамиша ахлоқ муаммоларини акс эттиради. Ёзувчи ҳозирги кунда биз йирик мавзу деб ҳисоблаётган катта ГЭС қурилиши ёки янги ерни ўзлаштираётганлар, у ерда қурилишда ишлаётганлар ҳақида асар ёзиши мумкин. Бироқ бу темада ёзилган асар воқеалари ҳаётнинг умум масалалари билан узвий боғланган ҳолда ёритилмаса, ўша ерда меҳнат қилаётган одамларнинг орзу-умидлари, ҳис-туйгулари, кунлик ҳаёти чуқур инкишоф қилинмаса, бундай асарни йирик мавзуда ёзилган деб бўлмайди. Демак, асарнинг бадий мукаммаллиги, аҳамияти қандай мавзу қаламга олинганлиги билан эмас, балки шу қаламга олинган мавзуни қандай ёритиб берилганлиги, уни ҳаёт зиддиятлари, жамиятнинг умум масалалари билан қандай боғланганлиги, муҳими инсон камолотига қандай таъсири борлиги билан белгиланади. Ҳозирги давр адабий жараёни ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу масъулият шундан иборатки, ижодкор қайси мавзуда ижод қилмасин, унинг ижодий маҳсули умум жамият масаласидан ажраб қолмаслиги, асари орқали илгари сурган гояси инсон тарбиясига қаратилемоги, унинг онгига таъсир қилиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга солмоги, хулласи инсонни эзгулик сари етаклайдиган бўлмоги даркор.

Ўткир Ҳошимов ижодида биз худди шу ҳолатни қўрамиз. Унинг қайси бир асарини, ҳатто бир кичик ҳикоясини ўқимаңг, ундан ўзингизга тегишли хуоса чиқарасиз, ўйлайсиз, хаёлга бериласиз, янгича бир ахлоқий қарашга, муносабатга эга бўласиз. Мана, унинг «Нимадир бўлди» ҳикоясини олиб қўрайлик. Ҳикояда икки оила ҳаёти, яъни Азимжон билан Гулчеҳра, Нозима билан Файзулла оиласи қаламга олинади. Азимжон билан Гулчеҳра ўз нешана терлари билан ҳаёт кечиришади. Улар бирорвга ҳасад ҳам қилишмайди, дўстларининг ютуғидан қувонади. Нозималарнинг машина олишганидан Азимжон ҳам хурсанд. Икки оила «Жигули»га ўтириб дам олгани чиқади. Лекин йўлда Нозиманинг эрига муносабати Азимжонни анча ноқулай аҳволга солади. Кейинчалик бунинг сирини билади. Машинани Нозиманинг кўмир омборида ишлайдиган акаси олиб берганлигини, Нозима шундан эрига қўпол муомала қилаётганидан ранжийди, Файзуллага ичи ачиди. Бироқ Файзулла билан суҳбат қургач, умуман бу оиласдан кўнгли қолади. Улар билан дам олгани чиққанидан қаттиқ ўқинади. Чунки Файзулла ўз гапидан ўзини ва унга раҳбарлик қилган домланинг маънавий

қиёфасини очиб беради. Мана Файзулланинг олим бўлидан, тўғрироги, диссертация ёқлашдан мақсади: «Баъзан шунаقا одамлар учрайдики, қобилияти бўлса ҳам, бўлмаса ҳам диссертация ёқлаб олишни кўзлайди. Биласизми, нега? ...Шунинг учунки, бир куни ишим орқага кетганида, барибир икки юз сўм ойлигим тайин бўлади-ку, дейди. Домласи ҳам шунинг учун бурнини ишқаб, ўз фойдасига эшакдай ишлатади». Файзулла бу фикри билан ўзгаларни қораламаяпти, балки ўзининг маънавий қиёфасини очиб бераяпти. Азимжон бу суҳбатдан сўнг аптекада навбатчи эканлигини баҳона қилиб шаҳарга қайтади. Чунки унинг қалбида нимадир юз берди, яъни ўзи дўст деб билган одамлар ҳаётидан, жамиятдан мумкин қадар юлиб қолиш, унинг эвазига ҳеч нарса бермаслик тарафдори бўлган кишилар эканлигини қалбдан ҳис қилади. Бундайлардан Азимжон нафратланади. Бу нафрат китобхонга ҳам кўчади. Чунки Файзулланинг хатти-ҳаракати кишига ёқмайди, яъни эстетик эҳтиёжига мос қўлмайди, унинг ҳаракатлари «хунук» эканлигипи дилдан ҳис қилади.

Ўткир Ҳошимовнинг «Одам овози» ҳикоясида ҳам ахлоқ масаласи жиiddий қўйилган. Ҳикояда Мастира холанинг уйи катта, ҳовлиси кенг бўлишига қарамай ўғли Йўлдошли секция олиб кўчиб кетади. Аввалига тез-тез келиб туради. Кейинчалик кам қатнов бўлиб қолади. Лекин Мастира хола ўғлининг бу килмишидан ҳеч кимга нолимайди, ақсипча тез-тез келиб турибди, ҳозир Йўлдошли келиб кетди, деб ёлғон гапириб, ўғлининг номини улуғлаб юради. Мастира хола ёлғизликдан сиқилади, охири уйига талабаларни киргизиб олади. Мастира хола ҳикояда ўғли Йўлдошлини қанчалик ўзгаларга яхши қилиб кўрсатишга уринмасин, китобхон Йўлдошли қилмишини қаттиқ қоралайди. Чунки унинг бу ҳаракати инсоний ахлоқ қопдасига мос келмайди. Совет кишисининг, бугунги кун одамининг маънавий қиёфасини белгиламайди. Ҳикояда онага, ёши бир жойга бориб қолган аёлга хос психология ғояти ёрқин деталларда берилганки, бу эса ҳикояга чуқур ҳаётийлик багишилаган.

Биз ҳаётда инсонларга баҳо берганда кўпинча, деярли доим бир куринишдаги таассуротимиз асосида баҳо берамиз, у ҳақда хulosса чиқарамиз. Ваҳоланки, бу унчалик тўғри эмас. Инсон қалби, унинг руҳий дунёси шундай бир жумбоқки, киши йиллаб яшаб туриб ҳам бу жумбоқни ечолмаслиги мумкин. Ўткир Ҳошимовнинг «Уч хил одам» ҳикоясини ўқир эканмиз, бу гапнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз. Инсоннинг энг юксак фазилатла-

ридан бўлган кўнгилчанлик, бирорга шафқатли бўлиш туйғуси ўз ўринда қўлланмаса, бу туйғу ҳаётда яхшилик уруғидан кўра, ёмонлик уругини қўлпайишга хизмат қилиши мумкинлигини бир ички ҳиссият билан сезамиз ва ўзимизниң фаолиятимиз хамда туйғуларимизни бир тўхтамга келтирамиз. Искандар мана шундай ўзидағи шафқат туйғусини ўринли, керакли одамга ишлата олмаганини учун ўзи қаттиқ лат ейди. Анварнинг кўксидаги конни кўриб, ундан раҳмдиллик туйғуси жўш уради. Кўксидаги қонга қарамай унга қаттиқ гапираётган врач Олимбоев унинг кўзига жуда ёмон одам бўлиб кўриниб кетади. Анварга тез ёрдам қўрсатмаганидан уни шафқатсизликда айблаб, у билан тортишади. Ундан инсонийлик туйғуси Анварни безори бир бола эканлигини билгандан кейин ҳам сўнмайди. Чунки Искандар гуманистик жамият авлодининг типик вакили. Унинг онги, дунёқараши умумисоний ахлоқ билан йўғрилган. Аняварнинг «чиғирткадай озғин, қоп-қора» онасининг илтижоларни Искандарга қаттиқ таъсир қиласди. Унинг қалбида бир нишо тугилади, яъни Анварни тўғри йўлга солип нидоси. Искандар бунга қаттиқ киришади, Анвар унга ишлашга ваъда беради. Лекин ишлашга ваъда берган йигит кўп ўтмай яна Искандар билан учрашиди, тўғрироғи Искандарнинг ўзи унга рўпара бўлади. Анвар картада ютган болани уришга чоғланаётганда Искандар бориб қолади. Оқибат шу билан тугайдики, яқинда операциядан чиққан Искандар, Анвар тепкисидан яна кайта операция столига ётади, лекин бу сафар анча жиддий. Уни дарддан аввал ҳам ўзи шафқатсиз деб билган Олимбоев халос қилганди, бу сафар ҳам Искандар ҳаёти учун Олимбоев курапади. Хикояда биз уч хил оламини, яъни уч хил ахлоққа эга кишиларни кўрамиз. Уларнинг тутган иши бизнинг ахлоқий онгимизни, қарашларимизни, хулкимизни бойитади. Уткир Ҳошимовнинг «Ташониф», «Янга», «Тераклар япроқ ёзди» ва бошқа асарларидан ҳам бу масала жиддий тарзда интишоф этилганни учун социал мазмун касб этган.

Ахлоқий мавзу фақатгина инсоннинг яхши ғазилатларини қайд қилиш билан белгиланмайди, балки инсонни меҳнатга бўлган муносабати, ҳаёт зиддиятларини кенг тушувишда, муҳими халқ ишига муносабати, жамиятнинг равнаки йўлда катта ғояларга хизмат қилиш қобилиятида кўринади. Чунки ўзга инсонга таъсир қилиш учун, одамнинг қандайлигини билиш учун унинг меҳнатсеварлигини, ростгўйлигини, соғлигини ва бошқа хислатлари-

ни очиб беришликни ўзи кифоя қилмайди. Чунки одамнинг ҳар бир ҳаракатини, бутун фаолиятининг мураккаб йиғиндисини фақат ахлоқий қаравши нуқтаи назаридан баҳолаб бўлмайди. Бугунги замондошимиз бутун инсоният тинчини, унинг камолатини кўзлаб яшайди ва меҳнат қиласиди, у қилган меҳнатнинг самаралари келажак авлодга қолади. Мана шудай инсоннинг етук образини яратиб берган адаб, ўз навбатида юксак ахлоқий қонунқоидаларни кўрсатиб берган бўлади. Чунки бундай инсонда кишига ибратли бўлган ахлоқ меъёрлари мужасасамдир. Бизнинг ўзбек адилларимиз ҳам шундай замондошимиз образини яратмоқдалар. Шундай образлардан биро Асқад Мухторининг «Бўронларда бордек ҳаловат» асаридаги Заргаров образидир. Умуман олганда Асқад Мухтор асарлари уфқининг кенглиги, муҳимлиги, фалсафийлиги, давр нафаси билан сурорилганлиги, қаҳрамонларининг қалб диалектикаси чуқур очилганлиги ва характеристининг мураккаблиги ҳамда кўп қирралилиги ила бошқалар ижодидан ажralиб туради. Асқад Мухтор қаҳрамонлари тиниб-тинчимайди, қаерда қийин иш, ҳал бўлмайдиган масала бўлса, ўша ерда ҳозир. Улар ҳамишта улуғ мақсад сари интилишади, жамиятга кўпроқ нафи тегишга ҳаракат қилишади. Унинг «Бўронларда бордек ҳаловат» асарида ҳам шу ҳолни кўрамиз. Асарнинг уфқи кенг, кўп проблемали, бош қаҳрамон Заргаров худди юқоридаги санаб ўтганимиз каби хусусиятларга эга.

Заргаров гоятда мураккаб ва масъулиятли ишга тайинланади, яъни «Қумтов»даги олтинни ўзлаштиришга. Бу ишининг қийиплиги шундаки, объектда фақат «саҳро бор, пул бор, ният бор», ишчи қучи йўқ, йўл йўқ, турар жой йўқ. Лекин бу нарсаларнинг бирортаси Заргаровни чўчитмайди. Чунки у ўзига ишонади, ўзига нисбатан ишончи катта. Ҳаётдан бизга маълумки, кимки ўзига нисбатан ишончи кучли бўлса, ҳар қандай шароитда, вазиятда ўзини йўқотиб қўймайди, у ўша ҳолатни, вазифани тўгрп белгилай олади. Асарни ўқиган сари Заргаров кўзимизга улуғвор, қудратли, қўлидан жуда кўп иш келувчи, кўп нарсага кодир, юксал продали инсон эканлиги сезила бошлайди. Бунга сабаб адаб унинг иқтидорини, ички билқувва кучини асар сюжети ривожида очиб берганилигидадир.

Заргаров одамлар тақдири, уларнинг келажаги, турмуши ҳақида қайгуради, унинг бутун меҳнат фаолияти инсонлар фарновонлиги, баҳти, тинчига қаратилган. Унингча, одамнинг чиқипдиси йўқ. Умуман ҳаётда ёмон одам йўқ.

Емон характерли одам бор. Одамнинг характери эса унинг қандай тарбия тошшига боғлиқ. Заргаров учун биринчи тарбия ўчоғи меҳнат ва колектив. Заргаров бирор ишга кўйл урганда ўн-ўн беш йил муддатни кўзламайди. Унингча, ишни шундай бошлаш керакки, у умр боқпий бўлсин. Шундан саҳронинг ўзлаштиришдаги аввалги режаларига карши чиқади, маълум муддат режа бажарилмаса ҳам иш бошдан пишиқ, пухта бўлсин дейди. У саҳрони комплекс ўзлаштириш фикрини ўртага ташлайди. Шу ўринда бир нарсани қайд қилиб ўтиш лозим. Бу ҳам бўлса Асқад Мухторнинг давр, партия талабини чуқур тушунишини, тўғрироғи давр, хаёт билан ҳамнафас эканлигини. Чунки ҳар бир ишга Заргаровча ёнданниси бу замон талабидир. Сўзсиз, Заргаровнинг бу таклифлари қаршиликка учрайди. Езувчи худди мана шу воқеа воситасида бошқа бир масалани очиб беради, яъни раҳбарликка фақат юқоридан келган буйруқни ўз вақтида бажарадиган, графикни бузмайдиган, кипиларниг сайланиши. Адид бу билан жамиятимиз иллатларини фош қилган. Гупдан кўрипадики, Асқад Мухтор ҳозирги кунда турғулилек даври иллатлари деб тилга олиниётгани камчиликларни ўз вақтида сеза олган ва унга жамоатчилик диққатини жалб этгап. Унинг «Бўронларда бордек ҳаловат» қиссанинг аҳамияти худди мана шу нарса билан ҳам белгилапади.

Совет кишисининг ғазилати ижтимоий меҳнат билан омухта ҳолда тасвирланган асарлардан яна бири Пиримкул Қодировнинг «Мерос» қиссанидир. Меҳнат мавзуи адабиётда янги ихтиро қилинган мавзу эмас, унинг маълум анъаналари бор. Ўтмишда оғир зарурат ва турмушнинг таҳқири бўлса, ҳозирги кунда унинг моҳияти бутунлай ўзгарган. Бизнинг давримиздаги меҳнат инсон қиёғасини ўзгартиради, уларнинг юқсак даражада ахлоқий етуклик кашф қилишларига кўмак беради. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат кипти иқтидорини намойиш қилишга имкон берадиган, орзу-умидларини рӯёбга чиқарадиган воситадир. Пиримкул Қодиров ўз асарида меҳнатнинг худди шу хусусиятларини кўрсатолган. Асарни «Мерос» деб номлашибиши рамзий маънога эга, яъни катта авлоднинг ҳалқ фаровонлиги йўлида фидокорона қилган меҳнатни ўзидан кейинги авлодга қолади деган маъниода. Асарнинг бош қаҳрамони прототипга эга, яъни асарга машҳур пахтакор Мамажон Дадажонов ҳаёти ва баолияти асос қилиб олишган. Бошқача қилиб айтсак, Ёлқин Отажоновнинг сиймоси, унинг тутган иши Мамажон Дадажоновнинг қиёғасидан ва унинг бажарган ишларидан андо-

за олииган. Адид ўз мақсадига бош қаҳрамон Әлқин Отажоновнинг шакл-шамойшлини бутун борлиги билан очиб берини орқали ёришиади. Унинг хатти-ҳаракати орқали адид ўз гоясими, пятини илгари суради. Бу ҳам бўлса, инсоннинг номини агадийлаштирадиган нарса эл учун, уларнинг манфаати, фаровонлиги учун қилинган меҳнати деган хулосаки, у поэтик тарзда берилганинигдан килига таъсири каттадир. Шу гапнинг ўзи ҳам асар қитмматини белгилайди. Чунки бу гап эзгуликка хизмат қиласди. Нимаики эзгуликка хизмат қиласа, унинг аҳамияти бештҳоядир. Лекин Пиримқул Қодиров асарида фақат шу хулосачнинг ўзини ифодалаб қолмаган, балки бир қатор бошқа муаммоларни ҳам ўртага ташлаганки, бунинг ҳар бири шу куннинг талабидир. Шулардан бири ва муҳими кишлек аҳлиниг маданий турмуши, маданияти ҳамон шаҳарга қаратаганда настлигини очиб берини орқали одамларнинг диққатини унга жалб этиши ва унинг чора-тадбирларини белгилаш. Бироқ, бу нарса асарда тўлиқ очиб берилган деб айти олмаймиз. Адабиётнинг вазифаси фақат бажарилган ишларни тасвирланти эмас, балки амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ҳам қаламга олишдан иборат. Нимагадир Пиримқул Қодиров мазкур асарида кўпроқ ўталган ишларни тасвирланти билан чекланган.

Худди мана шундай ахлоқий муаммоларни меҳнат билан боғлаб тасвирланган асардан яна бири Ҳамид Ғуломининг «Бинафша атри» романидир. Асар кўп планли. Унда жуда кўн ҳаётий масалалар қўйилган, яъни инсон баҳтга катта кураш орқали ёршиши, бу кураш баҳтга ёринигуича эмас, балки бир умр бўлиб, ундан сал бўлса-да, чекинни баҳтини ўз қўли билан йўқотиш эканлиги апча дуруст ифодаланигац. Автор буни ҳаётий лавҳаларда реал шахслар мисолида ишқиюф қиласиди, натижада баҳт тушунчаси яна да кенгайиб боради. Бу оса ўз навбатида романда қўйилган проблемаларниг уғқини кепгайтиради. Адабининг яна бир ютуғи шундаки, унинг қаҳрамонлари меҳнаткани кипилар, меҳнатда тобланганлар, энг муҳими ўз шахсиятини эмас, умум инсон баҳтини, уларнинг фаровонлигини ўйладиган, бу йўлда ҳар қанақа кийинчиликка чидаш берадиган шахслар. Улар паҳтадан мўл ҳосил олини учун, халқ турмушини яхшилаш учун жуда кўн иш қиласидар. Улар бирорлар бошлаган ишни давом эттиришмайди, балки биринчи бўлиб бошланади, яъни шўр ерларни ўзланитириб, уни япил денигизга айлантиришади. Биз уларнинг бажарган ишида, тутган

режаларида бугунги кун нафасини, шабадасини сезамиз, хис қиласиз. Адид юқорида айтганимиздек инсоний фазилатни меҳнатдан ажратиб тасвирламайди. Шунинг учун асар қаҳрамонларининг характери мураккаб. Мана Аҳмаджон. У меҳнатдан қочмайди, кечалари далаларда қолиб кетади, ўзи трактор минади, ҳосил учун ўз аъзолари билан баробар тер тўқади. Лекин унинг қалби ҳаётнинг майда иллатларидан ҳоли эмас, шундан у хотинипи рашик қиласи, ундан шубҳаланадп. Бу шубҳа кўнглини кемприб, оқибатда ўзи ахлоқспазлик қиласи. Пировардида ўз баҳтидан айрилади.

Адид Дилдор ва Нафиса образларида ҳам ҳаётий ахлоқ меътидаги инсон қандай бўлишлигини кўрсатиб берган. Бу образлар орқали адид аёлларни ўз қадр-қимматини қадрлашга ундейди. Чунки ҳаётда ўз ирода ва иқтидорига ишонган, ўз қадрни билган аёлларни ҳамма ҳурмат қиласи, бирор ёмон фикр айтишга журъат этмайди. Асардаги икки аёл — Дилдор билан Нафиса ўз шахсини қадрлай биладиган, соғ виждонли пок аёллар. Ўзлари шундай бўлгача, улар ўзгалардан ҳам шундай бўлишини талаб қилишади. Шундан Дилдор Аҳмаджонга гарчи севиб турмушга чиқсан қадрлай билса-да, унинг қилмишини ўзига нисбатан қаттиқ ҳақорат деб билади, уни кечирмайди. Нафиса эса Азизни ўз севгиси учун курашимай томошабин бўлиб турганлигидан қаттиқ ранжиди. Унинг бу қилмишини қалбидан чиқаролмайди. Бундай фазилат ўз шахси ни юксак қадрлай оладиган, пок дил, журъатли, фаол аёллардагина бўлади. Дилдор билан Нафиса ана шундай аёллардан. Уларнинг бу ахлоқий қарашлари ўз тенгдошлирига кўп нарса беради, уларнинг фаоллигини оширади, ахлоқий тарбиялайди. Шунингдек, романдаги Хонкелдиева, Карим, Аҳмаджонларининг хатти-ҳаракатлари ҳам кишига ўз турмуш тарзига, ҳаётдаги фаол ҳаракатига, атрофдаги одамларга «очиқ кўз» билап қарашга ундейди.

Асарнинг яна бир ютуғи шундаки, унинг қаҳрамонлари бир схема тарзида яъни «оқ» ва «қора» қиллаб тасвирланмаган, балки ҳаётий, реал писон сифатида инкишоф этилган. Шу туғайлп асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракатлари, фаолияти, шахсий ва интим дунёсининг таъсири, тарбиявий аҳамияти каттадир. Чунки кипти ишонган нарсасигагина эътиқод қўяди.

Ҳаётда ахлоқ чегараларини билиш, сезини, ижтимоий муносабат ва инсон ҳаракати ўртасида ҳар доим муайянлик бўлмайди, улар ўртасида тез-тез шундай ихтилофлар туғилиб турадики, бу зиддиятлар замипида кўпинча жуда

кatta ҳаёттй мұаммолар ётади. Шундан ҳам күп асарларимиз конфликтини одоб-ахлоқ ва инсонийлик масаласи ташкил этаётгани бежиз әмас.

Хөзирги кунда инсонни атроф-мухитга, табиатга, мұносабати, шунингдек, табиатда зоти йүқ бўлиб кетаётган ҳайвон ва паррандаларни сақлаб қолиш масаласи бутун инсоният дикқат марказидаги масаладир. Бу борада совет адабиётида анча катта ишлар қилинди, яъни қатор асарлар вужудга келди. Худди шу мұаммо мұносабати билан адабиётга янги бир нбора ҳам кириб келди, яъни қишлоқ мавзуси. Бу каби асарларга В. Распутиннинг «Оқим бўйлаб, қўйига», В. Граниннинг «Ёт шаҳардаги ёмғир», В. Каевиннинг «Кўзгу олдидা», В. Фоменконинг «Замин хотираси» каби асарларини қайд қилиш мумкин. Мазкур асарларда инсоннинг табиатга яқинлашиши, унга муносабатини тасвирлаш орқали юксак ахлоқий қарашлар иншиоф этилган. Бизнинг ўзбек адабиётида ҳам бу мавзуда баҳоли-қудрат ижод қилингани. Масалан, бу мавзудаги асарларга Шукур Холмирзаев ва Раҳим Бекниёз ҳикояларини кўрсатиш мумкин.

Шукур Холмирзаев ҳикояларини ўқир эканмиз қалбимизда қандайдир бир туйғу ҳукм суради. Бу туйғу ўз юртига, табиатига муҳаббат, қалби пок, ҳалол, ўз вижденига қарши килча бўлса ҳам қарши иш тутмайдиган одамларнинг амал қилган ишига тасанио қилиш ҳиссилер. Шукурнинг «Қулган билан қулдиргап» ҳикояси бор. Бу ҳикояда у инсоннинг табиатга бўлган мұносабати орқали икки ахлоқни кишига намуна тарзида очиб беради. Табиёт ўқитувчиси Эҳсон тоққа қор қалин тушгани сабабли донсиз қолган қушларни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун совхоз директори Эшқувватовдан дон сўраб боради. Ҳикояда шу воқеанинг ўзи баён қилиб берилмайди, ёзувчининг мақсади ҳам бу әмас. Мазкур воқеа асосида инсоннинг ички дунёсини иншиоф этиб, унинг қаидай одам эканлигини. яъни кандай ахлоққа эга эканлигини фоп қилишдир. Шукур Холмирзаев бу борада ўзича йўл тутади, яъни айрим ёзувчиларга ўхшаб инсоннинг яхши ёки ёмоилигини куруқ баён қилиб бермайди, балки хатти-ҳаракати орқали ифодалайди. Натижада ҳикоя қаҳрамонијинг қандай инсонлигини китобхоннинг ўзи белгилайди. Мазкур ҳикоя қаҳрамони Эшқувватов гап-сўзидан, иш тутишидан ҳалқ ишига жон куйдирадиган, ўз тириқчилиги ғамидал юксакроқ ташвишлари бор одамдек туюлади, кишига. Аслида эса унинг тамом акси. Бу ҳолни китобхон ҳикояни ўқиш давомида билиб олади. У ўқитувчи Эҳсон-

нинг илтимосини ўз руҳий олами, мезони билан ўлчайди, яъни шунчаки ғалла сочиш баҳонасида бир ов қилиш деб билади. У ҳатто Эҳсоннинг галланипг ҳаммасини олиб бориб сочишига ҳам шубҳа қилади. Эҳсон куни билан қушларни ҳалокатдан қутқариб қолиш йўлида дарама дара юриб, қорларга кўмилиб, минг азобда қайтиб келиб, энди совуқдан тараша бўлиб қолган кийимларини ечиб турганда, Эшқувватовнинг шофёри директор чақирияти деб олиб кетади. Эшқувватов уни кўтарар экан, «Ов бароридан келдими» деб сўрайди илжайиб. Эҳсон буни ўзича тушуниб «Барроридан келганда қандоқ! Жониворлар менинг келишимни кутиб турган эканми, камардан чиқмасимдан «тур» ёпирилдия! Жуда олқаб қолди-да... Сизниям ўртоқ Эшқувватов» деб жавоб беради. Эшқувватов учун бу гаплар аҳамиятсиз, чунки унинг мақсади Эҳсондан каклик олиш. Унга дон бериши ҳам шундан. Эҳсоннинг ҳеч қанақа каклик олиб келмаганига сира ишонмайди. Бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмайди. Охири бўлмагандан кейин у шундай дейди. «Хўп бўлмаса, шу икки центнер бугдой ҳақига бешта каклик беринг!. Адиб қаҳрамонлари ҳақида ҳеч нарса демайди, бирортасинилг қилмишини қораламайди ҳам, оқламайди ҳам. Лекин шунга қарамай китобхоннинг Эшқувватовга иисбатан нафрати қўзгайди, чунки унинг қандай инсон эканлиги хатти-ҳаракатида кўринади. Унинг айтган ҳар бир сўзи ўзининг қиёфасини очиб беради. Негаки, киши қайси бир нарсага ўз фикри, мулоҳазаси билан ёндашса, у ҳақда ўзича хулоса ясаса, бу нарса хотирасида узоқ сақланади, шунингдек, унинг ўзига ўтказган таъсири ҳам кучли бўлади. Шукурнинг аксари ҳикояларида мана шундай ахлоқий қараш, одамийлик ғояси илгари сурилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Раҳим Бекниёзнинг бир қатор ҳикоялари, айниқса, «Сеҳрли дунё» тўпламига кирган ҳикояларида инсонни табиат оламига яқинлаштиради, табиатни қадрлашга ундейди. Бу жиҳатдан, айниқса, «Ҳаво йўли», «Дерсу узала изидан» каби ҳикоялари ибратли. Лекин унинг қўпчилик ҳикоялари заминида табиат қўйнига чиқишдан мақсад ов қилиш, яъни ўлжани қўлга киритишдан иборат деган ғоя чиқиб қолганки, албатта, бу фикрни ҳозирги кунда оқлаб бўлмайди. Чунки бундай ғоя табиатни муҳофаза қилишдан кўра, уни йўқотишга хизмат қилади. Раҳим Бекниёзнинг қўпчилик ҳикоялари гўё янги ўрганувчи овчига қўлланмадай бўлиб қолган.

Адабиётда ҳар қандай масала ижодкорлар томонидан чуқур бадиий таҳлил қилинса, унинг табиийлигига эъти-

бор берилса, муҳими авторнинг ўзи кўтарган масалага изчил ёндашса, қаҳрамонларнинг ўзи мақбул деб билган ахлоқий қарашларига, хатти-ҳаракатларига кишини ишонтира олса, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати вазиятдан мантиқий келиб чиқсагина асарнинг тарбиявий аҳамияти ошади, кишига ўтказадиган таъсири кучли бўлади. Лекин ўзбек адабиётида барча ёзилган асарларни мана шу талабда ёзилган деб айтольмаймиз. Шундай асарлар мавжудки, улар кишини эстетик жиҳатдан камол топтириш, маънавий юксалтириш, ахлоқий қарашларини етуклаштириш ўрнига киши дидини ўтмаслаштиради. Бундай асарлар, айниқса, муҳаббат мавзуига бағишланган асарларда учраб туради. Бизга маълумки, муҳаббат кишини ахлоқий тарбиялашда, давримиз кишисининг барча фазилатларини мужассамлаштирган ажойиб инсон қилиб етказишда муҳим омил ҳисобланади. Чунки «муҳаббат фақат таъбан яқин бўлган икки зотнинг ишқи бир-бирига қовушиб, интиҳосиз завқ топиндан» (Белинский) ташқари, инсоннинг табнат инъом этган ички истеъодидига таъсир қилиб, уни «қўзғатиш», бу орқали «мўжизалар» яратиш хусусиятига эга. Бизнинг жамиятимиз одами шахсий баҳтини умум баҳтида кўради. Негаки бизнинг тузумимизнинг ўзи шундай тузилган. Ижтимоий мағфаат, вазифалар билан боғланмаган, улар билан уйғунлашиб кетмаган, кишиларнинг ўз гражданлик бурчини, вазифасини бажаришдан четга тортувчи ҳар қандай севги-муҳаббат туйгуси том маъноси билан гайри ахлоқий муҳаббатдир. «Агар — деб ёзган эди В. Г. Белинский, — ҳаётимизнинг бутун мақсади бизнинг шахсий баҳтимиздангина иборат бўлганда, шахсий баҳтимиз эса биргина муҳаббат билан тугаганда эди, у вақтда ҳақиқатан тобутлар ва шикастланган қалблар билан тўлдириб ташланган зимистон бўшлиқ бўлар эди, бу дўзахнинг ваҳимаси олдида шиддатли Данте даҳоси чизиб берган ер дўзахи поэтик образларнинг ранги ўчиб кетган бўлар эди»¹.

Киши бирорвга ўз таъсирини ўтказар, уни таъсирига тортар экан, аввало унинг ўзида ўзгага ўрнак бўладиган бирор хусусият бўлиши керак. Уни шу ўзидаги ўрнак бўладиган фазилатни бирорвга ўтказа олишига кипи ишонмоғи ҳам даркор. М. Саломоннинг «Иқрор», «Севги тори» қиссаларини ва ҳикояларини, Ёқубжон Шукуровнинг «Қалб қаноти» романини, Мақсуд Қориевнинг «Жийда гуллагапда» қиссасини, Туроб Акбархўжаевнинг ҳикоя-

¹ Кўчирма А. Қўлжоновнинг «Замон ва замондошларимиз» китобидан олинди. Т., 1963, 129-бет.

ларини ўқир экансиз, очиқча эътироф этганда вақтингизга ачинасиз. Чунки унда кишининг энг юксак туйғуси, юқорида айтиб ўтганимиздек кўп нарсага қодир муҳаббати бачканалаштириб, мазкур туйгуни ожиз қилиб тасвирлашган. Асадаги воқеалар кишини ишонтирмайди, қаҳрамонлар ҳаётий мантиқ билан эмас, муаллифларнинг истаги билан ҳаракат қилишади. Албатта, кишини ишонтирмайдиган асарнинг таъсир кути, тарбиявий аҳамияти ҳам бўлмайди.

Муҳаммад Саломнинг номи китобхонга таниш. У асоссан насрда ижод қиласиди. Бир қатор қиссалари босилган. Улардан бири «Икрор»дир. Асар яхши бошланган. Қисса бошланмасида қаҳрамонлари жонли, ҳаракатда кўринади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам ёшига мос. Шавкатнинг Мавжудага хат ёзиши, Мавжуданинг ўртоқларини адатириб синфга қайтиб келиши, Орифнинг тажриба участкасида Мавжудани йўлдан уриш учун айтган гаплари ҳаммаси ҳаётий, ишонтириш кучига эга. Агар янада ойдинлаштиromoқчи бўлсақ, асар қаҳрамонларининг мактаб давридаги ҳаёти ишонарли тасвирланган. Бу ўринларни берилиб ўқийсиз. Бироқ қаҳрамонларининг мактаб қучоғидан чиқиб, ҳаётга йўлланма олган ўрнидан бошлаб асадарда тасвирланган воқеаларни ҳаёт мантиқига солиштириб, китоб ҳошиясига наҳотки шундай бўлса деган савол билан сўроқ белгиси қўя бошлайсиз. Асар сюжети шундай: Мавжуда билан Шавкат бир-бирини севишади. Уларнинг мақсади, ўй-фикри ҳам бир. Келажакда агроном бўлишмоқчи. Шу орада практикант Ориф пайдо бўлиб, қизни йўлдан уриб, ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлади. Шавкат бундан хабар топиб Мавжудани бу йўлдан қайтаради. Лекин Мавжуда ўз билганидан қолмай, ёлгиз онаси бўлишига қарамай ҳеч қаршиликсиз бир ўзи ўқишга кетади. Шавкат кўп асарларда тасвирлангандек қишлоқда қолиб, далага ишга чиқади. Хуллас, то тўй жараёнига қадар тасвирланган воқеалар сизга таниш. Бундай тасвир кўпчилик асарларда учраганидан унга шуурсиз, шундай кўз югуртириб кетаберасиз. Бу ўринларда асар персонажларининг фаолияти ҳам хира тасвирланган. Улар нарда орқасида ҳаракат қилаётгандек туюлганидан шакл-шамойилларини ҳам аниқ кўз олдингизга келтира олмайсиз. Тўй эпизодига келгунча китоб ҳопшисидаги саволларингиз ҳам анча кўпайиб қолади. Тўй жараённи ва ундан кейинги Мавжуданинг сўзи тамом кипини ҳайратда қолдиради. Асар нимага «Икрор» деб аталганини

худди шу ўринда биласиз-да, «Ия» бу ҳолни икror деб бўлмайди-ку, деган мулоҳазада яна савол қўясиз. Шу ўринда қиссадаги бир лавҳага диққатингизни жалб қилмоқчимиз: «Баъзи дехқондан шуҳрат, планлар устунлик қилади, ўтил, — кайфияти ўзгариб, бош чайқади чол. — Аммо, ҳақиқий дехқон нарсаларни, яхши уруғларни сақлаб қолади. Агар ҳамма дехқонлар ҳам шундай бўлгандали, бир замонлардаги ажойиб навлар ҳозиргача сақлашиб қолмасмиди».

Чоллинг бу гапларидан Мавжуда бирдан маъюсланиб қолди... «Қизиқ, мен учун атайлаб айтилаётганга ўхшайди бу сўзлар, — деган фикр хаёлидан кечиб, ўзини янада эзилгандек ҳис қилди. — Наҳотки, мен ҳам миперал ўйт билан ўсган қовунга ўхшасам, наҳотки энди ҳеч кимга керак бўлмасам». Бу ўриндан сиз, Мавжуда нимага ўзи ҳақида бундай гашларни айтди экан, бундан олдин ҳам «Мавжуда маъюсланиб қолди» деган жумла учраганди дейсиз-да, бу ҳолнинг тагига етишга қизиқиб, кўзингизни сатрлар устидан тезроқ юрита бошлигасиз. Бир бет ўқийсиз, икки бет ўқийсиз. Энди Мавжуда руҳиятида маъюслик эмас тобора тетиклик, қувноқлик кўрасиз: «Йилларни, ойларни, кунларни, ҳатто соатларни кутганман шу овоз учун, шу жавоб учун, — деди Шавкат Мавжудани қўйиб юбормай, эҳтиросли оҳангда.

— Мен ҳам зор эдим шундай саволга.

— Раҳмат, севгилим. Севгингиз ҳурмати учун раҳмат.

Лекин мендан камчилик ўтди.

— Мендан ҳам, — Мавжуда йигитнинг иссиқ қўлларидан ушлаб, кўзларига қаради, йигитнинг қуюқ қошлиари устига бир қор бўлакчаси секин келиб қўнган эди, қиз уни кафти билан артиб ташладида, кўзларига боққанча, «кулиб сўради: — Хўш, иккинчи саволингиз?

Шавкат кулиб юборди.

— Иккинчисининг жавоби ҳам ҳал.

— Қандаи эди?

— Сиз ва мен ҳақимда. келажагимиз ҳақида эди.

Энди фақат қўшимча савол беришим мумкин.

— Марҳамат!

— Тўйимиз қачон бўлади? Бахт қуши қачон чинакамига бошимизга қўнади. Рози бўлсангиз, ҳозироқ — қишики каниқулингиздаёқ. Кут десалгиз — унга ҳам тайёрман.

— Майли, сизга ҳавола. Мен ҳам сиз айтганга тайёр.

— Шавкат қувонганидан юраги яна депсиб кетди, у ҳаяжон билап яна қизғип бағрига олди», Шунча тасвирдан кейин куйидаги жумлаларни ўқиб авторнинг тутган

позициясига ҳайронлигингиз янада ортади: «Шуни аввалроқ айтса бўлади-ку? — деди йигит кўнгли бир оз юмшаб. — Янги йил кечаси нега айтмадинг?

— Бунинг учун қанча қўйналганман. Тунларни бедор ўтказганман... Неча марта айтишни мўлжалладим, бироқ, уддасидан чиқолмадим. Бу гапни эшитиш билан кетиб қоладигандай, мендан юз ўғирадигандай туюлаверардингиз хаёлимда». Бу билан ёзувчи гўё қалбингизда туғилган саволларга жавоб бергандек, бўлади, лекин барибир ишонмайсиз, кўнглингиз тўлмайди. Шарқда, хусусан ўзбек халқида қиз бола учун иффатини ўғирлатиш баҳтини ўғирлатиш деган таш. Шундай экан, мазкур аҳволга тушган Мавжуда ўзининг тақдири ҳақида бирор марта ўйлаб кўрмагани, ҳатто тўй олдидан ҳам ўзини ниҳоятда хотиржам тутганини кўриб таажжубланисиз. Тўгри, ҳаётда бундай воқеалар бўлиши мумкин, лекин ёзувчи Мавжудани бизга ибратли қаҳрамон қилиб кўрсатяпти-ку?! Наҳотки пок ниятли, соф кўнгил, ўз севгисида садоқатли бир йигитнинг кўнглини пуч ёнғоққа тўлдириб келган бир қиз севги бобида ибратли бўлса?! Тўйининг эртаси куни сирни яшириш учун Мавжуда билан Шавкатни ўқишини баҳона қилиб бир ҳафта Самарқандга кетишлирага нима дейсиз?! Албатта, бу ҳолатлар ҳаётий мантиққа зид, унга киши ишонмайди. Қолаберса, миллий урф-одатлар ҳам буни рад этади. Михайло Ломоносов «Бирор нарса ҳақида хира тасаввур қилишса хира ёзишади» деган эди. Юқорида тилга олинган асарлар ҳам шу каби хусусиятга эга. Мана шундай асарларнинг мавзуси майда, тўғрироғи муаллифларни майда мавзулар ичida ўралашиб қолишган деса бўлади. Чунки улар муҳаббат ва одоб-ахлоқ мавзунини умумбашарий муаммолар билан умумлаштириб тасвиrlай олишмаган. Қаҳрамонларини фаолиятда фаол кипилар қилиб инкишоф қилиша олмаган. Шундан улар асарларидагарчи ахлоқ, софлик, виждонийлик, масаласи ётади. Биз бу ўринда романнинг образлар системаси, ундаги қўтарилиган масала ҳақида атрофлича гапиришни лозим деб топамиз. Маълумки, ёзувчида ўзига хос услугуб бирданига туғилмайди, балки ўз ижодий ироцессида вужудга келади. Шукур ижодида ҳам воқеаларнинг қўйма-пластик тасвири, қаҳрамонлари-

Шукур Холмирзаевнинг биринчи романи «Сўнги бекат» асосида ҳам одоб-ахлоқ, софлик, виждонийлик, инсонийлик, масаласи ётади. Биз бу ўринда романнинг образлар системаси, ундаги қўтарилиган масала ҳақида атрофлича гапиришни лозим деб топамиз. Маълумки, ёзувчида ўзига хос услугуб бирданига туғилмайди, балки ўз ижодий ироцессида вужудга келади. Шукур ижодида ҳам воқеаларнинг қўйма-пластик тасвири, қаҳрамонлари-

нинг хатти-ҳаракатини заминдан, муҳитдан узмай, ўз савияси, ёши, фикр доираси атрофида ҳаракат қилдириш, сўзлатиш, фикрлаштириш каби бадиий ижоднинг энг муҳим талабига риоя қилиш бирдан юзага келган әмас. У узоқ изланиши туфаёли мана шу борада малака ҳосил қилди. Шунинг учун униш асарлари, агар таъбир жоиз бўлса, майслик, сокинлик билан ўқилади. Унинг асарларини ўқини давомида китобхон бирдан кишини ҳайратга соладиган воқеа-ҳодисаларга дуч келмайди, ҳаяжонга тушмайди. У бундай ҳолга асарни тугатгандан сўнг тушади. Чунки асаддаги бундай ҳолатлар, киши қалбини қўзгайдиган фикрлар унинг қалбига сездирмай кириб боради. «Сўнгги бекат»да шундай хусусият мавжуд. Ромавга сиртдан қараганда, уни ўқини давомида асар асосида бир жиддий ган йўқдек, гўё бир юлғичнинг инқизозига багищлангандек туюлади, кинига дастлаб. Лекин асарнинг образлар системасига, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати, ўй-фикрига синчиқлаб пазар солинса, улар тақдирни жуда мураккаб ва ўз ўрнида кинини ҳар жиҳатдан тарбиялашга қодир тақдирлар эканлиги сезилади.

Асарнинг асосий образларидан бўлган Мунира дастлаб китобхонга бўшгина, ҳаёт ўзига кулиб боқмаган, аёлларнинг биринчи орзуси бўлган ўз тенгини топишдек истаги ҳам амалга ошимаган аёл сифатида кўрипиди. Лекин унга нисбатан берган бу таърифимиз асарни ўқиган сари ўзгара боради. Биз униш сокин қалбидан орзу борлигини, лекин бу орзусини амалга оширишга ўз муҳити йўл қўймаганини, шундан ҳам бўшгина кўришишини ҳис қиласиз. Мунира тарихчини. Тарих ҳақида сўз кетса, қувончидаш дили ёришиб кетади. У қалимги дунё ва Ўрта Осиё тарихи ҳамда маданиятини жуда яхши билади. У ўз билими билан атрофдагиларни мафтун қиласиди. Ажина тепа ҳақида эшитгач, униш сирларини билини штиёқида ёниб кетади. Унинг тахминлари тўғри чиқади. Ажипатенадан «Санъаткор боболаридан колган ёдгорликлар» чиқади. У мана шу катта муҳитдан анча олис бўлган қашшогининг содда, қалби тоза одамларига меҳр қўяди. Ўларпинг сезилмас, лекин жамият равнаги йўлида қилаётган меҳнатларини қалбаш чуқур ҳис қиласиди. Оқибатда бунга жавоб беришда ўзида куч сезади, тўғрироги ундаги билқува куч жунбушга келади. Унинг бу фаолияти ёлга танитади, одамлар оғзига туширади. Мунира образидан шундай хулоса келиб чиқадики, кини ҳалқига, жамиятига наф келтириш учун «катта муҳитда», яъни кўп минг сонли аҳоли яшайдиган шаҳарда яшиши шарт әмас. Муҳими, қайси вази-

фада бўлмасин унда вижданан ва иштиёқ билан ишлаш, уни ҳар томонлама эгаллаш, қандай қилса элга қўпроқ нафи тегишини ўйлаб ҳаракат қилишdir. Лекин Мунира образида ҳам бир камчилик бор. У эри Содиқнинг иоинсоний, умумисоний ахлоқ нормаларига зид ҳаракатларини билади. Нимагадир уни бу йўлдан қайтаришга уринмайди, бирор марта бу борада жиддий тўқнашишмайди. Агар Мунира ўқимаган, оқ қорани танимаган бир аёл бўлганда эди, унинг бу ҳаракатини оқласа бўларди. Лекин у ўз тенгдошларига нисбатан кўп билимга эга, ҳаётнинг наст-баландини кеиг тушунган аёл бўлганлиги учун унинг бу масалага нисбатан лоқайдлигини оқлаб бўлмайди. Албатта, бу ҳол Шукур Холмираевни бу борадаги ҳаёт ҳақиқатига эътибор бермаганлигидандир.

Сабоҳат образи ҳар томонлама ибратли. У ўз ўлими муқаррарларигини билади, лекин бундан қўрқмайди, балки халқи, Ватани, келажак авлод учун қиласидан ишлари қолиб кетаётганидан ўқинади. У шу аҳволда ёттанига қарамай одамларни ўйлади. Қишлоқ врачи Қамар аканинг қилмишларидан раижиyди. Чунки унинг қўлида ҳали тиббиётга маълум бўлмаган дорилар бор. Унинг отаси катта табиб бўлган, гиёҳлар сирини билғаи. Шамшиддинов эса замонавий медицина билимини олгач, уни ривожлантирга. Лекин у бу ишни сир тутади. Ўзи тайёрлаган дориларни катта пул эвазига сотади, шу ҳисобга кишиларни даволайди. Албатта, бу бизнинг жамиятимизга ёт ахлоқ. Сабоҳат Шамшиддинов ўзининг даволовчиси бўлишига қарамай, унинг камчилигини юзига айтишдан тортинимайди. Мана уларниң ўртасида қандай сухбат кетади:

— Йўқ раҳмат. Қамар ака... — унинг қошлари бирдан учди: — Кечирасиз бир нарсани сўрасам. Сизда кўп оғир касалларни даволайдиган дорилар бор! Уларни сотасиз... Майли сотсангиз? Лекин сиздан олонмаганлар сизни танимайдиганлар қандай аҳволда? Сиз наҳотки ўшаларни ўйламасангиз? Шамшиддинов Сабоҳатдан кутган энг муҳим ганини энди эшиятгандек бўлди:

— Ўйлайман, — деди.

— Ўйлаган одам бошқача иш қиларди. Райздравгами, Облздравгами ўз сирларини билдиради. Зҳтимол, уни илмий иш қиларди... — Илми бўлиб унга амал қилмаган киши тухум қўйиб бола очмаган товуққа ўхшар экан, дейди ҳазрат Навоий.

— Сабоҳатхон, ўзингизни ўйланг. Мен энди дорилашим учун пул олмайдиган бўлдим! Ха... Ҳамма нарсам етарли, мерос ҳам қолдираман.

— Лекин билимингизни мерос қолдирмайсиз? Шамшиддиновнинг бундай хуросага келиши Сабоҳатдаги ирода, ундаги интилиш, юксак гоя туфайлидир. Чунки у ҳар сафар Сабоҳатни эслаганда, кўрганда ўзига ўзи сарҳисоб беради. Сабоҳат ўлимидан кейин садр айттиришни илтимос қиласди. Сабаб садр тушиш маросими истеъмолдан чиқиб кетган. Баъзи жойлардагина қолган. Ўзи истеъмолдан чиқса майли, лекин маросимда айтиладиган қўшиқлар йўқ бўлиб кетмасин. Сабоҳатнинг истаги ўша қўшиқлар халқнинг мулки бўлиб қолсин. Бундай истак фақат юксак ахлоқ эгаси, етук одамдагина бўлиши мумкин. Сабоҳат ана шундай аёллардан. Шукур Холмирзаев Сабоҳат образида аёлларга хос сезирликни, инсоний иродани, ҳаётга ва инсонга бўлган катта муҳаббатни ишонарли ҳамда мантиқли инкишоф этолган. Шундан Сабоҳат образи гоят таъсири.

Романда яна кишига ҳамма жиҳатдан ўрнак бўладиган, унга кўп нарса берадиган, гоятда ҳаётий яратилган образлардан бири Қадрек Қувватбековдир. У фан кандидати, лекин хотини Сабоҳатга бўлган катта инсоний меҳри, муҳаббати, уни қадрлаши, ардоқлашидан Бекат қишлоғига келган. У бу ерда катта ҳурматга эга бўлади. Бунга у ўз меҳнати, ахлоқи туфайли эришади. Ўқувчи-ларининг билими учун курашади, шундан у мактабга ўқитувчиларни маълум синовдан ўтказиб олади. Унинг мактабида ҳақиқий билим эгаларигина ишлай олади. Мактаб ўқувчиларини ҳам бутунлай қишлоқ хўжалик иши билан банд қилиб қўймайди. Зарурий пайтдагина далага олиб чиқади. Унга совхоз директори буйруқ бера олмайди, чунки бунга ҳақи йўқлигини, мактаб болалари қайси пайтда неча кун далада ишлашини қонун асосида тушунтира олади, шунингдек, бунинг тўғрилигини ҳар жойда исбот қилишга қодир. Унга Районо мудири ҳам ўйлаб муомала қиласди. Сабаби РайОНО мудири Назаров Қувватбековга қараганда ўзининг заифлигини, унинг қилаётган ишлари давр талабига тўла жавоб беришлигини, бўлажак авлоднинг ҳақиқий инсон бўлиб етишиши учун курашётгапини билади. Қувватбеков сиймосида, унинг образида ҳақиқий бугунги кун кишисининг маънавий қиёфаси акс эттирилган. Бу эса ҳаёт ва даврнинг бадиий адабиёт олдига қўйган муҳим талабидир.

Бизга маълумки, роман жанрида сюжет силсиласи, образлар системаси кўп бўлади. Бироқ шунга қарамай, унда битта гоя ҳуқмронлик қиласди, яъни шу асарда авторнинг илгари сурган бош гояси. Буни бош образ, бош

сюжет линияси ўз зиммасига олади, кичик сюжет линиялари, образлар системаси эса бош образыннг бутун борлыгына очиб бершиг, ҳәёттеги көңг күламда тасвирлашга күмак беради. Яъни бош образ, бони сюжет линиясига кичик сюжет линиялари, образлар системасини бир-бири билап боғлайды. «Сүнгти Бекат» романыда бош образ Содиқ. Адиб Содиқ образы орқали бизнисиг жамиятимизга ёт ахлоқли кишининг шакл-шамойлини, яъни ҳамма нарсага осонлик билап эришини истайдиган, меҳнатдан кўра кўпроқ машшатни ўйлайдиган, одамларниң ютуқларига ҳасад қиласдиган, инсонларниң бир-бирига кўмагини иштўғри тушунадиган, ҳәётда яхшилик уругини сочиш ўрнига одамларниң тиличини бузиб, булдан ўз манфаати йўлида фойдаланишга иштиладиган, умумай ҳәёттеги гўзалдигини, одамларниң меҳрибонлигини сезишга қодир бўлмаган инсониниң қисметини кўрсатни орқали кишини эзгуликка чорлани, уларни огоҳлантиришидир. Ниҳияхши. Лекин уни автор тўла амалга ошира олдими. Бони қаҳрамониниң хатти-ҳаракати, унинг характерини очиб бершигча восита қилинган воқеа-ҳодисалар ҳабтийми, у инсонарлимиз? Агар Содиқ образига шу нуқтаи назардан қарасак, униг бошқа образларга бони образ бўлишига қарамай анча замф яратилганини сезилади. Аслида буниг акси бўлиши лозим эди. Биринчида, у бир томонлама яратилган, яъни нуқул қора бўёқда. Ваҳдоланки, образни бу тида яратини инсониниң реал қиёфасини очиб бершида қўл келмасдигини, аксинча бундай ҳолда яратилган инсон ҳәётий одамдан кўра кўпроқ китобий, тўқима одам бўлиб қолинишигина ҳәёттеги ўзи исботлади. Яратилган инсон ҳәётий одамдан кўра кўпроқ китобий, тўқима одам бўлиб қолинишигина ҳәёттеги ўзи исботлади. Содиқ бир марта наанд еди. Шундан обрўли иннидан настланиб, ўзи ҳеч истамаган бир қинилокча кичик вазифага ишига келди. Бу ерда ҳам уни яхни кутуб озинимади, чунки униг кимлиги, қандай одамлини буларга маълум қилинганди. Содиқ буларни ўйлаб кўрмайди, дарров ўша ўзининг қиңигир ишига ўтиб кетадиги, буига кинни инномайди. Сабаб, ҳәётда бир марта наанд еган одам, иккипчи айбни ўйлашиб қиласди, айниқса Содиқ каби савиига эга ва шу шаронтдаги одам. Иккенидан, Содиқнинг Ўқтамни биринчи кўришдан бир балоси бор деб, униг кетидан тушиши ҳам ҳабт ҳақиқатига зид. Бундай яхшиликлардан сўнг ҳар қандай ахлоқенз одам ҳам дарров бу йўлга ўтмайди. Ўчинчида, бу иш билан шугууланини Содиқ вазифасига ҳам кирмайди. Хуллас, Содиқ образи, у би-

лан бөгликтүрк бүлтән вөкөа-хөдисалар тасвири аяла тибонарсыз, ҳәёттүйликтан кура күтөбийликтүрк күчтү. Бундан шу нарең күрүштүрүлүктүрк, бөйгөя, бөйсүйжет, бөйсүйжеттүрк шашынын, образлар системасини бирлештира олматаш. Бу эса асар композициясында таъсир күнгөн. Шундай романнинде ҳар бир сюйжет линиясы мустақил бир ҳикоядек бүләнд қолган. Лекин шунгага қарамай асарда күтәрүлгөн масала, вөкөалар күләми, характерлар тасвири, образларнинде ҳар бирин бир мустақил гөяштырылғанда асас бүләди.

Үткүр Хөшімовнин «Пур боркы, соя бор» романнинде асасында ҳам умумиесендей ахлоқ, инсопийлик масаласы ётады. Үткүр Хөшімов бүнгә үзүнчә ёпташып, ҳәёттүйликтүрли томонларнин, яъни замондошимиздиннеге ҳақиқицый маънавий қиёфасының күрсөтүшү билеп бирга, саодатли, ҳалол түрмүнүнде дөг бүләттөн, нурлы ҳәёттә соя таштайдиган, ҳалқыннан ҳақынга хиёнат килиб, уларнинде пешана тери билеп тоңған пулларнин қаллоблик билеп үзләспитириб бойнүйттөн, «пүлиңг бүлесе ҳамма сенини» деган буржуазиянын чирикти фалсафасының үзләригә дастанурамал күлиб олган, нул тоңнан йүнделе миндер турларнин, виж-допга хилоф иш қылышиниң оддий ҳол санайдиган кишиларнинде асас шакт шамоийлиниң бутун борлыги билеп очиб беринде орқали үз маңаадига эрпиган.

Асарда ҳәёттүйликтүрлөр томонлары Шерзод образында орқами берилады. Бизга маълумки, кипти яхши фазилаттарга ээгэ бүләсада, лекин үзиннен шу фазилаттарнин бөниңаларга наомуна бүлүштүрүштүрмаса, похаңликтүрк күрганда унга карши курашып, бүндай ярамасликтарнин йүк күлиштеге питешип үрнүгө, унга бир ичкى түйгү билептегина қаршилик билдириб қўяқолса, инесон жафо чекиб турганда унга бўрдам берине, унинг сўзига қулоқ осиб, ҳожатини чиқарипга кўмаклашып үрнүгга индамай ўтиб кетса, бундай киптиши билан ахлоқли инесон деб айтотмаймиз. Юксак ахлоқли инесон аввало фаолият киптиши бўлтиши, инесенин фазилаттарни бөниңаларга спигидирини, юкорида санаб ўтилгандай вөкөа-хөдисага дут келгандада иж-капланмай амал ўтига киршишини лозим. Шундай киптишина ибратли қаҳрамон бўлади, бадниш пижодиниң талаби ҳам шундай қаҳрамон яратиштада. Тўғриргони ёзувчидан шу тиңдаги қаҳрамон яратиш талаб килипади. Үткүр Хөшімов шу тоғфадаги қаҳрамон яратолгандай. Шерзод шу тиңдаги қаҳрамон. Шерзоднинде ҳар бир ҳаракати киптишина ибратли ва наомуналидир. Чункин унинг ишпода, ўй-фиқри заминнада соғлиқ, ҳалоллик ётади. У поҳақликтүрк кўрган

жойда чидаб тура олмайды. Шу фазилати туфайли оддий ўқитувчи Азимжон аканинг хати редакцияга келиб туш-ғанда қаттиқ қуюнади. Шундан Раис буванинг феълини яхши билишга, ундан кейин ўзи ҳам шу колхоздан бўлишига, раис блан олишини яхшиликка олиб келмаслигини ақлан сезса-да, ноҳақлик олдида чекинмайди. Азимжон домланинг қадрини матбуотда ҳимоя қиласди.

«Кишининг ахлоқи хатти-ҳаракати энг етук формада намоён бўлабошлиса, бу ҳол фақат маънавий мамнунликни бахш этиб қолмай, балки чуқур эстетик лаззат ҳам бахш этади»¹. Асарда Шерзоднинг тутган ишида, «ахлоқнинг етук формаси намоён бўлади». Бу ҳол айниқса, Сайфи Соқиевичнинг универсмагида унинг сотувчиларидан бирининг бир қўли йўқ, фронтовик одамга қилган муомаласидан кейинги тутган ишида, Сайфи Соқиевичнинг ўғли Сирожиддинни «сулҳ тузишга» қилган таклифига жавоби, умуман ҳаёт, жамият, инсонлар ҳақидаги ўй-фиркалрида кўринади. Шунинг учун ҳам у ибратли образдир. Бироқ асарда фақат Шерзоднинг биз юқорида санаб ўтган фазилатларининг ўзигина тасвирланганда, унинг образи бунчалик жозибали чиқмаган бўларди, чунки бундай ҳолда Шерзоднинг фақат хулқитина ифодаланиб, жамиятга нисбатан бурчи очилмай қоларди, агар бошқача қилиб айтсақ, шахсийлик билан ижтимоийлик бирлиги кўришимай қоларди. Ўткир Ҳошимов бадиий ижоднинг бу нозик томонларини ҳам чуқур англаган. Шундан ҳам у кишининг диққатини тортадиган бир қанча воқеалар — Раис буванинг тутган ишлари, Сайфи Соқиевич ва унинг ҳамтовоқларнинг кирдикорлари, Сирожиддиннинг хатти-ҳаракатлари, Зухра фаолияти, Тангриберган билан давон опши, унинг машақкатли ишнинг поэтик ифодаси, дўсти Абдувоҳиднинг оиласини ва дўстлигини кўрсатиш тасвирда қатор ҳаётий проблемалар очиб берилади, уларнинг ҳаммаси мақсад сари йўналтирилган. Мазкур воқеа-ҳодисаларнинг барчаси Шерзод нигоҳи билан инишишоф этилади, яъни ҳаётий воқеа-ҳодисаларни, киниларнинг уяга бўлган муносабатини жамиятимиз ахлоқ принципига мос келадиган томонини Шерзод тасдиқлади унинг аксини эса қоралайди ва унга қарши курашади. Бу воқеа-ҳодисалар заминидаги гап эса ижтимоий масалалардир. Демак, Шерзоднинг ахлоқий қарашлари ижтимоий қарашлар билан мутаносибди. Шундан унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати кишига фақат маънавий мамнунлик

¹ Эстетик тарбия, «Ўқитувчи наприёти», Т, 1974, 87-бет.

бахиң әтибгина қолмай, чуқур эстетик лаzzат ҳамда уининг образига бенуқсон етуклиқ бахиң этади. Биз эса доимо ана шундай бенуқсон етуклиқка интиламиз. Үткір Ҳошимов Шерзод образини яратиш билан бир вақтда күпгина кишиларнинг тақдирини таркиб тондира олған. Үниң асарининг бадийлиги ва қиммати ҳам шундадыр.

Хулоса қилиб айтсақ, ахлоқ билан адабиёт бир-бири билан диалектал болғылғы. Ҳатто ахлоқий масалани бадий адабиёттинг таркибий қисми десак бўлади. Чунки қайси бир бадий асарни олманг, у қайси темада ёзилғанига қарамай, у ерда ҳақиқий инсоний ахлоқ нормалари ўз ифодасини топганлигининг шоҳиди бўламиз. Сабаб адабиёттинг бош вазифаси инсонни ижтимоий ҳаётни тўғри англашга имкон берувчи диалектик дунёқарани руҳида, умуминсоний руҳида тарбиялашдир. Бунга эса ахлоқий принципларсиз эришиб бўлмайди. Демак, адабиётда ахлоқий мавзуу кечагина пайдо бўлган мавзуу эмас, балки синфиий жамият юзага келган даврдан бери мавжуддир. У жамияттинг ҳар бир формациясида муҳим мавзуу бўлиб келди ва келмоқда, бўндан кейин ҳам бўлади. Чунки янги жамият ҳеч қачон ўз-ўзидан юзага келмайди, балки янги инсон юзага келтиради.

БАДИЙ АДАБИЁТДА ҲАЁТ ВА КОНФЛИКТ

Бадий асарда конфликт энг асосий компонентлардандир. Чунки у асар сюжет линияслини ҳаракатта келтирувчи куч ҳисобланади. Агар образли қилиб айтсақ асар юрагини шуга солувчи қон томиридир. Ҳақиқий ҳаёттй конфликтга эга бўлмаган асар том маънодаги санъат асари бўлмайди. «Санъат ҳамма вақт қарама-қаршиликлар бўлгандагина майдонга келади. Бу ё қурапининг ўзгинаси тарзида ёки қурашнинг инъикоси тарзида бўлади! — деб ёзган эди буюк ёзувчи А. И. Толстой. Бу ўз павбатида, ҳаётбахш кучга эга бўлган социал ва психологияк детерминизмнинг ёзувчи олдига қўйган талаби, ҳамдир. Яъни у ижодкор олдига тасвир объекти бўлган ҳаёт воқелигини ҳаққоний тадрижий тараққиётда, қарама-қаршиликлар қураши асосида бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан типиклаштириб акс эттиришини муҳим вазифа қилиб қўяди. Маълумки, ҳар бир давр ўз зиддиятларига эга бўлади. Ёзувчи бу зиддиятларни бадий инъ-

¹ А. И. Толстой. Полн. собр. соч., Т. 13, М., ГИХЛ, 1949, 598-бет.

икос этар әкан, уни шуучаки тасвирламайды, балки күнгил призмаидан ўтказиб, мазкур зиддияттарниң туб заминини англашып ишилады. Бу жараёпда ўз-ўзидан маълумки, шу зиддияттарга ишбатан ёзувчи дунёқараши юзага келади. Яъни зиддиятини юзага келтирған иккиси кутбдан бири хатти-ҳаракатини күллаб-қувватласа, иккисиңининг фаолиятини ишкор қилади. Шу асесда бу зиддияттарниң моҳиятини очишга киришиади. Бизга аеники, ҳар қандай воқеелик (бу ўринда биз табиий стихияларни назарга олмаялмиз) ва зиддият ишсон фаолияти асесидан таркиб топади. Хар бир ишсон эса савиляси, психологияси, дунёқарашининг күламига қараб ҳаёт ҳодисалариға баҳо берипши, униң тенденцияларини анализ ва синтез қилиши ўзгача бўлади. Яъни уларниң айримлариниң жамият ва ҳаётдаги негатив ҳолатлар билан тўқнапнуви замонида умуисоний проблема ётади ёки ётмайди. Бундан кўриш яптики, ҳар бир ишсон фаолияти индивидуалликка эга. Демак, янги характерлар билан бирга, янги конфликтлар юзага келади. Бадиий асарда конфликт қавчалик ҳаётий, объектив, шунамик ва уларниң биролигида изчилик бўлса, униң қаҳрамони ҳам шуучалик ҳаётий, жонли ва жозибадор бўлади. Албатта, ижод жараёпидан бу нарсага эришин осон кечмайди. Ёзувчидан катта истеълод ва маҳорат талаб қилади. Шундан ёзувчи ўз асаридан бу борада маҳорат кўрсатишни билан ижод жараёчининг кенг имкониятларини ҳам намоён қилади. Демак, ижод жараёнида ҳар бир ижодкорининг янги услуби йўналишии конфликт масаласида ҳам ўз ифодасини топади.

Кейинги ўн йил ичидан, яъни тўқизиничи ва ўнинчи беш йилликлар даврида, гарчи бутуиги кунда тургунилик даври деб аталаётган бўлса-да, ҳаёғимизда жуда катта ўзгариштар содир бўлди. Ишлаб чиқаринишни бальзи соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Мехнат аҳлиниң моддий ва маънавий ҳаётни ўеди, турмуш ва яшаш шароити яхшилаиди. Ҳаётда фан-техника революцияси жараёши бошланди. Бу революция кишизлик турмушининг ҳар бир жабхасига кириб, унда катта ўзгаришлар яади. Албатта, бу ўзгариштар кишиларниң маънавий дунёсини, характеридан ҳам ўз акеши тоғдириди. Уларда ҳаёт тенденциясини аввалгидан кўра чуқурроқ англап, жамият ривожи йўтидаги олиб борилаётган ишларниң фаол катнанишни бўлинига иштилиш, шунингдек, асрлардан бери шаклланиб келган шарқ одоб-аҳлоқ талабларига қатъий амал қилиши каби ишсоний фазилатлар кучайди.

Бу ўзгарышлар ёзувчиларниң диққатиниң жалб қылмаслығы мүмкін емес. Чунки ҳақиқай адабиёт ҳаёт билан ҳамнағас бұлмоғи, уннеге долзарб масалаларниң ўзида ақе эттиргөн, ҳаётта, қуидалик турмушда рүй берәёттеган ижобий ютуқларни, ўзгарыштарни тасдиқладамоғи, хар қандай камчылайларни рүй-рост очиб ташлаб, яъни ҳаёт ривожига халақыт берадиган зиддиятларни аңглаб, унга жамоатчиликпен діккетиниң жалб қылмоғи лозим. Бу дүнёда ягона ҳисобланған япғы социалистик жамияттеги ўз адабиёті юзага келған бириңчи қуипданоқ ёзувчилар олдига қўйған талабицлар. Чунки мана шу тартиб-қондага амал қылған адабиёттеги омманың маънавий дүнёсіннинг юксалиштеги катта ҳисса қўйилади, инсонни ҳар жиҳатдан камол топшынга омилкорлик ролини ўтай олади, шуннингдек, бизнинг тузум қандай ҳаётбахи кучга эга эканилигини жаҳонга намойиш қилинг қурдатига эга бўлади. Бу талабга қатъий амал қылған ёзувчиларимиз ўзларини энг яхши асарларини яратиб, жамияттеги маънавий ҳаётини бойитиштеги катта ҳиссаларини қўшипди ва қўшимоқда. Ҳаётда инсанки содир бўлмасин, у инсоннинг меҳнати ва заковати билан рүй беради. Демак, ҳар қанақа ютуқ, ҳар қанақа техника забтийнинг заминида инсон қўли бор. Бундан кўринади, ҳаётдати қандай воқелик, қандай ютуқ ҳақида ёзмайлик аввало инсон заковатини ва унинг ўзини ҳис қылмогимиз даркор. Ёзувчиларимиз буни ҳис килишимоқда. Ҳақиқатан кейинги йилларда ёзилған асарларда бириңчи ўринда воқелик тасвири емес, балки инсон қалбининг таҳдилига ёттибор бериш кучайди. Инсон тақдирни, уннеге руҳий олами таҳдили орқали ҳаётиниң долзарб масалаларни, шунингдек, бу борада туғилған зиддиятларни ёритиш, ҳар бир инсонни инсон қалб призмасидан сиздириб, унга ҳаётийлик багишилаб тасвириланға мойиалик кучайди. Бу эса одамларниң маънавий дунёсининг ўсипшига, уни етук инсон бўлиб етишишига, шаклланишида катта роль ўйнамоқда. Кейинги йилларда юзага келған энг яхши асарларниң аксариятидан меҳнат аҳли, яъни ишлаб чиқарында бевосита башд бўлған меҳнаткашининг турмуш тарзи, руҳий олами бутун зиддиятлари билан ақе эттирила бошлади. Тўғрироги, қишлоқ ҳаётига, унда фаолият кўрсататгандай одий одамларниң маънавий дунёсими очиб беришга ёттибор кучайди. Бундай бўлиши бекиз емес. Сабаби шуки, фан-техника революцияси мупосабати билан, шуннингдек, давлатимизнинг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш йўлида олиб борган самарали ишлари туғайли қишлоқ ҳа-

ётида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Бу нарса фақат кишиларнинг яшаш тарзи, иқтисодий юксалишигагина эмас, балки руҳий олами ва психологиясига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бугунги куни қишлоқ аҳлини олдинги йиллар, ҳатто 60-йиллар қишлоқ одамларига солиштириб бўлмайди. Чунки уларнинг иш юритиш услублари, ахлоқий, эстетик қарашлари, меҳнатга бўлган муносабатлари, умуман маъниавий қиёфалари олдинги йиллар одамларидан кескин фарқ қиласди. Рус адаблари В. Астафьев, Ф. Абрамов, В. Шукшин, В. Распутин, В. Тендряков, В. Белов, В. Биков ва бошқалар ўз асарларида бу нарсага катта эътибор беришиб, мазкур ўзгаришларни, яъни қишлоқ кишиларнинг ҳаётидаги ва маъниавий оламидаги ўзгаришларни маҳорат билан акс эттириб беришиди. Бу борада ўзбек адаблари ҳам катта иш қилишди. Чунки қишлоқ ҳаётидаги ўзгаришлардан бизнинг жумҳуриятимиз ҳам беистисно эмас, балки пахта хўжалиги ривожи ва ундаги ютуқ, шунингдек, у туғдирган қийинчлилик туғайли юзага келган ихтилофлар янги кўришишларига эгадир. Бир қатор ёзувчиларимиз бу кўринишларни ёритиб беришда, яъни ҳаётий конфликтни бадиий конфликтга айлантиришда маҳорат намуналариши кўрсатишиб, катта ютуқларга эришдилар. Улар асаридаги конфликтлар икки шахс ўртасидаги ўзларининг ҳақлигини исботлашга қаратилган шунчаки қарама-қаршилик ёки эскилилк билан янгилик кураши асосига қурилган эмас. Балки давр тараққиёти, замон талаби тақозо этган муаммони ҳал қилиш йўлида туғилган, яъни заминида катта ҳаётий масала ётган конфликтдир. Тўғрироғи, асарлари конфликтини ҳаётнинг долзарб масаласи ташкил қиласди. Маълумки, ҳаётда бирор илгари сурилган масалани қўллаб-қувватлаш, унга эътиroz билдирган шахс ва кучларга қарши қурашиш, бу ҳали том маънодаги конфликт эмас, чунки бундай курашда мақсад моҳияти аниқ концепцияга эга бўлмайди. Ҳақиқий конфликт шундай ўринда туғладики, қачонки шахс ўзи тасдиқлаётган ёки инкор қилаётган масаланинг туб моҳиятини шуури ила аягласа, уни амалга ошириш ҳаёт ривожига, инсоният келажагига ҳай даража фойда келтиришини олдиндан кўра билса, ўз хатти-ҳаракати ва гап-сўзи билан бунга қишини ишонтира олса. Бундан кўринишлики, ҳар қандай ихтилоф инсон фаолияти билан боғлиқ, яъни унинг фаолияти асосида юзага келади. Демак, конфликт ҳақида сўз юритиш инсон ҳақида сўз юритиш демакдир. Кейинги даврда яратилган асарларда биз худди шу ҳолни кўрамиз, яъни

замоннинг, ҳаётнинг долзарб масалаларини, кунлик турмуш жараёнида туғилган қарама-қаршиликларни изчил акс эттиришга ҳамда замондошларимизнинг фаолиятини, унинг руҳий оламини ботинан теран таҳлил қилишга бўлган интилишни. Албатта, бу ижобий ҳолдир. Чунки ижодда шундай йўл тутиш ҳақиқий реалистик адабиётнинг талабидир. Самар Нуроғининг «Майсаларни аёз урмайди» помли қиссаси ҳам мана шундай фазилатга эгалиги билан дикқатга молиқдир.

Қиссада бир қатор образларга дуч келамиз. Булар Нусратбек Дехқонов, Бўри Найғамов, Аҳмад бригадир, Ашир Ҳаққулов, Холиса, Гулхайри ва бошқалар. Самар Нуроғ хар бир образини у қандай тип (салбий ёки ижобий) бўлишидан қатъи назар самимий тасвиrlайди. Қалб дунёсининг таҳлили орқали меҳнатга — ўз вазифасига, инсоний бурчга, жамият ва ҳаётга бўлган муносабатини очиб беради. Ёзувчи бундай қилиб, тўғри йўл тутади. Чунки «шахс фақат нима ши қилаётгани билан гина эмас, балки шу ишни қандай қилаётганилиги билан характерланади» (Ф. Энгельс). Шундан қиссанинг бошида айрим қаҳрамонларга меҳр қўйсак, асар охирида улардан нафратланамиз, аксинча бирдан кўзга ташланмаган қаҳрамонлар эса ўз хатти-харакатларининг ибратлиги жиҳатдан яқин кишинизга айланади. Албатта, бу ҳол адаб қаҳрамонларининг ҳаётийлигидан далолат беради. Чунки ҳаётда ҳам шундай. Киши бир кўрган одамиининг қалби қандай ниятлар билан йўғрилганлигини англаб олиши кийин. Инсон шундай сеҳрли оламки, унинг қалб сирларини уқиб олмоқ осон эмас. Унинг учун кипидан катта билим-заковат, мuloҳаза талаб қилинади. Қиссада бу ҳол ўзининг ҳаётий ифодасини топган.

Қиссанинг бош қаҳрамони бутун вужуди билан табиат ошиғи, тўғрироги табиат гўзаллигидан, унинг мавжудотларидан завқлана биладиган, унга катта меҳр қўйган, асли касби агрономлик, лекин журналистикага ҳам майли бор Нусрат Дехқоновдир. Биз мазкур қаҳрамон фаолияти тасвирида шаҳар ва қишлоқ ҳаётидаги инсоният дикқат-эътиборини қаратиш позим бўлган турли масалаларга дуч келамиз, турфа одамларнинг қалб дупёси билан танишамиз. Бу проблема талқини ҳамда одамлар сиймоси тасвири киши қалбида беиз ўтмайди. Чунки уларнинг заминига ёзувчи катта маъно юклаган.

Нусратбек кейинги йилларда шаҳарда яшайди. Қиши-

лоқдан хотини Холисаппинг қистови билан күчиб келгән. Лекин «...шар баҳорда ҳаво илиб, куртаклар бұртиб, күпчиган тиурақ ҳиди аңқиши билан у ўзини құярга жой то-полмай қолади». Бунга сабаб бор. Чунки у қишиларда туғилған. Болалиғи кеңг яйловда, табиий яшил гыламлар устидан соңиб, үмбалоқ ошиб, қучоқ-қучоқ чучмомо, бұтакқұз, лайлакоёқ, лола каби гулларни териб, бегубор ҳаводан нафас олиб, қүй-қүзиларшыннан маңрашипдан завқ-ланыб ўтган. Мана әнді оёқ қүйтән жойынг асфальт, «хавода бензин, қызиган асфальт, чанг ҳиди аңқиб турғап» қандайдыр бүгінші шаҳар мұхитига күнінка олмайды. Юрата-ти сиқилади. Үзининг ишидан қүнгли тұтмаиди. Езуучи тасвири тобора қуюқлаштыради, янын ички зиддияттің күчайтыради. Үннің заминнің катта ҳаёттің ҳақиқаттің сингіздіради. Янын инесөн ўзи бажарының лозим бұлған юмунига, вазифага тирикшілік манбаи сиғатида әмас, аввало қало дағвати билаш киринишін лозим. Шундагина у бажарған вазифадан жамият ҳам, ўзи ҳам манфаат күради, деган фалсафий фикрии олға суради.

Нұсратбек гүгүрт құншырып ошхонага ўтади. У ерда «стол усти, краи остида қалашиб ётган ёғ юқи әдип-тостовқ, қопиқ, сапчиқлар, билчиллаган қозопсоңық құзига хунук құрпиди. Құпша-қундузи үларнинг устида суварак-лар чопиб юрарді. «Буни құриб у шундай холосага кела-ди: «Еғ босибди үзимизни ҳам, үйимизни ҳам». Бу гапда катта маъни бор. Қипшиңнег турмуш тарзи бу ахволға лоқайдлық туфайли тушиади. Нұсратбек шаҳар мұхитига күнінка олмаганидан ҳамма нарасага бенарво қарайди, хотини әринине кайфияттінне боңықа нарасага йүйіб, у рүзгорға қүнгілесізлик билан боядади. Құрбесізки, опла деб атапмис құрғонине девори нурай бишлайди. Биринчи зарба шу құрғонине әзіларига берилади, иккінчи болаларға ва ...Холиса рүзгорға қүнгілесізликдан лоқайдлықка берилған. Ҳамма нарасага хағсаласызлик билан боядади. Оқибатда ҳаётда бұлған қизиқиши ҳам ғүңғолғап. Демек, унда хеч нарасага иштіліштің ішін. Бирор нарасага иштілмаган одамда әттиқод ҳам бұлмаиди. Шундан упиннег қуплик ини телевизор құршып бүлиб қолған. Үннің учуп әшит-тиришиннег фарқи ғүй. Зерікшідан құтпеса бўлди. Кам-харакатлик инесөн аъзоларининг функциясини ҳам ишдап чиқаради. Натижада... Холисага ўхшаб ҳар хил доридармоңдан мадад қутадиган бўлади. Бундай кишилардан ўз оиласи баҳра топмагандек, жамият ҳам манфаат күрмайди. Нұсратбек шаҳарда яшашын давом эттиреа, ўзи ҳам шу ахволға тушиб қолишини ботинап ҳис қилади.

Шундан илмий текшириш институтининг қишлоқда жойлашган филиали директори Бўри Пайгамовнинг ишга тақлиф унинг муддаосининг рӯёбга чиқишига асос бўлди. Агар китобхон мана шу ҳолатга, яъни Нусратбек оиласининг ички вазияти ва зиддияти тасвирига дикқат билан назар ташласа адиб унинг заманинга биз таъкидлагандек муҳим гояни юклаганини сезиш қийин эмас.

Нусратбекнинг қишлоққа келиши воқеасидан китобхон дастлаб унинг бу ерда бажарадиган ишлари тасвирини кутади. Бироқ ёзувчининг пияти бошқа. Яхши орзу билан амалга оширмоқчи бўлган ишларга тўсқинлик қилувчи кучларнинг асли қиёфасини очиш, кўрсатиш орқали жамоатчиликнинг дикқатини унга қаратиш, яъни бугунги кунда авж олган ҳаёттй зиддиятни ифодалаш. Агар яшада аникроқ қилиб айтсан, жамиятимиз учун иллат бўлиб келाटган бъзви бир ҳолатларининг — нопоклик, ўз мансаб қурсисидан фойдаланиб кўнгли истаган нарсани қилишига монелик қилувчи ҳалол кинишларга тазийқ ўтказиш, ўз манфаати йўлида қилган ҳаракат туфайли умум манфаатига заарар етказишининг илдизини очиб беришни мақсад қилган.

Бизга маълумки, ҳаётда ҳамма нарса нисбийлик билан ўлчаниди, аниқланади. Мисол учун том маънидаги гўзатликини белгилани билан хунуқликни кўриш, ҳис қилиш лозим ёки унинг аксида. Инсоий муносабатларнинг мезони ҳам иш каби белгиланади. Мана шу мезонни бузишдан, уни менемаслишдан жамиятимиз учун иллат бўлган ҳолатлар келиб чиқади. С. Нуров буни қиссада яхши ва ҳаёттй ишқишиб қилолган.

Нусратбекни қишлоққа келган куни Аҳмад тога йўқлаб келади (Аслида, у ўзишининг чин тогаси эмас, онасининг унга уруш йилларида қилган яхнилиги учун тога бўлиб қолган). У, ўзи олиб келган узум, помидор, қовунарни бераркан, «Саватни бўшатиб бер, яшикни ҳам, керак. Юр, қишлоққа бормасанг оихонадан тамадди қилиб келайлик. Ҳали қозон-товориниг йўқ экан», — дейди. Нусратбек учун бу айни муддао эди.. Уларни официант совук кутиб олади. Овқатни олдиларирига тўқ этиб қўяди. Чунки уларнинг кийинини содда, бунициг устига чойчақа ундиришишиниг манбани бўлган ичимлик сўралмаганди Аҳмад бригадир официантиниг муомаласига парво ҳам қilmайди, ўзишиниг кийимидан қимтишмайди ҳам. Сабаби, иш официантиниг жилинглаб кутиб оладиган, маданий кийинган, серпул бойваччаларининг чўнтағидаги жарақжарақ пулларнинг, улардан ундирган чойчақаси әвазига

Ўзини ҳам маликадай юришининг маңбаси Аҳмад бригадир қабиларнинг меҳнати, уларнинг етказган шахтаси эвазига эканлигини яхши билади. Шундан ҳам у мағрур ва ўқтам. У ўзининг инсоний фазилатлари билан ҳам бундайлардан устун туради. У бирорга ёрдам берар экан, ундан бирор нарса ундириш учун эмас, балки унга фойдаси теккашдан, хурсанд бўлганидан киласди. Агар китобхон мазкур ҳолатга назар солса, унда киши кўзига яққол ташланмайдиган, бироқ ҳар бир соғдил кишининг изтиробга солиб юрган ҳаётий конфликт акс эттирилганлигини сезиб олиши қийин эмас.

Биз юқорида яна бир зиёфат тасвирига дуч қеламиз. Зиёфат Жасур Маҳмудович раис бўлган колхоз меҳмонхонасида бўлади. Бу ерда ҳамма нарса мўл, одамлар ҳам елиб-югуриб хизмат қилишади. Бир-бирини олқишлишади. Лекин бу гашнинг туб заминида носамимийлик борлиги, зиёфат ҳам бир мақсадни қўзлаб чақирилганлиги сезилиб турилади. Раис Жасур Маҳмудович институт директори Пайғамов яхши уруғ ваъда қилишига қарамай, ундан «Дори пуркайдиган трактор билан бульдозерингиз бекор ётибди. Сизлар дори ишлатмайсизлар. Ўшани бутунлай бўлмаса ҳам фойдаланишга бериб турсангиз», — деб сўрайди. Бунинг эвазига Пайғамов Нусратбекка қарашиб юборишини сўрайди. Адиб қаҳрамонларининг маънавий оламини мана шундай воқелинда очади, деталларда кўрсатади: «Раис зинадан кўтарилиди-ю, орқасига ўгирилиб тўхтади. Унинг тор пешонаси тиришган, яқинда кулиб турган чеҳраси тундлашган эди. Қўлида кетмон, дараҳтлар орасидан ҳаллослаб чиқиб келаётган оқ яктали, бошига қийиқча тангигиб олган чўққисоқол ориқ дароз ҷолни кутди:

— Очинг! — деди у боғ ўртасидаги ялангликда, қуёш тифида қуриб, қизиб ётган чаноқ нусха фавворага ишора қилиб. Раис чолнинг юзига қарамади, жавобини ҳам кутмади». Мана раисни ўз аъзосига қилган муомаласи. У чолнинг қарилиги ҳурмати учун ҳам салом бермайди. Лекин иши тушадиган, мавқеи ўзи билан тенг одам — Бўри Пайғамов олдидা икки букилади. Бундай одамларнинг жамиятда бўлиши ҳақиқий иллат ва зарарлидир, хўжаликни ҳар қанча кўтариб беришларига қарамади. Чунки бундайлар ҳалолликнинг оёғига болта уришади, эзгулик йўлида парвоз қилувчиларнинг қанотини қирқади, киши эътиқодини ножасга қоради. Жасур Маҳмудовичнинг кимлигини адібнинг ўзи бир олим тилидан жуда ўринли айтган. У бир механизаторнинг ихтироси эвазига

фан номзоди бўлиб олган. «Диссертация шарафига берилган зиёфатда, бир олим «Ўх, худойим, яна бир кана давлатнинг елининг ёпишиб олди-я!» — дейди. Мазкур тасвирдаги ҳолатлар бугунги кундаги ҳаётимизда илгари сурилган талабларга зид ҳодисалардир. Демак, бу ҳол жамиятимиз билан ҳаёт, кундалик турмуш ўртасидаги зиддиятли кўринишdir. Ёзувчи буни ишонарли ва таъсирчан ишқишиф қилган.

Бўри Пайғамов образи талқинидан ҳам киши кўп нарсанинг огоҳи бўлади. Тўғрироғи ёзувчи Пайғамов образи орқали ҳозирги даврда авж олган муҳим ҳаётий зиддиятни очиб беради. Бу ҳам бўлса шахсий манфаат билан умум манфаати ўртасидаги, яъни соғқалбли инсон билан мешчан тўқнашувиdir. «Худбин шахс образи адабиётда ниҳоятда умрбокий. У худди Ўлмас Кашейга ўхшайди. Йўқ қилсанг қайта тирилади. Асрдан асрга ўтган сари унинг қиёфаси ўзгача тус олади. Омма олдига турли ниқобда пайдо бўлади», — деб ёзади таниқли адабиётшунос олим А. Панков. Пайғамов мана шу типдаги образ. У кўпни кўрган. Мастьул вазифаларда ишлаган одам. Бир сўз билан айтсан, ҳаёт қозонида ишган шахс. Лекин бу хусусиятини халқ ва давлат манфаати йўлида хизмат қилдирмайди, яъни одамларнинг қобилиятига яраша иш билан таъминлашда намойиш қилмайди, балки ўз манфаати йўлида фойдаланишда кўрсатади. У ўз манфаатига мос муҳит яратади. У Ашир aka каби ҳалол, ўз соҳасининг фидойиси, бу фидойилик умумхалқ манфаати билан бирлашиб кетган кишиларни ёқтирумайди. Чунки бундайлар унинг сирини фош қилиб қўйиши мумкин. Бундайлар бор жойда у эркин харакат қилолмайди. Сабаби, у ўзининг қобилияти чегарасини яхши билади. У ҳаётда илмдан кўра инсоннинг заиф томонини яхши ўрганган. Шу хусусияти билан у ҳаётда қоқилмай келади. У кишининг заиф томонини дарров пайқайди, бундан усталик билан фойдаланади. Үнга истеъодли одам керак, лекин Аширга ўхшаган ўзининг ҳақини бирорга бермайдиган, жиндай эътибор эвазига ошига шерик қилдирмайдиган, ҳаёт кўрганлар эмас, аксинча тажрибаси кам, ичидагини ҳам қимтиниб сиртига чиқара олмайдиган, аммо қўлидан иш келладиганлар керак. Албатта, бундайлар кўпроқ ёшлар бўлади. У шундай кишилар туфайли пединститутни сиртдан тутагтанига қарамай фан номзоди бўлган, қараса

¹ Александр Панков. Вечное и злободневное. М., Советский писатель. 1981. 189-бет.

ҳозирги лавозими учун номзодликнинг ўзи кифоя эмас. Уни фан доктори қилиб берадиган, яъни у учун ишлайдиган битта одам керак. Пайғамов Нусратбекни шундай одам деб билади. Шуидан у ишга келиши билан Ашир акапи пенсияга кузатиб, ўринини Нусратбекка олиб беради. Унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Бу ҳол тезда ўзи билан Нусратбекнинг катта мақоласи босилиб, чиқди. «Унда институт колективи олиб бораётган тажрибалар, қашфиётлар ёритилаётган эди. Нусратбек бошлиқ лабораторияда очилган хабрабрагин ва Ашир акапинг аширцония замбуруғининг илмий ва амалий аҳамияти мақолани ушлаб турган «міх»лар — шулар эди». Нусратбек ёзгашида Бўри ака билан бирга ўқиб таҳrir қилишганида ҳам Ашир акапинг исми-шариғи бор эди, лекин журнал вариантида эса тушиб қолдирганди. Нусратбек бундан бир оз ранжиди, қалби озор топади. Лекин у Пайғамовга қарши очиқ курашмайди. Бундай кураш қалбida кечади. «...помешчик билан камбагал деҳқон бир-бирига қарши бош кўтарса, бу ҳали том маънодаги адабий конфликт эмас. Ҳақиқий адабий зиддият помешчик томонидан алданган деҳқон ўзини алданганига ақли этиб, кўзи очилса ва ўз қадр-қиммати учун онгли курашгая пайтда юзага келади»,¹ — деб ёзади И. Бекер. Нусратбекнинг ҳам Пайғамовга қарши очиқ кураши унинг ярамас одамлигига ўз кузатишлари ҳамда бу кузатишларни қалб ҳукмига ҳавола этиб, унинг иидосини шуури орқали синтез ва анализ қылгандан кейин, шуидай эквалигига тўла ишонч ҳосил қылгач туғилади. Демак, ҳаётий зиддият том маънодаги адабий тўқиашувга айланади.

Ашир акага қилинган адолатсизлик, қиладиган ишининг тайин ўйқ-ку, лекин шига «Волга» машинаси миниб келадиган бақалоқ ходимга ҳомийлиқдан Нусратбек учун жумбокқа айланган директорнинг кимлиги, яъни қандай одам эквалигиги бир оз ойдинлашади. Пайғамов айёр эди. Юқорида айтганимиздек, кишининг қалбидаги кечинмани дарров ўқиб олиш қобилияти бор эди. Адаб унинг бу хусусиятини, айниқса, карантин қилинган йўл түсигида турадиган чолининг қандай иносон эквалигини хатти-ҳараратидан тўғри баҳолай олиш эпизодида жуда характерли инкишоф этолган. Мана шу истеъодот туфайли Нусратбекнинг руҳпятидаги ўзгаришин дарров англаб олади. Шун-

¹ Бекер И. Р. О поэтическом мастерстве. Вопросы литературы, 1961 № 1. 193-бет.

дал уни газак олиб кетмаслик йўлини қидиради. Қайна-
насиликига меҳмонга олиб боради, илмий экспедиция
хақида тапириб, унинг узи хақида Нусратбек шуурида
туғилган бир тұхтам фикрии тарқатыб юборади. Яңни
директорлық лавозими-ю ва катта боши билан майдада-чуй-
да парса күтариб упинг ҳамиша ҳувуллаб ётадиган бир хо-
нали квартирасында жети, мөхрим қозониб олади: «Бош-
лигининг бу одамгарчилити Нусратбекининг күнглида унга
нисбатан илиқ меҳр уйғотди. Хонасилик ғариблиги бу
азиз меҳмон келганды айниңса сезилди». Пайғамов эса бу
билан үз мақсадында әрінди, Нусратбекининг күп йиллик
кузатищлари қайд қилинган дафтариин олиб кетади. Пайғ-
амов дафтариның бир сидра шундай варақлаганда ең баҳо-
синаи билади: «Бу йыгит бутун бошли бир институт қи-
дираётган шининг учыны бир үзи тошибди, аммо битириб
қўйган бу ишининг маъносига етмаганига ўхшайди. Шу
иншияниң бир учидан ушлаб, секин торташерса, биз қидира-
ётган муаммоларининг ҳаммаси чиқаверади. Тошгану, ҳали
үзи ишонмай, юраги дов бермаётганга ўхшайди. Каловла-
ниб юриши, паришонитиги шундан. Бунинг ҳидани бирон
жойда чиқармаганимикан?» Найғамов ўзининг жуда кўп
тақрибада үтган кишини синаш усулини қўллаб ҳиди-
ни чиқарган ёки чиқармаганилгини билоб олади: «Мен
шундай нарсаны қаердадир ўқигандайман?

— Йуг-э! — Нусратбек соддадиллик билан ёрилди.

— Мумкин эмас! Бу менниң шахсий кузатувларим,
ҳали хомроқ. Батыс фикр айтарсаны... «Пайғамовта худди
шу жавоб керак эд. ДЕМАК, қўлёвма тамом шахсий кузат-
увларининг маҳсулни. У қўлёвманни үз номидан пашриётга
топшириб юборади. Энди унга Нусратбекни кераги йўқ.
Қайтага бу ерда юрса унга ҳадакит беради. Монография-
ниң сири очипиб қолади. Үйдан оладиганини олиб бўлди.
У Нусратбекини шундан ҳайдашининг осон йўлини топади.
Нусратбек тақриба ишлари олиб борган участкани раис
Жасур Маҳмудов билан келишган ҳозда дорилатиб юбо-
ради. Бу билан ёзувчи, яна бир муҳим ҳаёттый тўқиашуву-
га кини дижқатини қаратади.

Қўриб үтганимиздек, Самар Шуров асаридаги зиддият
ҳаёттый заминига ога бўлиши билан бирга, у пижтимоий
муаммолар билан йўргилган. У асар конфликтин заминига
буғупги куни руҳнин сингларган. Оқибатда қисса том
маънодати замонавий асарга айланган. Қиссанинг қим-
мати мана шундадир.

Кейинги давр ўзбек насриниң кузатганда бир йўналиш
кўзга ташланади. Бу хам бўлса, демократия ва ҳаёт-

бахш гоя асосига қурилган бизнинг социалпистик жамиятимизда иллат саналган салбий ҳолат туфайли юзага келәётган зиддиятлар бутун мураккаблиги билан бадиий асарларда ўз ифодасини топиши. Маълумки, айтиб ўтганимиздеқ, ҳар қандай зиддият инсон хатти-ҳаракати ва фаолияти билан боғлиқ. Тўғрироғи шу асосда юзага келади. Кейинги пайтда ҳаётда юз берәётган зиддиятлар ҳам шу тариқа юзага келянти. Яъни бутун фаолиятини ҳалқ ва жамият маиғаатига қаратга, ҳаётининг ҳар бир дақиқасида шу маиғаат йўлида меҳнат қилишга ўз фаолиятини йўналтирган инсонни биринчи ўринга ўз маиғаатини қўйган айрим мешчанин, худбин одамлар туфайли юзага келган тўсиқларга дуч келиши оқибатида тугилган зиддиятдир. Шуниси қувонарлики, бу салбий ҳолатлар адабиётда анча илгари ўз инъикосини діёнат билан диёнатсизлик, софлик, ҳалоллик билан алдамчилик, қабоҳат, битта сўз билан айтсан яхшилик ва ёмоилик курлаши шаклида ўз ифодасини тоңди. Жамиятимизнинг ҳақиқији қиёфасини ўзида ифодалаган бугунги кун инсонлари хатти-ҳаракатида терап инишибоф қилинди. Неъмат Ёкубовнинг «Ҳазина султони» қиссаси мана шу типдаги асардир. Асарнинг бош қаҳрамони Улуг Ватан Уруши ногирони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исомиддин Арабов. Неъмат Ёкубов унинг фаолияти орқали юзага келган зиддият ва унинг ечимида кишига ибратли ҳамда инсон руҳига ўзгариш ясашга қобил муҳитни инишибоф қилади. Асарнинг дастлабки саҳифаларида Арабов кишида яхши таассурот қолдирмайди. Асар қаҳрамонларидан бири, яъни ҳаётда салбий ҳолатларни юзага келишига сабабчи бўладиган кишиларнинг маънавий қиёфасини ўзида ифодалаган образлардан бўлган Хосиятхоннинг таъбири билан айтганда, қўли «...худди рапида! Ўтакетган қўрс». Унинг устига «... мансабини сунистъемол қилиб, бир гектар ерини ўзига томорқага олган. Иккинчиси, колхознинг ўн гектар боргини яксон этиб, ҳайдатиб юборган... Қорабоев деган кимсага уч минг сўмга ер сотган. Қачонлардир қаҳрамонликни олиб, ўшанинг соясида юрган одам». Лекин ёзувчи унинг ўзини китобхонга рўпара қилганди, китобхон унга меҳр қўйиб қолади. Унга бу меҳр унинг тапиқи қўринишидан эмас, балки унинг қалбидаги ботиний хислатларни ҳис қилишидандир. Бу хислат ундаги қудратли инсоний иродада юксак гоялар, инсоннавар ва демократик давлат идеалларини амалга ошириш борасида бурчига садоқат туйғуси билан бирлашиб кетганлигиdir. Ёзувчи Арабовдаги бу юксак инсо-

ний фазилатни шунчаки тилда айтмайды, балки амалда, яъни хатти-ҳаракатда кўрсатади.

Китобхон қисса саҳифасида бириңчи Исомиддин Арабов шахсияти билан жамиятимиз ахлоқига зид бўлган турчилик иплатига ботган, лавозимини сунистеъмол қилган шахс тимсоли бўлганрайижроком раиси Ҳошимжон Колонов идорасида танишади. Колонов уни Ҳосиятхоннинг ниятини амалга ошириш учун чақириради. Колонов унга бирин-кетин Ҳосиятхондан эшитган даъволарини тўкиб солади. Соғқалб эгаси бўлган Исомиддин ака учун бу даъволар ҳақорат эди. Шундан у жим турмайди. Унга жавобан бугунги купца илгари сурилаётган гояга ҳамоҳанг фикри билан зарба беради: «Ўртоқ Колонов, мен қирқ йилдан бўён пахтазордаман. Кўп раҳбарларни — қирқ йил мобайнида йигирма учта райижрокомни кўрдим. Бальзи раҳбарлар колхозчишининг, раиснинг уйига кириб, ҳол-аҳвол сўраб, қандай яшаяпсан, киминг бор, нима етмайди дерди. Отасига минг раҳмат ўшаларнинг! Кам бўлишмади. Сиз бизникига борганимисиз, бирон колхозчининг уйига кириб кўрдингизми? Йўқ! Ҳа, бизларнинг томорқа бир гектарга яқин. Урушда ўлган укамнинг болалари, касалхонада ишлаётган синглиминг оиласи, кампир, ўғлим ва ўзим — жами беш хонадон бир жойда яшаемиз. Бени хонадоннинг ери қанча бўларди? Бир гектарга яқинлашса керак! Менинг нафсим қурсин, томорқа экмай! Вақтида томорқага бир неча бор пахта экканман! Томорқа сотганимисман! Ўша Қорабеевни бу ерга бошлиб келаман. Ҳужжатлари идорада бор. Ер сўраб берган аризаси икки йил ётди. Правление мажлиси қарори билан унга жой ажратганмиз. Уни шу ерга чақираман. Тирик, ўлгани йўқ!..»

Ёзувчининг маҳорати шундаки, қаҳрамонлари ўртасидаги зиддиятларга ҳаётийлик бағишида билан бирга, у бу тўқнашув орқали муҳим ҳаётий масалани кўтариб, уни мақсад сари йўналтиради. Агар Арабовнинг Колоновга берган жавобига диққат қиласак, бир нарсани дарров сезиб оламиз. У ҳам бўлса, жавоб фақат ўзининг айбесизлигини исботлашгина бўлмай. Колоновнинг қандай инсон эканлигини очиб беришга ҳам хизмат қилияти. Арабовнинг гапидан маълумки, Колонов раҳбарликни идорада ўтириб буйруқ бериш, унинг натижасини эса қоғозда битилган рақамларга қараб белгилаш деб биладиган, оддий халқдан ўзини айрича тутадиган одам. Бизга маълумки, бундай одамларга ҳақиқатни англатиш ниҳоятда қийин. Чунки улар ўз манфаати йўлида ҳақиқатдан қўз

юмишади. Арабов Колоновнинг иш фаолиятида унинг бу хусусиятини жуда кўп англаган. Шундан агар у ариза ёзмай райком котибининг шига чиқишини кутса ёки обком котибига борса ўз вазифасида қолишини қалбан ҳис қилишига қарамай, ишдан бўшашиб ҳақида ариза ёзиб беради. Унинг бундай йўл тутишида катта ибратлилик бор. У ўзини эмас, ҳалқни ўйлаб шундай йўл тутади. Колонов унга кўз тиккан экан, демак унинг ҳеч бир ишини рӯёбга чиқармайди. Бу ҳол биринчи навбатда колхоз, яъни ҳалққа заардир. Арабов эса бундай бўлишини истамайди. Обрў хусусида ўйлаб ҳам кўрмайди, чунки унинг учун обрў амал билан боғлиқ нарса эмас, обрў ҳалол ва вижданан қилинган меҳнатда. Меҳнат билан топилган обрў бокийдир. Қиссада бу ҳаётий ҳақиқат Арабов фаолияти орқали киши оғигига яхши сингдирилади.

Исомиддин Арабов тазайиқ остида ишдан кетишига қарамай, руҳан тушкунликка берилмайди, одамлар менга қандай муносабатда бўларкин деб ўйлаб ҳам кўрмайди. Сабаби, бу жиҳатдан унинг кўнгли тўқ. У ўз раислик фаолиятида одамларга ола қараган эмас, ҳаммани бирдай кўрган. Ҳамманинг ҳожатини баробар чиқарган. Каттага ука, кичикка ота, ака бўлган. Қолаберса раисликка Хосиятхон каби ҳалқнинг хоҳишига қарши мажбуран сайланмаган, ҳалқнинг ўзи шу вазифага лозим тоиган. Бу жиҳатдан унинг кўнгли тўқ бўлгани учун, у уйига кўтаринки руҳда кириб келади. Онаси билан дардлашади, неваралари билан ўйнашади, чақчақлашиб «ош ейилди. Чой ичилди. Қовуи, анор сўйилди». Унинг уйда бўлиши байрамга айланиб кетди. Бу одатдан ташқаридағи ҳол бўлгани учун хотини Турсуной: — Идорага чиқмайсизми? — деб сўради. Улар ўртасида шундай сұҳбат кечади:

— Чиқмайман. Үмуман... бундан буён кам чиқсан керак...

— Нега ундаи деяисиз? Ҳозир чақириб қолишар.

— Қани, ўтири, — деди Исомиддин қаддини тиклаб хотинига ёнидан жой кўрсатаркан. — Нега ҳайрои бўлжасан... Раисликни тоширидим... Турсуной эрига қараб қолди. Кейин боши эгилди. «Наҳотки?» деб кўнглидан ўтказди.

— Шундай қилишига мажбур бўлдим. Сенга маъқул масми?

— Нега маъқулмас экан. Менга сог-саломат юрсангиз бас. Бониқа нарса керак эмас. Уй-жой, рўзгоримиз бут. Эрта-кеч идорада ўтириб, дала кезиб болачақага ҳам қарамай қолдингиз». Биз қиссадан бу каттароқ парчани

бекиз келтирмадик. Мазкур парча ҳам катта бир ҳақиқатни очиб беришга хизмат қиласы. Ҳаётдан бизга маълумки, аксарият амалдаги одамларнинг хотинлари танкид, амал қўлдан кетиб қолмаслиги учун эрларидан ҳам кўпроқ қайғурадиган бўлади. Мехнатни эрлари қиласы ку, айшини улар суради. Арабов ҳам узоқ давр колхозга раис бўлган. Бунинг устига Социалистик Мехнат Қаҳрамони. Лекин хотини Турсуной учун эса тақдирини дастлаб боғлаган кунлардаги биргаликда пахта териб юрган Исомиддин акаси. У колхоз раисини эмас, пахтакорнинг хотини. Унинг учун Исомиддин акаси раис бўлмаса — бўлмасин, лекин тани-жони соғ бўлсин. Биз ҳаётда ҳақли равишда ишдан олингандарига қарамай бир томондан ўзи, иккинчи томонда хотини валидол ичиб, юрагини чанглалаб, ранги ўчиб ётганлар мавжудлигини эслар, кўз олдимизга келтирас эканмиз, Турсунойнинг тутган ишида нақадар юксак инсонийлик борлигини қалбан туямиз. Том маънодаги инсон, ҳақиқий меҳнаткаштина шундай йўл тутади. Турсуной ана шундай инсон. Демак, у эзгулик тимсоли, У ёмонликка,adolatsizlikka қарши мушт қўтариб, бақириб-чақириб курашга киришмайди. Балки меҳнати, унинг натижаси билан бу салбийликка зарба беради. Чунки ҳалқимизнинг кимни қандай эканлигини англаб олини иқтидорига эга эканлигини билади. Турсунойнинг бу хусусияти уни янги типдаги инсоний характер эканлигидан далолат беради. Янги характер, ўз навбатида янги зиддиятни туғдиради. Асадаги ботиний зиддият мана шу типдаги зиддиятдир.

Бизга маълумки, ҳар бир кишининг ўз идеаллари йўлидаги орзуларининг амалга ошишида муҳит катта роль ўйнайди. Исомиддин ака бир умр далада, пахта қўйнида. Ўзига энг қийин ишни танлаб олади. Агар унинг хотини Турсуной опа ҳам руҳан унга мос бўлмаганда, у бундай ишларни үдасидан чиқа олмасди. Ёзувчи бу ҳаётий мантиққа тўғри эътибор берган. Турсуной опа Исомиддин аками фақат руҳан эмас, балки жисман ҳам қувватлайди. У ўзининг бу фидойилитини Исомиддин ака билан турмуш қурганлигини эртаси куниёқ намойиш этади. Исомиддин ака унинг қўлини сўраб илтижо қилганда розилик берипшининг ўзида уларнинг бир-бираига руҳан яқинлиги англашилади. Чунки Фати ая ўғлини уйлантириш йўлида жуда кўп эшикни қоқди. «Ўзини билгани ширин сўз билан кузатишар, билмагани бетофиқлик қилиб: «Уйлантириб нима қиласан, ўзини эпламаган одам хотинни эплай оладими? Қизнинг ёнига қўшиб ким қуёв боқишга зор»,

— деб ҳайдаб солғанлар ҳам бұлған әди. Мана Исомиддин аканинг түйпинг эртасидаги ахволи: «Аёл Исаомиддининг йүғон белига фартуқларни ихчам boglab қўйди. Йигит бир амаллаб ўқариқдан ўтиб олишни мўлжалларди. Ариқ чуқур, лойли әди. Исаомиддин қўлтиқтаёгини бирини ариқ лабпига тираб, бинтли оёғипи олдинга чўзиб, гавдасини эгиб, олға сакради. Қўлтиқтаёғининг бири ариқ лабини ўнириб лойға ботди, иккимчиси қўлтиғидан тушди. Йигитнинг оғир гавдаси гўзалар пчига йиқилди. Бинтли ногирон оёқ бақувват гўза шохларига илениб, лапанглаб қолди. Йигит «воҳ» деди-ю, жимиди. Ногирон оёққа ўралган бинтлар орасидан қон силқиб, гўза шохларига томди. Буни кўрган келинчак қўрқиб:

- Войдод, аяжон, нима қиласиз эпди? — деди титраб.
- Сув бер, қизим, сув!
- Нимада олиб келай, идиши йўқ!
- Кафтингда, оғзингда бўлса ҳам майли!

Аёл йигитнинг бошини шошилини тиззасига олиб қулоқлари, бўйинларини силади:

- Оҳ, болам, жонингга жабр қилдинг!

Турсуной кафтидаги сувни йигитнинг юзига сепди». Мана шу ахволда Исаомиддин нахта теради, шу ахволдаги одамга Турсуной сунячиқ бўлади. Агар ўз даврида фронтдан қайтган одамларни «мен қон тўкиб келганиман», — деб ҳаммага дағдага қилиб (афсуски бундайлар кўнчилик бўлган), ўзларига ёққан ишни беришни талаб қилинганиларини кўз олдимизга келтирап эканмиз, булардаги инсонийликнинг қадр-қиммати янада юксакроқ қўтирилади, шунингдек, давр эндијатлари киши кўзига ёрқинроқ ташланади.

Пахта териб кўрган одам унинг никоятда машаққатли иш эканлигини яхши хис қиласди. Протез оёқда пахта теришни бир тасаввур қилиб кўрингчи? Исаомиддин ака ана шу ахволда мавсум давомида йигирма икки минг килограмм пахта теради. Келаси йил қирдан ўттиз гектар ер очиб пахта экади. Ўз пуллига ҳўқиз сотиб олиб, томорқасида әмас, колхознинг ерида ишлатади. Аравага қўшиб гўнг ташийди, чўлтоқ оёқ билан гўза чопади. Гектаридан 70 центнердан ҳосил қўтаради. Бизда эл манфаати учун қилинган меҳнат ҳамиша муносиб тақдирланади. Арабовнинг қўксидаги олтин юлдуз мана шундай фидойи меҳнатлари учун берилган. Мана шулдай пахтачиликнинг ривожига жуда катта меҳнати сингган одамни Колонов министр қудасига орқа қилиб, тазийик билан ишдан бўшатиши унга нисбатан китобхонининг нафратини

күзгөтади, шунингдек, ўйлантиради, ботинан Арабовни ҳимоя қиласы. Оқибатда бундай ноңақликтек қарши қалбиди курапи түйғуси пайдо бўлади. Демак, киши муҳим ҳаётий зиддият билан тўқнашади, унинг бартараф қилиш йўлларини қидирди. Бу, албатта, қиссанинг муҳим фаизлатидир.

Арабовнииг битта шарафли қасби бор. Бу унинг учун ҳам амал, ҳам обрў, ҳам тирикчилик ва шуҳратдир. Бу нахтакорлик қасбидир. Бу хусусида ўзи шундай дейди: «Пахтада юрсам бас... бу қасбни мендан ҳеч ким тортиб олмайди». Арабов кексайтганда ҳам ёшлик шижоати билап шига киришади. Янги ер очиб оилавий бригада тузади. Хосиятхон ҳамиятига теккапи учун кадрини билалиган ҳалол одам — қўшини колхоз раиси Нишонбой олдига боради. Ундан қўриқ ер олиб ўзлаштиради. Қиссани ўқишида давом этар эканимиз, унинг хар бир саҳифасидан бир нарсани уқиб борамиз. Бу ҳам бўлса, нахтакор меҳнатининг қаңчалик оғирлигини. У Ватан ва эл олдида берган ваъдасини устидан чиқиши учун ғоятда мураккаб ши жараёнини, соати белгисиз меҳнатни бошидан кечирали. Неъмат Ёқубов буни Арабов тимсолида ёрқин инкишоф қилиб беради. Унинг меҳнат фаолиятини, ҳосилдорлик йўлида чеккан заҳматларини, бу борадаги шининг кўзини билиши, тадбиркорликларини қўриб нахтакорнииг меҳнати яратувчилик, ихтирочилик хусусиятига эга деган хуносага келинади. Шунингдек бу меҳнат хамма қилиб кетаберадиган оддий меҳнат эмаслигини, яъни даладан чиқмай меҳнат қила берган билан нахта стилиб қодмаслигини, унинг учун ерининг қалбини била билиш, унинг билан сўзлаша олиш ҳамда ҳавопиниг авзига қараб эртага нима ҳодиса рўй бершишини айти олиш қобилиятига эга бўлган кипигина бунинг улдасидан чиқини мумкинлигини калбан ҳис қиласиз. Агар мана шу ҳолатларга дикқат қилинса, киши бир нарсани, яъни катта ҳаётий конфликт мавжудлигини сезиб олиши қийни эмас. Бу ҳам бўлса, меҳнатга писбатан шароитининг номутаносиблиги оқибатида юзага келаётган конфликтни. Қисса мана шундай ҳаётий конфликтлар асосига қурилгани учун унинг аҳамияти каттадир.

Муроджон Мансуровнииг «Мангу жалг» романидаги конфликтнииг бошқа асарларда учрамаган шаклига дуч келамиз. Бу дегани ёзувчи ўзи янги бир конфликт яратибди деган гап эмас. Аслида, роман замонидаги конфликт ҳам қундалик ҳаётда, айниқса, кейинги йилларда авж олган ҳаётий зиддиятларининг типик қўриниши. Адаб

ҳаёттй конфликтни бадинй конфликтга айлалтиргапда ўз услугбий йўналишини намойини қилган. Яъни асарини ҳаёттй мухит ва шароит, бевосита ҳамда бавосита таъсир омили орқали уйғонган виждон билан «уйқу»даги вижденинг ўзаро тўқиануви асосига курган. Аниқлик киритсан, киши ўзи виждени олдида ўтмиши, фаолияти, бажарган иши хусусида ҳисеботи асосига қуради. Бу билан адид конфликтдан иккى мақсад йўлда фойдаланган. Биринчиси, ўз манфаати йўлига қаратилган сохта ташаббускорлик орқали лавозим ва сбрўга эга бўлишнинг ниҳояси нима билан туганининг иккиси ёғига, иккинчиси, характеристикинг маънавий киёфасининг чукур очилишига. Мазкур усули билан Муроджон Мансуров бадиий адабиётда ёзувчи идеясини, унинг позициясини киши онгига сингдиришда конфликт катта роль ўйнашини исботлайди.

Романинг бош қаҳрамони ҳакиқат олдида ижеми дош беролмай, тўшакка михланиб қолган Бурҳон тўқис. У ўзи бир пайт тан олмаган ишоний фазилатларнинг — эл манфаати учун фидойилик, ҳалоллик, садоқатлик, событқадамликнинг яшовчанлиги, уни буғунги кун ёш авлодининг маънавий оламида кўриши, бундай руҳдаги кишиларнинг номи ҳеч қачон одамлар қалбидан ўчмаслигини шуурла ҳис қилгач, ўзининг мудроқ виждени уйғониб, ўз қилмишларини тарозига солади. Бурҳон тўқис ўн бир йилдан бери «На ёнбошлайди, па тура олади. Алмисоқдан қолган сим кароватга михланиб, шифтга қадалиб ётгани-ётган. Ягона әрмати — қафасдаги қушлару, девордаги улуғвор портрети». Бироқ бу йиллар давомида унинг вужудидаги худбиилик касали вижденинга бўй бермай, шуҳрат сари интилтиради. Ўзидаги бу хусусиятини у ҳатто райком секретари бўлиб ишләётган ўғли Қудратга ҳам юқтирган. У ҳам отасининг насиҳатига кўра сохтакорлик билан иши тутади. Буни у вижденизлик эмас, балки тадбиркорлик деб билади. Чунки отаси Бурҳон раис, мана шундай «тадбиркорлик» — ортиқча ерга экип экиб илан тўлдириш, килинмаган ишларни көнгизда кайд қилиш, қандай янгилик бўлса, опраса-опламаса унга уриниш билан шуҳрат топган, районда илғор раис сифатида тилга олинган. Китобхон Бурҳон тўқис ва унинг ўғли Қудрат, райисполком раиси Ҳожибеков ҳатти-ҳаракатлари билан танишар экан, бевосита тургунлик йилларидаги ҳаёт кўз олдига келади. Бу ҳол ўз павбатида романнинг буғунги кун воказлигига ҳамоҳанг, яъни замонавий руҳга эга әканлигини кўрсатади. Роман замини-

дати конфликт том маънодаги, ҳақиқий ҳаётбахш, ҳаёт мантиқи билан йўғрилган конфликтдири. Чунки Бурҳон тўқис ўз қилмишларини торозуга солиб, уни инкор қилар экаб, бу ҳом стихияли, жўн бир тарзда рўй бермайди, балки одамлариниң ҳаётга қараши, жамиятдаги ўзгаришларни фикрий таҳдил қиласа, давлатимизнинг ҳолдинга суроётган гояси моҳиятини шуурни ила теран англаб етгач рўй беради. Демак, у ўз тутган ишига оигли ёндашади. Шундан Бурҳон тўқисиниң хатти-ҳаракати ибратли ва таъсир омилига эгадир.

Романдада воқеелик етакчилик қилмайди, балки ёзувчи иштанини ўзида ифодалаган иносон фаолияти ва унинг хатти-ҳаракати етакчилик қиласди. Неварасининг иштанини, яъни колхозининг буюртмаси бўлган шон-шуҳрат хиёбони олди саҳнига қўйиладиган ёдгорлик дарагини эшитиб, ҳали худбиилик касалидан форти бўлмаган Бурҳон тўқис ховлиқиб кетади. Унинг фикрича, бу ёдгорлик сўзениз ўзига қўйилиши керак. Бироқ унинг «Кимга қўймоқчи-сизлар? Билса бўладими? — деган саволига неварасини «Сиз уни ташайсанз, оноқдала!» дейинши қалбидаги худбиилик касалини жишибушга келтиради. Айниқса Акбарга әкалигини билгач чидолмай қолади: «Келиб-келиб ўша Аббарга ҳайкал қўйишмоқчими?! Бундан кўра, шу хабар билан келгандай кўра, уни тириклийни ёқиб юбориша қолмайдими?» Бурҳон тўқис, ўзининг бу борадаги орзуенини райком секретари ўғли Қудратга очиқча айтингдан ҳам тоймайди. Отаси иштанини эщитган ўғил — юртшини ишончтан вакили эса эътиroz билдириш, бу борада адодатли бўлни ўрнига ватъда беради. Ҳалқ манфаатини ёмас, балки ота манфаатини ўйлаб, иккни колхозниче қўшилини муносабати билан «Акбаробод» номини ўзтартиришинга киришади. Мансади кейинчалик отаси Бурҳон номини берини эди. Еироқ ҳайқий коммунист Зорин чол талаби туфайли иштага етолмайди. Демак, эзгулик кабиҳлик устидан голиб келади. Роман мана шу тариқа кишини ўз воқеаси оламига тортади, қаҳрамонларининг олами билан ташшитиради, унинг заманинига сингдирилган концепцияни қалбига сингдиради.

Романининг ҳар бир сюжет линиясида ёзувчи концепцияси ўз ифодасини топади. Воқеалар силсиласи орқали ота-бала ва боинча шу тиидаги одамлар ички олами билан ташшиган киши, уларининг хатти-ҳаракатини қалб призмасидаи ўтказиб, шундай хулосага келади. Тўгрироғи асар конфликтига сингдирилган вазият шунга ундайди. Бу хулоса шундай, яъни иносон вақти келиб, ўз хатти-ҳара-

кати, босиб ўтган ҳаёт йўли ҳакида вижданни олдида ҳи-
сабот беражаги, башарти бу хатти-ҳаракатлар халқ
манфаатига қаратилмаган бўлса, виждан азобига дучор
бўлиши мүқаррар дегани. Адиб бу ҳаёт ҳақиқатини Бур-
ҳон тўкис образи таҳлилидаи келтириб чиқаради.

Ҳаётда ёмондан яхши кўп. Лекин ёмонлар қаерда
бўлмасин дарров уюшиб оладилар. Бирининг юрагига
иккичиси йўл топади. Оқибатда социалистик жамиятда
иллат саналган ҳолатлар яшовчанлик қаеб қиласди. Ил-
латни ўзида ташувчи одамлар ниҳоятда устомон бўли-
шади. Қаерда қандай гапиришни, ўз пиятини қандай
амалга оширишни яхши билишади. Чунки ўзларининг
қандай одам эканликлари ўзларига аён. Буни жамоатчи-
ликка сездирмасликка тиришишади. Қалби эзгулик билан
йўғрилган кишилар эса бунинг акси. Улар қалбан
пок бўлганиклари учун қаерда бўлмасин бутун борли-
гини намоён қилишади. Фигрини қобиққа ўраб ўтирумай-
дилар. Тўғридан-тўғри айтиб қўяқолишади. Уларпинг сод-
дадиллиги ёмонларга қўл келади. Адиб асарида мана шу
икки қутбдаги одамларининг маънавий оламини бутун
мураккаблиги билан очиб бериши орқали кипши дикқатини
ҳаётий зиддиятга қаратади.

Сўл қутбининг тишик вакили Бурҳон тўқисидир. У
ниҳоятда мураккаб одам. Ҳаётда ҳар бир қадамини эҳ-
тиёт қилиб босади. Ҳар бир ҳаракатини ҳалик учун қи-
лаётгандек таассурот қолдиришга интилади. Аслида у
ҳеч қачон одамларни ўйламайди, фақат ўзини ва амал
курепсини ўйлайди. Бу йўлда сотқилик қилишдан ҳам
тоймайди. У ўзидан кўра ҳар жиҳатдан устуни бўлган,
халқ гамини еган дўсти, шўро раиси Қодирнинг ўлимига
сабабчи бўлади. Кўчирмага бегуноҳ одамлар кириб қол-
ганига сўтироуз билдириб, гапини ўтказолмаган Ақбар
позвон «Уйдай бўлса, менга рухсат... Бонқа қаттиққўл-
роқ актив топиб оларсизлар», — деб Шўро идорасидан
чикиб кетаётганда «тузилаётган колхоз раислиги ўзимга
қолди» деб астойилид суюнади. Чунки у Ақбарнинг ўзига
нишбатан тамом бошқача инсон эканлигини, унинг қони
ўзипики билан ҳеч қачон қўшилмаслигини ботинан ҳис
килади. Унинг тутган йўли тўғри эканлигига ақли етса-да,
унга қарши иш тутади. Сабаби шукри. Ақбар бор жойда
у эркин бўлолмайди. Адиб Бурҳон тўқисининг мазкур
хусусиятларини сўзда гапирмайди, хатти-ҳаракатлари
тасвирида қўрсатади. Бурҳон тўкис образи бир пайтлар
образли қилиб айтсан, рангли бўёқда тасвирланган. Унинг
анъана тусини олган бир хил қора бўёқда эмас, балки

айрим тутган ишларини кўриб, адолатпарвар одам, қаттиқўллигини давр тақозо қилган дейиш мумкин. Романда унинг бу никобли ҳаракатларини очиб берадиган эпизодлар бир талай. Бурҳон тўкис соябон аравада кетаётган бир пайтда йўлда учраган оқсоқ Робининг арзини тинглайди. У қизига севимли бригадири Аҳмадалининг кўз олайтирганини айтиб, ундан шикоят қиласди. Бурҳон тўкисининг «А?! Ким дединг?! Қайси беномусин айтгасан? — деган хитобномасига «Ким бўларди, ўша ер юткүр... яшамагур Аҳмадалингда? — деган жавобини олгач, олдинги шаштидан тушиб, «Ярамас, яна шу қилигини қиптими?.. Сен хафа бўлма, Роби. Нима зарур бўлса, тўғри олдимга келавер. қайтарсан нима дессанг де... У юзсизни эса... кўрпб турасан, жазосини ўзим бераман! Шундай қолдирсан... Бурҳон номимни бошқа қўй!..» дейди. Ҳақиқатап Аҳмадалини ўща кунининг ўзида югурдаги Яхёга айтдириб ҳайдатиб олиб келади. Нима, бу халқда кайишиш, унинг дардига қулоқ осиними? Сиртдан қарагандা шундай. Лекин масалага ботиниёндиганда бунинг акси экалиги аёни бўлади. Мазкур учрашувдан бир куни плгари Акбар ўша Аҳмадали бригадирнинг эри фронтда бўлган, бир этак бола билан қолган Рихси кенинйининг «Хой, мегажин! Чиқ бу ёққа! — деган ҳақоратига ҳам бир сўз демасдан, этагига ёпишган болаларига қаратади: «Хозир, барака топкур, ҳозир, орқангиздан етиб боролмасам айтпинг. Манави жўжаларни тинчитай, жон амакиси», — деб ялнишига қарамай сочига чанг солиб, отига судратганига чидай олмай Бурҳон олдига бир танобини тортиб кўйинши айтгани келганда, унинг гапига парво ҳам қилимаганди. Ҳамма бир тўғрам ионга зор найтда, томоша учун ҳовуздаги балиқлрга жizzали нон итқитиб ўтирганди. Мана бутун эса ўзгача муомала. У Робига қатъий қилиб жазо беришини айттар экан, аслида унинг дардига қулоқ осгани учун эмас, балки Аҳмадалининг бу ши Акбарининг қулогига чалиниб қолишидан чўчиганидан ва шу баҳона Акбарни ўзига тобе қилиб олини ўйлаганиданидир. Чувки Аҳмадалини Акбарният хотаваччаси эканлигини билади. Агар оиласи билан кўчирма қиласа, холаси Акбар олдига келишини, у эса ўзидан илтимос қилишига мажбур бўлиши олдиндан унга маълум. Унинг шуури одамларга панд бериши борасида жуда тез шплайди. У айтгапча бўлади, лекин Акбар Аҳмадалининг гуноҳини бутуилай кечишини сўрамайди, балки қонуп асосида жавобгарликка тортишини, у деб бутун оиласи бадарга бўлиши ҳеч қандай қонунга тўғри келмаслигини айтади.

Мана, Робияниң гапиға қулоқ солишининг асл сабаби қаерда. Лекин Робия ундан миннатдор. Бу миннатдорчилигини ҳаммага айтиб юради. Негаки, Бурҳон түкисининг пинхоний ииятларидан у бехабар. Бурҳон түкис ечилиши қийин бўлган бир жумбок. Ёзувчи буни конфликтлар очимида жуда ишонарли кўрсатади.

Ҳалол меҳнат эвазига Акбарни «колхозчиларнинг Бутуниттироқ қурултойида қатнашиб, нақ Калининнинг қўлидан орден тақиб» келганини эннитиб, ичидан зил кетса-да, табриклагани боради. Сабаби, зимдан унга қарши иш тутиб юрганини бошқалар сезиши қерак эмас, иккичидан, ўзининг режасини амалга ошириш — қизиқ устидан уни ўз таклифига қўидириши лозим. Бурҳон бунга найт пойлавайди. Акбарниң ҳозирги кайфиятини ички бир туйгу билан сезган Бурҳон унга қаратади: «Дўстимсан-а? — деди лабларини чўччайтириб...

— Бўймасам-чи, — деди унинг кўнгли учун Акбар хижолат аралани штакайди.

— Дўстим бўлсанг, менинг гапимга бит-та кирасан! Хўп, дейсан! Хоҳласанг, ўзимга наловот (ҳосилот) қилиб оләман! Хоҳласанг, партком қилиб қўяман! «Агар у таклифига рози бўлса, биринчидан унинг ихтиёри ўзининг қўлида бўларди, иккичидан, кейинги сайловдаёқ рўйхатлардан тушириб қолдиарарди. Шу билан парвоздати одамниң қапоти қирқиларди. Мана Бурҳонниң кипиларга қиладиган яхшилигининг туб моҳияти. Лекин Бурҳон тўкиенниң мақсади ҳаракатларини билмаган ол у хақида бошқача фикрда бўлиши аниқ. Шундан ҳам тақлифини Извандаги колхоз раислигидан тушган Аҳмадали акага бригадирини ваъда қилгац, унинг олдида айтади. Чунки ундан яхшилик кўрган одам Акбар хусусидаги тақлифини бошқаларга етказишни олдиндан билади.

Ҳа, Бурҳон тўкис эл ўртасида яхши ном олишга устаси фараанг. Аҳмадали бригадир бадном қилган қизни дўсти Қодир партизанинг ўғли Пўлатга олиб беришга ҳаракат қиласди. Тўйга ўзи беш қўшишга, ҳатто ҳозирча армияга юбормай турини ваъласини ҳам беради. Уни йигитниң қалбида ишма кечётгани, боши ҳам бўлиши, ҳаётни изтиробда ўтиши билан ишни йўқ. Икки ошига ҳомийлик қиласи, деган ганини олса бўлди. Бироқ бу режаси ҳам амалга ошмайди. Пўлатниң қалбига қулоқ осган, мақсадли қилинган яхшиликтан юз ўғирадиган, соғдил Акбар аралашуви билан бу ияти натижасиз тугайди. Яна эзгулик голиб келади.

Адаб Бурҳон тўкисининг характеридаги ионисоний,

яъни жамиятимиз ахлоқига, унинг талабларига зид ҳолатларни очиб берар экан, унга ижтимоий мазмун беришга интилади. Колхоз идорасининг кўришиши қўйидагича: «Ярим йил ичидаги идоранинг шифти-ю, деворлари ганчдан нақшланиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, айниқса девордаги нақшлар кўзни қамаштиради... У шу ёнга кириб одамнинг акси кўринадиган даражак силлиқ, оро бериб ишланган бунақа стол-стулларни ҳеч ерда кўрмаган эди. Ҳар биттаси шунақа дид билан ишланганки, унинг олдида бу атроф усталари иш эша олмаслиги аниқ. Тўрдаги катта столнинг оёғлари қуббадор қилиб, ҳар қуббасига биттадан шернинг боши ўйиб ишланганига одам ҳайрон қолади. Бурҳон тўқиснинг ўзи ўтирган орқаси суюнчиқли ҳашамдор стул эса, худди тахтга ўхшайди. Бу стулнинг ён суюнчиқлари ҳам боягидек қуббали, рапс гўё икки ёнидаги икки шернишг бошини силаётгандек ястаниб ўтиради». Бундай безашдап мақсад, эшикдан келган одамга улуғвор кўриниб, шошириб қўйиш. Асарнинг мана шу ўринлари бугунги кунда қайд қилинаётган тургунлик йилларида иллатларни ёдга солмайдими. Ахир кейинги йилларда жумҳуриятимиз олий кенгашларида қабул қилинган қонуларида мана шу ҳолатлар, яъни ортиқча дабдабозлик коммунистга хос бўлмаган хусусият эканлиги алоҳида таъкидланган эди-ку. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, адаб қаҳрамонлари фаолияти орқали туғилган конфликтда бугунги кун проблемаларни кўтаради. Адаб мана шу тариқа, яъни сўл қутбдаги образларнинг жамиятимиз идеалларига зид хусусиятларини очиш борасида, ўнг қутбдаги — бугунги кун совет кишисининг ҳақиқий сиймосини ўзида мужассамлаштирган кишиларнинг маънавий оламини ҳам очиб боради. Оқибатда иккала қутбдаги хусусиятлар, яъни жамоатчилик инкор қиласидаги иллатлар, шунингдек ибрат оладиган фазилатлар қабарив кўринади. Яъни Бурҳон тўқис ва унинг ҳомийларидағи иносоний хусусиятлар намоён бўлган ерда, Ақбардаги иносоний фазилатлар уни инкори сифатида ўз ифодасини топади ҳамда ҳақиқат тимсолини касб қиласиди.

Ҳаётда Бурҳон тўқисга ўхшаганлар якка фаолият кўрсатса, уларнинг сири тезда ошкор бўлади. Айниқса, бизнинг жамиятда. Шундан улар, юқорида айтганимиздек, якка ҳаракат қилишмайди. Уюшиб олишади. Асарда бу ҳаётий ҳақиқат ўзининг ифодасини топган. Бурҳон тўқисни юқорида қўллаб турадигани бор. У райисполком раиси Ҳожибековдир. Бу шахс усталикда Бурҳон тўқис-

дан үтиб тушади. Райком қапдай масала қўрилажак бўлса, Бурҳон тўқисга етказиб туради. У масалани биринчи бўлиб кўтариш билан катталар оғзига тушишга маслаҳат беради. Албатта, бекорга эмас. Адиб унинг риёкорлигини хатти-ҳаракатида, гапириш манерасида жуда усталик билан очиб беради. У бирор нарса ундиromoқчи ёки бирор илтимоси бўлса тўгридан-тўгри сўрамайди. Ўзини у кишига жуда яқин олиб, унга фойдаси тегадиган бирор янгилик айтади ёки ишидан бирор камчилик тонади. У бу услубини жуда усталик билан ўз ўрнида қўллайди. Райкомда фронтга ғалла етказиб бериш учун қўшимча ер резервларини топни зарурлигини ҳам биринчи Бурҳон тўқисга етказди. Лекин Бурҳон бу сафар уддасидан чиқолмади. Бутун колхоз раисларини доғда қолдириб, Акбар янги ташаббус билаш чиқди. Бурҳоннинг бедазорларни бузиб, унга ғалла экиш керак деган таклифи ўтмай қолди. Шунда Ҳожибеков унга янги бир қаллобликни ўргатди, яъни ҳеч кимга билдиримасдан, у ерларга ортиқча экин экиб, планни ортиғи билан бажаришни. Буниинг эвазига ўзининг кичкина илтимоси бор. Ҳеч нарса қўлидан келмайдиган жиянини Ачидаги Акбар бошлиқ тракторчилар сафига қўшиб қўйиш. Бу билан унга брон тўғрилаш. Бироқ Бурҳон тўқис бу сафар ҳам унинг илтимосини ўринилата олмайди. Акбар уни олиб қолмайди. Айниқса, Акмални ҳеч хижолат тортмай: «Сиз қўрқманг. Тогам ЭМТЭСнинг каттаси бор-ку. ўша одам билан гаплашиб қўйганлар. Кейинчалик қоғоз тўғрилаб беришармиш... Сизни кидақа қоғоз-да», — дейиши унинг газабини қўзгайди. «Йўқ, ука, бунақаси кетмайди. ўша раис амакинг бекор айтнабди. Аввал тогангиз менинидақа ҳужжатни бир тўғирлаб берсинлар-да, кейин келасиз!» — деб жўнатиб юборади. Икки қутб ўртасидаги зиддият япа кучаяди. Ёзувчи мана шу тариқа асар заманинига сингдирилган конфликтни кескинлаштириб боради. Бу кескинлашишда адабиётнинг вазифаси бўлган инсоншунослик масаласи чуқурлашади. Сўзи қайтган Бурҳон энди очиқча ўч олишга иштилади, пайт пойлайди. Тракторчи кизлардан бўлган Муборак тракторини бошқара олмай жарга тушириб юборганини эшитган Бурҳон хурсанд бўлиб кетади. Чунки ўч олишга имкон туғилганди. Мазкур воқеага бир кун ўтмасдан терговчи келади. Бу Бурҳоннинг иши эди. Чунки у раён судъяси ва прокурори билан яхши муносабатда, тўгрироги уларга ўтказиб қўйган эди. Суд Тўлабоевга ўзининг дулдул отини инъом қилган бўлса, прокурор Имонбердиев устига тўн

ёпган. Мана, ўрни келиб, бу қилган ишлари асқотди. Бир оғиз гапи билан терговчи келади. Ёзувчи мана шу тариқа воқеликка ҳайтий мантиқ багишлайди. Бурҳон бу сафар ҳам мақсадга эрина олмайди. Акбарнинг иродасини бу-колмайди, терговчи Омиловнинг сохта маълумот олишга интишиши барбод бўлади. Чунки ҳакиқат енгилмас кучдир. Бу воқеадан кейин Бурҳон риёкорлик пардасини кенгроқ ёяди. Акбарни Ҳожибековнинг ўзига рӯпара қилишга, яъни қулаган тракторни унга кўрсатишга интилади. Яна мағлубият. Жамоатчилик олдида ўзигина эмас, суюнган тоги Ҳожибеков ҳам шарманда бўлади. Суянтган тогини бир амаллаб қўнглини кўтариш керак. Шундай қилди: «...у шаккокининг адабини ўзимиз берамиз, мана Яҳё бу ёғини бошлайди», — деди. Бир одамнинг умри ҳисобига, иккичи, ўзига фойдаси тегадиган одамнинг кўнглини кўтариш унинг учун ҳеч гап эмас. Яҳё юргурдаги одамлари Акбар полвонни ҳалок қилишиб. Акбар бу ўринда жонини сақлаб қолса бўларди. Чунки у уруглик бўгдой ва қизларни қутқарган ҳисоб эди. «Арава шалдирاب узоқлашиб борар. Акбар полвонни қизларни қутқарган ҳисоб эди. Энди ўзи булар билан начакилашиб ўтирумаса ҳам, хаю-ҳайт дея отига қамчи босиб жўнаб қолса ҳам бўларди-ю, нимадир уни тутиб турар, чамаси, кочди дөган исеноддан ҳазар қиласади». Ҳа, Акбар полвон характери учун нусиб, яшаш, ноҳақликни кўргандан индамай кетиш, ўрини келганда оғиз очмай, ўч учун қулай шароит пойлаш ётди. Уни дили билан тили бир. Дирида нима ўйласа шуни тилига чиқаради. Бурҳон тўқис қанчалик амалга интилса, у шунчалик әлга нафи тегишига ҳаракат қиласади. Ташкилотчиликда, ҳайт тешденциясини англашда, дехқончилик сирларини билишда Бурҳондан устун бўлишига қарамай, у амалга, шуҳратга интилмайди. У шуҳрат амал билан эмас, балки меҳнат билан келишини теран англаиди. Ҳақиқатан ҳам ўз вақтида Бурҳон тўқис олмаган орденин у олди, у сайланмаган депутатликка у сайланади, у бўлмаган раёнком атъзолигига у бўлди. У жисман ҳалок бўлгали бўлса-да, ҳалқ манфаати йўлидаги фидойиллиги учун шомлаб аддийлашди. Ўлимидан сўнг колхоз унинг номи билан «Акбаробод» деб аталди. Чунки у ҳакиқат тимсолидир. Тўғри, бу таклифни Бурҳон тўқис ўз одатича усталик қилиб таклиф қиплади, лекин у таклиф қиммаганда бошқа бир одам, аниқроғи раёнкомнинг биринчи секретари Мусамуҳамедов таклиф қилиши муқаррар эди. Чунки асарнинг руҳидан бу нарса сезилиб туради.

Хулоса қилиб айтсак, конфликт асар гоясини, ёзувчи позициясини ифодалашда, қаҳрамонининг маънавий қиёғасини белгилашда, шунингдек, ҳаёт ва турмуш проблемаларини очишида мұхим роль үйнайди. Бадий конфликт асар мазмунини, моҳиятини қапчалик белгиласа, унинг шаклини ҳам шунчалик белгилайди. Демак, мазмун билан мутаносиблитгини ҳам таъминлайди.

Конфликтнинг табиийлигига әттибор беришлик, ўз навбатида ҳаётни ҳам социологик, ҳам эстетик аспектда таҳлил қылмоқлиқидир. Иккинчи хил қилиб айтсак, ҳаётни бутун кўриниши ва муракқаблиги билан акс эттирмоқлик, шунингдек, ундағи долзарб проблемаларга автор позициясини сингдирмоқлиқидир.

Конфликтнинг моҳиятини англаб етмоқлик, унинг ҳаётдаги манбаининг моҳиятини тушуниб етмоқлик, яъни унинг келиб чиқиши ва туғилиш проблемаларини теран фалсафий нуқтаи назаридан таҳлил қылмоқлиқидир. Агар ёзувчи асари конфликтни мантиқий ва ҳаётпий бўлишига ҳаракат қиласр экан, биринчидан, у асар воқеаларини ҳаёт воқеалари билан чамбарчас боғлиқлиқда таҳлил қиласр, иккинчидан, унинг бадий тузилишининг ўзига хослигини ҳам белгилаган бўлади.

Конфликтнинг тури кўп. Чунки унинг манбаи ҳаёт зиддиятларидир. Маълумки, ҳаёт зиддиятларга тўла. Биз кунлик ҳаётда оиласи, ишлаб чиқаришдаги, ахлоқий, рухий конфликтларга дуч келамиз. Кейинги давр адабиётида бу конфликтлар ҳам ўзининг бадий инъикосини топяпти. Лекин ҳаётда яна бир конфликт борки, бу ҳар бир даврда ёзувчи концепциясини белгилашда асосий омилкорлик ролини ўтайди. Бу ҳам бўлса, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги конфликтидр. Бундай бўлиши бежиз эмас, чунки ҳаёт жабҳасида туғилган ҳар бир конфликт нинг замини худди мана шу нарсага бориб тақалади. Шундан ҳам биз, ишимизнинг ҳажмини ҳисобга олиб, шу асосида мұхим конфликт ётган асарларга тўхтадик ва шулар мисолида конфликт ҳақидаги фикримизни илгари сурдик. Агар фикримизни янада умумлаштириб айтсақ, реалистик адабиётнинг проблемаларидан бири, бу бадий конфликт проблемасидир. Чунки унинг моҳиятиг чукур әттибор беришлик, ҳозирги замон адабиётининг ривожига йўл очишлиқидир.